

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги  
Андижон давлат университети**



***«ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ИШЛАНМАЛАР АМАЛИЁТГА: муаммолар, тадқиқотлар ва  
ечимлар»***

**Халқаро онлайн илмий-амалий анжуман**

***«ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ, РАЗРАБОТКИ В ПРАКТИКУ: проблемы, исследования  
решения»***

**Международная научно-практическая онлайн конференция**

***«INNOVATIVE IDEAS, DEVELOPMENTS IN PRACTICE: problems, research and solutions»***

**International scientific and practical online conference**

**2021 йил 21 апрель, Андижон**

## **«ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ИШЛАНМАЛАР АМАЛИЁТГА:**

### **Муаммолар, тадқиқотлар ва ечимлар»**

Халқаро илмий-амалий онлайн анжуман материаллари тўплами  
(2021 йил 21 апрель, Андижон). Тўлдирилган нашр, 350 бет.

Ушбу Халқаро илмий-амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ғ фармойишига асосан ташкил этилган.

Анжуман материалларида глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий оқибатлари, янги муқобил энергия манбааларини ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, геоэкологик муаммолар; иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотларнинг ҳозирги замон мазмуни; гидрология ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари, иқлим ўзгариши муаммолари; ахборот тизимларининг амалий аҳамияти; замонавий таълим ва тарбия соҳасида олиб борилаётган инновацион тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш ва мувофиқлаштириш асосида Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш, такомиллаштириш ҳамда бу жараёнга хорижий тажрибаларни кўллаш, хорижий ва республика олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари олимларини, шунингдек ёш тадқиқотчилар ва мутахассисларни кенг жалб этиш масалалари қамраб олинган.

Анжуман материалларидан аниқ ва техник, табиий, ахборот технологиялари, ижтимоий-гуманитар, амалий фанлар соҳалари мутахассислари, илмий ходимлар, мустақил изланувчилар, докторантлар, магистр ва бакалавр талабалар, олий ва ўрта махсус, умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ҳамда барча қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

#### **Таҳрир ҳайъати:**

##### **Бош муҳаррир:**

т.ф.н., проф. А.А.Запаров

##### **Ҳайъат аъзолари:**

ф.-м.ф.н. доц. М.К.Махкамов  
ф.-м.ф.н. доц. Н.М.Умрзақов  
ф.-м.ф.н. доц. Ш.А.Эрматов  
т.ф.н., доц. М.У. Тўраев  
ф.-м.ф.н. доц. Х.Ж. Мансуров  
к.ф.д. проф. И.Р.Асқаров  
б.ф.д. проф. Қ.Тожибоев  
т.ф.д., проф. М.Ғ.Абдуллаев  
ю.ф.д. проф. Т.Т.Мадумаров  
ф.ф.н., доц. Д.А. Нурмонова  
п.ф.н. Н.Ж. Абдуллаева  
каф.мудири С.Тошпўлатова

## КОНФЕРЕНЦИЯ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАРКИБИ:

1. Юлдашев А.С. –Андижон давлат университети ректори, б.ф.д., профессор, раис;
2. Расулов Б.М. –Андижон давлат университети илмий ишлар ва инновация бўйича проректори, тарих фанлари доктори, профессор, раис ўринбосари;
3. Махкамов М. К. - Андижон давлат университети ахборот технологиялари бўйича проректори, ф.м.ф.н., доцент;
4. Имирсинова А.А. - Андижон давлат университети илмий тадқиқотлар ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи б.ф.н., доцент;
5. Муллажонов Р.В. – Андижон давлат университети ўқув–услубий бошқармаси бошлиғи, ф.м.ф.н., доцент.
6. Зайнобидинов С.З. – Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси академиги, ф.м.ф.д., АДУ профессори; 4.
7. Нигматов С.Н. – Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси академиги, т.ф.д., профессор;
8. Мамадолимов А.М. – Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси академиги, ф.м.ф.д., ЎЗМУ профессори;
9. Тўраев М.У.– Андижон давлат университети Педагогика факультети декани, т.ф.н.;
10. Мансуров Х.Ж. – Андижон давлат университети Физика-математика факультети декани, ф.м.ф.н., доцент;
11. Мадумаров Т.Т. - Андижон давлат университети Ижтимоий-иқтисодиёт факультети декани, ю.ф.д., профессор;
12. Тошпўлатова С.Ю. - Андижон давлат университети Умумтехника фанлари ва меҳнат таълими кафедраси мудири;
13. Умрзаков Н.М. –Андижон давлат университети Математика кафедраси мудири, ф.м.ф.н., доцент;
14. Запаров А.А.– Андижон давлат университети Умумтехника фанлари ва меҳнат таълими кафедраси профессори, т.ф.н.;
15. Абдуллаева Х.Я. - Андижон давлат университети Тахририй нашриёт бўлими бошлиғи.

ТАБРИК СЎЗИ

Хурматли халқаро анжуман қатнашчилари!

Глобализация даврида мамлакатлар бир-бирлари билан ўзаро муносабатларини кенгайтириб бормоқда. Ўзбекистон жаҳонга юз тутиб, жаҳон интеграциясига чуқур кириб бормоқда. Қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик, жаҳон ҳамжамияти билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ривожланмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида мамлакатимиз Президенти мухтарам Ш.М.Мирзиёевнинг қатор хорижий давлатларга давлат ташрифларини келтиришимиз мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда катта ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Туб ислохотлар жамиятимиз ва иқтисодийтимизнинг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Жумладан, олий таълим тизимида ҳам ана шундай жиддий ўзгаришлар амалга оширилиб, илғор хорижий тажрибалар асосида инновация жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда. Нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан алоқалар кенгайиб, уларнинг филиаллари юртимизда ташкил этилмоқда. Ўқув, илмий, технологик, инновацион лойиҳалар кенгаймоқда.

Бугун Андижон давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ғ фармойишига асосан бўлиб ўтаётган **«ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ИШЛАНМАЛАР АМАЛИЁТГА: муаммолар, тадқиқотлар ва ечимлар»** мавзуидаги Халқаро илмий-амалий онлайн анжуман айнан шу мазмундаги ишларни яънада ривожлантириш ҳамда замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида ўтказилмоқда, деб ҳисоблаш мумкин.

Анжуман мавзуси бугунги кун талаблари асосида танланган. Анжуман ўз олдида жиддий мақсадларни қўйган бўлиб, анжуман дастурида глобаллашув даврида мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар қамраб олинган. Хусусан, глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий оқибатлари, янги муқобил энергия манбааларини ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, геологик муаммолар; иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотларнинг ҳозирги замон мазмуни; гидрология ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари, иқлим ўзгариши муаммолари; ахборот тизимларининг амалий аҳамияти; замонавий таълим ва тарбия соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш ва мувофиқлаштириш асосида Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш, такомиллаштириш ҳамда бу жараёнга хорижий тажрибаларни қўллаш, хорижий ва республика олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари олимларини, шунингдек ёш тадқиқотчилар ва мутахассисларни кенг жалб этиш масалалари қамраб олинган.

Кўтарилаётган масалалар кенг мушоҳада юритишга ундайди. Ушбу анжуман Ўзбекистон фанининг нуфузини янада ошишига хизмат қилади. Анжуман қатнашчиларига сихат-саломатлик, илмий-педагогик фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

**Андижон давлат университети ректори,  
биология фанлари доктори, профессор А.С.Юлдашев**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ИЖТИМОЙ  
ТАРАҚҚИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ**

**А.С. Юлдашев – АнДУ Ректори, А.А.Запаров – АнДУ профессори.**

**Аннотация:** Ушбу маърузада мамлакатда таълим соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида инновацион ёндашувлардан самарали фойдаланиш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, фан, ишланмалар, инновация, инновацион ривожлантириш, интеграция, ривожланиш, ижтимоий тараққиёт, техника, технология таълим тизими, инновацион ёндашувлар, педагогик технологиялар, таълим ислохотлари.

**Аннотация:** Данный доклад посвящен вопросам эффективного использования инновационных подходов в сфере реформы образования в стране.

**Ключевые слова:** высшее образование, наука, разработка, инновация, инновационное развитие, интеграция, развитие, социальное развитие, техника, технология, система образования, инновационные подходы, педагогические технологии, образовательные реформы.

**Abstract:** This article focuses on the effective use of innovative approaches in the field of education reform in the country.

**Keywords:** higher education, science, processing, innovation, innovative development, integration, development, social development, technics, technology, educational system, innovative approaches, pedagogical technologies, educational reforms.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ таълим соҳасига давлат даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодни тарбиялашнинг асосий истиқбол ва йўналишларини белгилаб берди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълимни тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган. Унда “Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади” - деб кўрсатилган [1, 3].

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг тўртинчи - Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устивор йўналишининг “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” деб номланган бандида 2017-2021 филларда “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” [2.] кўзда тутилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундай юқори марраларга эса таълим жараёнига илғор, инновацион ёндашувларни жалб этмай туриб эришиб бўлмайди. Дарҳақиқат, илғор педагогик технологиялар таълим жараёнини унумдорлигини оширади, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш жараёнини шакллантиради, ўқувчиларда билимга иштиёқ ва қизиқишни оширади, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантиради. Инновацион педагогик технологияларга асосланган таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти доираси аниқ белгиланади, таълимни ташкил этишнинг аниқ технологияси кўрсатилади.

Бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш жараёнларини инновацияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятнинг барча соҳаларига инновацияларни

жорий этилиши ижтимоий ҳаётнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Таълим тизимида инновацияларни жорий этилиши эса, жамият ижтимоий ва иқтисодий такомилени таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш жараёнида ўзининг муҳим ўрнига эгадир.

Ҳозирги кунда таълим жараёнига инновацион технологиялар ва интерфаол усулларни қўллашга қизиқиш тобора кенг тус олмоқда. Бундай усулларни қўллаш таълим самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширади, ўқувчиларда дарс мазмунини теран англаш кўникмасини шакллантиради.

Таълимнинг инновацион методлари ўқувчиларнинг улкан таълимий кудратидан фойдаланиш ва фаоллаштириш, ўқув жараёнига мусобақа элементларини киритиш имконини беради. Таълимнинг интерфаол методлари таълимда янгиликлар сирасига киради. К.Ангелевский фикрича, «... барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интилоқда... Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий... ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир... Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим» [4].

Инновация инглиз тилидан олинган бўлиб, янгилик яратиш, янгилик каби маънони англатади. Демак, анъанавий таълимдаги каби бир хил қоидалар асосида эмас, балки янгиликлар асосида таълим жараёнининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган иш шаклидан фойдаланиш инновация демакдир. Таълимда педагогик технологияларга асосланиш ва инновацияга интилиш, ўқувчиларни фаоллаштиришга қаратилган турли интерфаол услублардан фойдаланиш таълим мақсадини самарали амалга оширишга ёрдам беради.

Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади. Шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охириги натижадир.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини такомиллаштириш ва инновацион ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- биринчидан, мамлакатда олий тизим ва илмий муассасалар илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб бориладиган асосий маскандир;
- олий таълимда инновацион ғоялар яратиш ва амалиётга жорий этиш бўйича илмий ва педагогик кадрлар салоҳияти мавжуд;
- учинчидан, хорижий давлатларнинг таълим тизимида инновациялар бўйича тажрибаларини кенг ўрганиш ва маҳаллий шароитда жорий этиш имконияти мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Бу ўринда, менинг назаримда, иккита асосий вазифани ҳал этиш зарур: биринчи – илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт; иккинчи – академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” деб таъкидлаган (1, 46).

Таълим тизимини инновацион ривожлантириш Ўзбекистонда ёшларга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилиб берилаётганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. О.Муҳаммаджоновнинг таъкидлашича, “Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши ва тарбияланишига шароит яратиш Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларнинг манфаатларига оид давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Зеро, бу келажакка йўналтирилган сармоя ҳисобланади” [4,28].

Олий таълим тизимининг инновацион ривожлантиришда, авваламбор, олий ўқув юр்தларини мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятида ўрнини юксалтириш юзасидан қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Уларни фақатгина таълим даргоҳи эмас, балки илмий ғояларни ишлаб чиқиш, реал ҳаётга янги маҳсулотлар, техника ва технологиялар барпо этувчи муассасалар сифатида ривожлантириш, илм-фан билан шуғулланувчи олимларнинг ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг меҳнат натижаларини халқ хўжалигига кенг жорий этиш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

“Мустақил миллий ижтимоий тараққиёт янги сифатий босқичга ўсиб ўтишини таъминлашда моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини диалектик тарзда уйғунлаштиришнинг яна бир усулини инновацияларни иқтисодиёт ва маънавият соҳасига жорий этиш асосида уларни уйғун тарзда ривожлантиришни йўлга қўйиш ташкил этади. Бу усул ёшларнинг меҳнат фаолиятини иқтисодиёт ва маънавият билан уйғун тарзда ташкил этиш асосида ривожлантиришнинг диалектик хусусиятларини ўзида ифодалаган воситалар орқали иш юритади” [4,64].

Олий таълимда инновацияларни жорий этиш учун ўқитувчи ва талабаларда онгида янгича тафакурни шакллантириш, замонавий фикрлаш тарзини ошириш, технологик ғояларни шакллантириш лозим. “Бугунги жамиятни ривожлантириш учун воқеликка янгича ракурсдан туриб қараш, янгича, яъни инновацион ёндашув лозим бўлади. Бу янгича методология, янгича технология, ҳуллас инновацион ёндашувдир. Инновацион, яъни янгиликка асосланган технологиялар, янгича бошқарув жараёнларини жорий этиш учун янгича тафаккурга таяниш лозим”[4, 12].

Олий таълимда талабаларга фанлардан фақат билим бериш билан биргаликда, долзарб илмий-техника муаммоларни ечишга жалб этиб, инновацион жараёнлар иштирокчисига айлантириш лозим. Бу жараёнларни ташкил этишда олийгоҳларда илмий-инновацион марказлар, тажриба-техник ва конструкторлик бўлинмалар, технопарклар, юқори технологик жиҳозларга эга замонавий лабораториялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий салоҳияти, янги ғоялар ва инновацияларга илмий ва амалий кўникмалари ошади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацияларга оид тушунчаларни атрофлича ўрганиш орқали келгусида мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи муҳим йўналишларда муваффақиятларни қўлга киритиш истиқболлари мавжуд.

#### **АДАБИЁТ:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак, - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017. –Б.46.
2. 2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. Қонун

- хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 3-сон.
4. О.Муҳаммаджонов. Конституция: халқ манфаатларининг ҳуқуқий кафолати. –Тошкент, “Муҳаррир нашриёти”, 2017. –Б.28.

**1- секция: АНИҚ ВА ТЕХНИК ФАНЛАР.**

**МАМЛАКАТЛАРНИНГ МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШДА**



## ЭҲТИМОЛЛАР НАЗАРИЯСИ ВА МАТЕМАТИК СТАТИСТИКА УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Б.Б.Чоршанбиев - ЎР ҚК Академияси докторанти, подполковник**

**Н. Махмудов - ЎР ҚК Академияси профессори**

**И.Н.Махмудов – СамДУ, Академик лицей ўқитувчиси**

**Аннотация:** Ушбу мақолада давлатларнинг мудофаа қудратини баҳолашда Протектология, усулидан фойдаланиб, тинчлик ҳолатидаги операцион йўналишларнинг жиҳозланганлигини баҳолашда математик усулларнинг исботи келтирилган.

**Калит сўзлар:** мудофаа қудрати, операцион йўналиш, эмпирик функция, жиҳозланганлик.

**Аннотация:** В статье изложена оценка обороноспособности государств с использованием метода Протектологии, а также математическое обоснование оборудованности операционных направлений в мирное время.

**Ключевые слова:** обороноспособность, операционное направления, эмпирическая функция, оборудованность.

**Resume:** The article presents an estimation of the defense potential of states using the Protectology method, as well as a mathematical substantiation of the equipment of operational directions in peacetime.

**Key words:** defense capability, operational directions, empirical function, equipment.

Протектология усули бўйича тизимнинг ҳимояланиш даражаси  $f(x)$ , тизимни мувозанатда ушлаб турувчи ёки уни мувозанатдан чиқарувчи мусбат ва манфий функцияларнинг йиғиндиси билан ифодаланади [1].

$f(x)$  – тизимниҳимояловчи кучлар (омиллар)га тенг бўлади.

$$f(x) = f_1(x_1) + f_2(x_2) + \dots + f_n(x_n) \quad (1)$$

бунда  $f(x)$  – системанинг ҳимояланишдаражасини ифодаловчи функция;

Юқоридаги 1-формуланing ўнг томондаги йиғиндиси эса тизимнинг мувозанатига таъсир этувчи омилларни мос равишда ифодаловчи функциянинг мусбат ва манфий қийматлар йиғиндисидир.

Мамлакатларнинг ҳарбий соҳада ҳимояланганлик (мудофаа қобилияти) даражасини аниқлашда, протектология усулидан фойдаланиб, ҳар бир омилни ҳимояланишдаги мусбат, мувозанатга олиб келувчи ва системани мувозанатдан чиқарувчи манфий қийматдан ташкил этувчиларни ҳисоблашда, 1-формуланing ўнг томонидаги ( $n_i = 7$  та) функцияларнинг йиғиндисини аниқлашда, мураккаб техник ва тизимларнинг тайёргарлик даражасини аниқловчи математик формуладан фойдаланилди [2].

$$f_i(x_i) = \frac{C_j}{R_j} \left(1 + \frac{1}{n_i}\right) \cdot 10 \quad (2)$$

Бу формулада  $C_j$  – тизимнинг жиҳозланганлик ҳолати (экспертлар ва таҳлил хулосаси);  $R_j$  – жанговар шайлик ҳолати (70% баҳоланган);  $n_i$  – тизимнинг баҳолаш қиймати ( $n_1 = 15\% \approx 0,15$ ) экспертлар хулосаси.  $f_1(x_1) = 0,49 \left(1 + \frac{1}{0,15}\right) \cdot 10 = 39,1$  (бошқарув тизимининг тизимдаги қиймати) ;  $f_2(x_2) = 0,49 \left(1 + \frac{1}{0,05}\right) \cdot 10 = 107,1$  (аэродромнинг тизимдаги қиймати).

Шу тартибда  $f_{1...7}(x_{1...7})$  барча тизимларнинг қийматлари аниқланди. Шу ўринда I-операцион йўналишларнинг жиҳозланганлиги умумий қийматларни эса  $\frac{C_i}{R_i} = 49,3\% \approx 0,493$  ташкил қилди.

Кузатилган тўртта операцион йўналишларнинг жиҳозланганлиги аниқлаб, 1-жадвални ҳосил қилинади, бунда дастлабки тинчлик давридаги жиҳозланганлик даражасини ифодаловчи параметрларини, 2-формула ёрдамида ҳисобланиб операцион йўналишларнинг (I, II, III ва IV) жиҳозлаганлик қийматлари жадвал ҳолатига келтирилди [2..3].

1-жадвал

Операцион йўналишларнинг жиҳозланганлиги қийматлари

№	Ҳудудни оператив жиҳозлаш тизимлари	Экспертларнинг умумий баҳоси $\% f_i(x_i)$		Ҳарбий округлар			
				I	II	III	IV
1	Бошқарув тизими	$f_1(x_1)$	15	39,1	39,9	41,4	42,9
2	Аэродромлар	$f_2(x_2)$	5	107,1	109,2	113	118
3	Ҳаво ҳужумидан мудофаа	$f_3(x_3)$	15	39,1	39,9	41,4	42,9
4	Коммуникациялар	$f_4(x_4)$	15	39,1	39,9	41,4	42,9
$f(x_i)$ умумий баҳо (ҳудудни оператив жиҳозлаш)				49,3%	50,2	52,1	53,5%

1-жадвал натижалари бўйича кузатилган операцион йўналишларни тайёргарлик ҳолатда сақлаш ва уни мувозанатдан чиқарувчи  $n_i$  куч (омил)лар билан объектларни химоялаш даражаси (функцияси)  $f_i(x_i)$  орасидаги диагностик боғланиш графиги 1-чизмада келтирилган. График боғланишлар омилларни кузатувчи  $n_i$  катталиклар (процентларда берилган) билан химояланиш даражасини ифодаловчи функция орасидаги боғланишлар тексари пропорционал ҳисобланади.

Бу тасдиқ 2- формула ёрдамида ҳисобланиб, операцион (I, II, III ва IV) йўналишларнинг функционал қийматларини “протектология” усулига асосланиб таҳлил қилинди. Агар  $K = 10 \cdot \frac{C_i}{R_i} = const$ , ўзгармас бўлса. У ҳолда  $f_i(x_i)$ ,  $K$  коэффициентга тўғри,  $n_i$  га эса тексари пропорционал бўлади, агар  $K$  нинг қиймати қанча катта бўлса, гиперболанинг ( $K > 0$ ) графиги шунча юқоридан ўтади, агар  $n_j > 0$  қанча катта бўлса, эгри чизиқ эса шунча пастдан ўтади.

Бу қонун молекуляр физика ва термодинамика қонунларида ҳам ўз аксини топган. Изотерма жараёнлари  $T_1 < T_2 < T_3$  бўлганда, ҳажми босимга нисбатан тексари равишда ўзгаришини мисол қилиш мумкин [2].

Операцион йўналишларнинг жиҳозланганлиги аниқлангандан сўнг, таксимотнинг назарий эмпирик функциясини аниқланди ва кузатилган статистик маълумотлар 2- жадвал кўринишига келтирилди.


2- жадвал

Эмпирик функциянинг статистик маълумотлари

Варианталар	$x_i$	49,3	50,2	52,1	53,5

Частоталар	$n_i$	3	8	10	4
------------	-------	---	---	----	---

Жадвалдан танлама ҳажми топамиз:  $n=25$ , энг кичик варианта 49,3 га тенг, демак  $X \leq 49,3$  да  $F^*(x) = 0$ ,  $x < 50,2$  қийматда хусусан 49,3 қиймат 3 марта кузатилган, демак,  $49,3 < x < 50,2$  да  $F \cdot (x) = \frac{3}{25}$ , бунда  $F \cdot (x)$  камаймайдиган функция бўлиб,  $x$  ҳодисани эҳтимолини аниқлайди.  $x < 52,1$   $x_1=49,3$  ва  $x_2=50,2$  қийматларда  $3+8=11$  марта кузатилади, демак  $50,2 < x < 52,1$  да  $F \cdot (x) = 11/25$  худди, шунингдек  $52,1 < x < 53,5$  да  $x_1=3$ ,  $x_2=8$ ,  $x_3=10$  ва  $x_4=4$ ,  $n=21$   $F \cdot (x) = 21/25$ .  $x=53,5$  энг катта варианта бўлгани учун  $x > 53,5$  да  $F \cdot (x) = 1$ . Бу ҳолда изланаётган Эмпирик функция аниқланади[4].



2-чизма Эмпирик функциянинг эҳтимоллилиги билан кузатилган операцияларнинг йўналишларнинг боғланганлик гистограммаси

Ҳарбий округлар бир йил мобойнидаги диагностикаси ва кузатув натижалари ўртача статистик кўринишга келтирилди.

3- жадвал

Кузатишларнинг ўртача статистик кўриниши

т/р	Кузатиш вақти, йил чораги	Варианталар ( $X_i$ )	Кузатишлар частота ( $n_i$ )	$D(X)$	$\sigma(X)$
1	I	49,3	3	1,89	1,38
2	II	50,3	8		
3	III	52,1	10		
4	IV	53,5	4		

1. Қуйидаги формула асосида, операцияларнинг йўналишлар кузатувларининг ўртача бош қиймат топилади

$$\bar{X}_b = \frac{x_1 + x_2 + x_3 + x_4 + \dots + x_n}{N} \quad (3)$$

бу ерда  $N$ -ўлчам ҳажми,  $x_i$ -варианталар,  $n_i$ -частоталар

$$\bar{X} = \frac{3 \cdot 49,3 + 8 \cdot 50,3 + 10 \cdot 52,1 + 4 \cdot 53,5}{25} = \frac{147,9 + 402,4 + 520 + 214}{25} = \frac{1284,3}{25} = 51,37 = 51,4$$

$$2. \text{ Бу ҳолатда дисперсия топилади } D = \frac{\sum_{i=1}^n n_i (\bar{X}_i - \bar{X}_n)^2}{N} = \frac{3 \cdot (51,4 - 49,3)^2 + 8 \cdot (51,4 - 50,2)^2 + 10 \cdot (51,4 - 52,1)^2 + 4 \cdot (51,4 - 53,5)^2}{25} = \frac{13,23 + 11,52 + 4,9 + 17,64}{25} = \frac{47,29}{25} =$$

1,89 (4)

3. Кейинги навбатда ўртача квадратик четланишлараниқланади

$$\sigma(x) = \sqrt{D_t} = \sqrt{1,89} \approx 1,38 \quad (5)$$

4. Шундан сўнг операцион йўналишларнинг ишончлик чегаралари топилади:

$$\begin{aligned} \bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{\sigma}{\sqrt{n}} &= 51,4 - \frac{1,38}{5} \cdot 2,064 = 51,4 - 0,57 = 50,8 \\ \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{\sigma}{\sqrt{n}} &= 51,4 + \frac{1,38}{5} \cdot 2,064 = 51,4 + 0,57 = 52 \end{aligned} \quad (6)$$

$t_\gamma$  – ишончилилик коэффициенти (0,95 % = 2,064). [4; 213 б.]  $0,50 < a < 0,52$  ёки (50,8% , 52% )

Шундай қилиб, кузатилган ҳарбий округларнинг тинчлик даврдаги тайёргарлиги,  $a$  номаълум параметри 0,95 (95%) ишончлик билан  $50,8\% < a < 52\%$  интервалида эканлиги аниқланди. (энг катта хатолик билан айтган)

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сулейманов, А.А. Косимов, Х. Рухсат бериш тизимида махфийлаштириш заруриятига протектологиянинг аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот Бюллетени № 5, 1999 Т.; с.54-60.

2. Сулейманов, А.А., Толибов, О.С., Мусаев, М.Н., Абдурахманов М.Р. Теория вероятности для обеспечения безопасности сложных систем. // Вестник: Инновации, качество и сервис в технике и технологиях. 2018., - С. 365-369.

3. Гмурман, В.Е., Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика. В.Е. Гмурман / Т: Ўқитувчи нашриёти, 1977. 356 бет.

### ЗАМОНАВИЙ ҲАРБИЙ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ФАНЛАРАРО ИННОВАЦИОН БОҒЛАНИШЛАРНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР АСОСИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

**Рахмонов И.Я., Махмудов Н.А - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси. Махмудов И.Н - СамДУ академик лицейи.**

**Аннотация.** Мақолада, ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда юқори даражада билимли, ўз касбини етакчиси ва бир неча соҳаларнинг устаси бўлган универсал офицерларни тайёрлашда фанлараро боғланишларнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** фанлараро боғланиш, инновация, дифференциал тенглама, физика, кимё, биология, гидравлика, электротехника ва электроника.

**Аннотация.** В статье говорится о значимости междисциплинарной взаимосвязи при подготовке универсальных офицеров, военных специалистов с высоким интеллектом, специалистов своей профессии.

**Ключевые слова:** Междисциплинарная связь, инновация, дифференциальное уравнение, физика, химия, биология, гидравлика, электротехника и электроника.

**Abstract.** The article discusses the importance of interdisciplinary links in the training of universal officers with a high level of knowledge in the training of military specialists, leaders of their profession and masters of several fields.

**Key words:** interdisciplinary links, innovation, differential equation, physics, chemistry, biology, hydraulics, electrical engineering and electronics.

Бугунги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда, ватанпарварлик билан бирга юқори даражада билим, ўз касбини етакчиси ва бир неча соҳаларнинг устаси бўлган универсал офицерларни тайёрлашни талаб этмоқда. Бундай сифатлар шахсда ўз-ўзидан ҳосил бўлиб қолмайди. Бунинг асосий негизида, инсонни ҳар томонлама гармоник ривожланишида табиий ва аниқ фанларнинг ўрни беқиёсдир. Шу сабабдан муҳтарам президентимиз, Қуролли кучлар олий бош қўмондони Ш.Мирзиёев математика, кимё, биология ва уларга турдош фанларни кенг қамровда чуқурлаштириб ўқитиш тўғрисидаги фармонлари етакчи қомус бўлиб қолади.

Барча фанларни ўқитишда “олий математика” фани локоматив вазифасини ўташи шарт! Буюклардан бири айтганидек, математиканинг рақамларисиз ишлатиладиган илм ва фан бу фикр бўлиб қолаверади. Олий математика фани барча табиий фанлар физика, кимё шунингдек, техника, ҳарбий фанлар, назарий механика, электротехника ва электроника, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси, материаллар қаршилиги ҳамда гидравлика ва иссиқлик техникаси фанларини ўрганишдаги ҳиссаси беқиёсдир. Шу ўринда “олий математика” фанининг биргина дифференциал тенгламаларини табиий фанларни ўрганишдаги фанлараро боғланиш сифатидаги инновацион усулларини кўриб чиқайлик.

Масала-1. (физик масала). Ёруғлик нурини бир нуктага йиғувчи кўзгунинг шакли қандай бўлиши керак?

Масалани ечиш учун  $f(x)$  эгри чизикни  $Ox$  ўқи атрофида айлантириб, изланаётган сиртни топамиз. Кўзгуга тушувчи нурлар параллел бўлса, улар  $O$  нукта (фокус) да йиғилади.  $M(x, y) \in f(x)$

Масаланинг шартига асосан, ўтказилган уринма  $TP$  ва нормал  $MN$  лардан фойдаланиб, тенгёнли  $\triangle OMT$  ҳосил қиламиз, унинг учи  $O$  нуктадир. Уҳолда  $\angle OMT = \angle KMP = \angle OTM = \alpha$  эканлигикелибчиқади.

Бундан  $OM = OT = \sqrt{x^2 + y^2}$  ҳамда уринма тенгласидан фойдалансак  $T(-X; 0)$ ;  $Y - y = y'(X - x)$ ;


$$-\frac{y}{y'} = X - x \quad , \quad OT = |X| = -X = -x + \frac{y}{y'} =$$

$\sqrt{x^2 + y^2}$  оддий дифференциал тенгламани ҳосил қиламиз:  $\sqrt{x^2 + y^2} = -x + \frac{y}{y'}$  ёки  $(x + \sqrt{x^2 + y^2})y' = y$ ;  $y' = \frac{dy}{dx}$  эътиборга олиб,  $x = ty$  алмаштириш бажарамиз:  $\sqrt{t^2 + 1} dy = y dt$ .

Ўзгарувчиларни алмаштирамиз:

$$\frac{dy}{y} = \frac{dt}{\sqrt{t^2 + 1}} \ln y = \ln(t + \sqrt{t^2 + 1}) - \ln c$$

$$x + \sqrt{x^2 + y^2} = \frac{y^2}{c}, \quad \sqrt{x^2 + y^2} = x + c \text{ уҳолда}$$



1-расм

$$c(x + x + c) = y^2; y^2 = 2cx + c^2 = 2c(x + \frac{c}{2})$$

Изланаётган кўзгумизни шакли парабола бўлганда йиғувчи линза ҳисобланиб, ёруғлик нурини фокусига йиғар экан.

Барча адабиётларда параболоид (физика фанида сферик кўзгу деб юритилади) кўзгу йиғувчи эканлигини қайт қилсада нима сабабдан парабола эканлиги тўғрисида айтилмайди.

Бу масалани бошқачароқ қўйиб ечсак ҳам бўлади. Бир нуқтадан чикувчи параллел ёруғлик нурлари рефлектор (линза ёки кўзгу) дан қайтиб бошқа бир нуқтада кесишиши учун рефлектор кўзгусини қандай сирт бўйича силлиқлаш керак? (Технологик масалага айланади. Дифференциал тенглама ва ҳосиланинг геометрик маъносидан фойдаланиб осонгина яна шу жавобга келамиз. Демак, бу ҳолда рефлектор кўзгусини параболлоид бўйича силлиқлаш керак экан. Одатда барча радиолакацион қурилмалар, ҳарбий соҳаларда ишлатиладиган алоқа воситалари, телефон ва телеграфқурилмалар, телевизион алоқа сунъий йўлдошлар (спутник алоқалар бошқа планеталарни боғлаш учун) нингтарқатувчи ва қабулқилувчи қурилмаларини шакли параболлоид шаклидалиги бежиз эмас. Бундан ташқари ҳарбий машиналарга ўрнатиладиган тунги ёритиш мосламалари ҳам бугунги илм-фан янгиликларига асосланган бўлиб, уларнинг шакли ва ишлатилиши йиғувчи кўзгу асосида ишлатилади. (1-расм). Инсонларни худо билан алоқада бўлиш жараёнида ҳам қўл ва кулоқлар парабола шаклига келтирилиши илоҳият фанидан маълум.

Ядро физикасидаги радиоактив моддаларнинг ярим емирилиш даври ёки биофизика фанидаги бактерияларни  $m$  марта кўпайишларини ҳам “Олий математика”нинг дифференциал тенгламалари орқали жуда катта аниқликда ҳисоблаш мумкин.

2-масала. (Кимё ва биология). Экспериментлардан маълумки, кароновирус (covid-19) нинг кўпайиш тезлиги унинг озуқа (ташувчи инсон сонига) миқдорига тўғри пропорционал бўлса, қанча вақтдан сўнг, вируслар сони, бошланғич ҳолатидан  $m$  мартага ортади.

Агар  $x(t)$ –вирус ёки бактерияларни  $t$  вақтдаги миқдори бўлса,  $x(0) = x_0$  эса унинг бошланғич ҳолатдаги миқдори бўлсин. Кароновирус (covid-19) нинг вақт бўйича тарқалиш тезлиги дифференциал тенгламасини тузамиз.

$\frac{dx}{dt} = kx; k > 0$ . Дифференциал тенгламани ўзгарувчиларини алмаштириш усулидан фойдаланиб ечамиз.

$\int \frac{dx}{x} = k \int dt; \Rightarrow \ln x = kt + \ln C; \ln x = \ln C e^{kt}; x(t) = C e^{kt}$  Бошланғич шартдан фойдалансак  $x(0) = x_0 = C; x(t) = x_0 e^{kt}$ . Эканлиги келиб чиқади. Фараз қилайлик  $T$  вақтда вируснинг миқдори  $m$  мартага ортган бўлса,

$x(T) = mx_0 = x_0 e^{kT} \Rightarrow m = e^{kT}, \ln m = kT \Rightarrow T = \frac{\ln m}{k}$  вируснинг бошланғич ҳолатдан  $m$  марта кўпайганлигини кўрсатувчи эмперик формула келиб чиқди. Охириги формулага  $m$  ўрнига сон қўйиб, бошланғич ҳолатга нисбатан статистик маълумотларни олишимиз мумкин. Бу формула атом бомба портлашидан ҳосил бўлган радиацияни аниқлашда, Атом электр станцияларидаги радиоактив элементларни емирилишидан тортиб, муҳитдаги захарли моддаларни миқдорини, кимёвий ва биологик қуролларни зарарли таъсир (активация даражаси) миқдорини охириги содда формула орқали тушунтирилади. (Кўп ҳолларда бу формулалари курсантларга келтириб чиқарилмай, тайёр ҳолда берилади). Биринчи даражали чизикли дифференциал тенгламалар ёрдамида “Гидравлика ва иссиқлик техникаси” фанидаги қийинчилик даражаси юқори бўлган масалалар ҳам оддийгина ечим топиши мумкин.

3-масала. (Гидравлика). Цилиндрсимон идишнинг баландлиги  $h = 6\text{ м}$  ва асосининг диаметри  $d$  бўлиб, вертикал (горизонтал ҳолда босим идиш деворларига берилиб, асосга нисбатан фарқ қилади) жойлаштирилган. Агар идиш дезинфекцияловчи суюқлик билан тўлдирилган бўлсин. Идиш тубидаги суюқликни чиқариш жўмрагининг радиуси  $r = \frac{1}{12}\text{ м}$  бўлса, қанча вақт ичида суюқлик идишдан бутунлай чиқиб кетади?

Албатта бу масала ўзига хос долзарбликга эга бўлиб, ҳарбий объектлардаги ёнилғи миқдорини статик ҳолатда турганда жўмракнинг радиуси ва суюқликнинг зичлиги ва идишнинг ўлчамлари маълум бўлган ҳолларда унинг сатҳи ва миқдорини аниқлаш мумкин. Бу масалани ечишда, газ ва суюқликлар учун ўта муҳим бўлган Бернуллининг узлуксизлик ва ҳажмнинг (массани) вақт бўйича ўзгариш формулаларидан фойдаланамиз. Идишнинг ҳажмини унга тўлдирилган суюқлик билан ўлчаб, ундан чиқарилиб юбориладиган суюқликларни ҳажмларини тенглаштириб, дифференциал тенглама ҳосил қиламиз.  $v = \tau\sqrt{2gh}$  Бернулли формуласи бўлиб,  $v$  – идиш тиркишидан (найсимон) вақт бирлигида чиқиб кетаётган суюқликнинг тезлиги (м/с),  $g = 9,81 \frac{\text{м}}{\text{с}^2}$  – оғирлик кучининг тезланиши.  $\tau$  – бирликсиз коэффициент, суюқлик хоссаларига боғлиқ бўлиб, бизнинг масалада  $\tau = 0,6$  тенг.  $dV = \pi\rho^2 dh$  – жумракдан чиққан суюқлик ҳажми ёки  $dV = \pi\rho^2 dh = \pi\rho^2 \tau d\sqrt{2gh} dt$ ;

Суюқлик билан тўлдирилган идишнинг ҳажми эса унинг ўлчамлари орқали ҳисобланса ёки  $V = \pi r^2 dh$  га тенг бўлиб, ишораси карама-қарши бўлган, жумракдан чикувчи суюқлик ҳажмига тенглаштирилиб, ҳаракатнинг дифференциал тенгламасини ҳосил қиламиз.

$$-r^2 dh = \tau\rho^2 d\sqrt{2gh} dt;$$

Ўзгарувчиларни алмаштирамиз ва тенгламани иккала томонини интеграллаймиз

$$dt = -\frac{r^2}{\tau\rho^2\sqrt{2g}} \frac{dh}{\sqrt{h}} \text{ бундан } t = C - \frac{2r^2}{\tau\rho^2\sqrt{2g}} \sqrt{h} \text{ келиб чиқади. Чегаравий шартдан } t =$$

$$0; h = h_0 = 6\text{ м фойдалансак, } C = \frac{2r^2}{\tau\rho^2\sqrt{2g}} \sqrt{h} \text{ келиб чиқади. Натижада}$$

$$C = \frac{2r^2}{\tau\rho^2\sqrt{2g}} (\sqrt{h_0} - \sqrt{h}) \text{ асосий формула ҳосил бўлади.}$$

Идишдаги суюқлик оқа бошлагандан  $h = h_0 = 6\text{ м}$  то суюқлик жумракдан оқишни тугатганча (яъни  $h = 0$ ) бўлган оқиш вақти  $T$  бўлсин. У ҳолда  $T = \frac{2r^2}{\tau\rho^2\sqrt{2g}} \sqrt{h}$  бўлиб, охириги формула натижавий бўлиб, ( $r = 2\text{ м}; h = 6\text{ м}; \tau = 0,6; \rho = \frac{1}{12}\text{ м}; g = 9,81 \frac{\text{м}}{\text{с}^2}$ ;) ҳисоблардан кейин  $T = 1081\text{ сек} \approx 17,8\text{ мин}$  га тенглиги келиб чиқади. Агар шу идиш горизонтал жойлаштирилса, цилиндрнинг ён сирти вертикал ҳолатдаги идиш асосининг юзидан катта бўлганлигидан, суюқлик  $v$  тезлиги юзага тескари пропорционаллигидан  $sv = const$ , суюқликнинг тезлиги вертикал ҳолатдаги тезликдан кичик бўлади ва оқиш вақти эса  $T = 18,4\text{ мин}$  га тенг бўлиб, вертикал ҳолатдаги оқиш вақтидан катта бўлади, яъни  $T_{\text{гор}} > T_{\text{вер}}$ .

Ушбу масалани иссиқлик техникаси ва материалшунослик фанлари нуқтаи назаридан, газ ва суюқлик ҳамда қаттиқ жисмлар температурага боғлиқ равишда (жисмлар ҳароратни ўта сезгирлиги билан характерланади) ўзгаришини кўриб чиқайлик. Суюқлик ва қаттиқ жисмлар ҳажмлари температура ортиши билан ортади. Фақат сувда температура пасайганда унинг ҳажми ортади ва муз кўринишига келиб, ўзи турган идишларнинг шаклини ўзгартиради. (Ҳажми ортиб идиш шаклини бузиб чиқишга ҳаракат қилади). Шу сабабдан қиш мавсумида иситиш техникаларида, автомобил ва жанговор машиналарнинг совитиш тизимида сув ўрнига (антифриз) махсус суюқликлар ишлатилади. Одатда озиқ-

овқат мойлари, техникада ишлатиладиган мойлаш материаллари бир сўз билан айтганда нефть маҳсулотлари махсус идишларда сақланиб, ҳажми (литр) ларда тарқатилади. Табиий газ ва нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотларини ҳажмларда сотилиши жуда катта хатоликларга олиб келади. Суюқликларни ҳажмий тақсимланиши (сотилиши), қўлтиқни пуч ёнғоққа тўлдириш билан тенг. Ривожланган мамлакатларда суюқлик ва газлар масса кўринишида тортилиб сотилади. Газлар суюқлик даражасига келтирилибмасса кўринишида ҳисоб-китоб қилинади. Суюқлик ва газлар ўзини шакли ва ҳажмини сақлай олмаганлиги сабабли кўп ҳолларда (литр) ҳажмларда сотилади. Суюқликлар температура ортиши билан ҳажми ортади (сийраклашади), идишни тезда тўлишига олиб келса, ҳарорат пасайиши билан тўнглайди, ҳажми камайиб идиш секин тўлади, яъни зичлашади. Масаланинг шартидан фойдаланиб, идишдаги суюқликнинг ҳажмини температурага нисбатан ўзгаришини ҳисоблайлик.

Ушбу масалани ҳам дифференциал тенглама орқали баҳоласак ҳам бўларди. Аммо кўп ўзгарувчили киритилишини ҳисобга олган ҳолда тайёр классик формуладан фойдаланишни макул кўрдик.

Айтайлик унда  $V_0 = 72\text{м}^3$  нефть маҳсулоти бор, ташки температура атига бир градусга ортсин. Унда нефть ҳажми қанчага ўзгаради. Менделеев формуласига асосан суюқликлар ҳажмий кенгайиш хусусияти эга  $V_t = V_0(1 + \beta\Delta t)$  бўлиб,  $V_t - t$  температурадаги (истеъмолчиларга тортиладиган) суюқликнинг ҳажми,  $V_0$  – суюқликнинг дастлабки идишга қуйилган вақтдаги ҳажми;  $\beta$  – нефть маҳсулотини ҳажмий кенгайиш коэффиценти;  $\Delta t = t_2 - t_1$  температуралар фарқи. Демак,

$V_0 = 72\text{м}^3.$
$\Delta t = 1^0.$
$\beta = 9.2 \cdot 10^{-3}$
<hr/>
$V_t = ?$

Берилган:

Ечиш  $V_t = V_0(1 + \beta\Delta t) = 72 \cdot (1 + 0.0092 \cdot 1) = 72 \cdot 1.0092 = 72.662\text{м}^3$

Ҳажмга эга бўлар экан. Ҳароратнинг атига бир градусга ортиши нефть маҳсулотининг  $\Delta V = V_t - V_0 = 0.662\text{м}^3 = 662$  литрга ортишига сабаб бўлар экан. 1 литр бензиннинг бугунги кундаги нархи (4500 сўм) га кўпайтирадиган бўлсак, сотувчи 2 979 000 сўм фойда кўради. Бу дегани агар температура ўнлаб градусга ортса, тадбиркорни кетмони учгани учган дегани. Агар температура пасайса, емаган сомсага пул тўлайди дегани. Шу сабабли баъзи бир иссиқлик хоссаларини ва ёнилғи мойлаш материалларини хусусиятларини тушунган кўштирноқ ичидаги ишбилармонлар суюқлик ичига электр иситиш мосламаларини ўрнатиб олишади. Ҳарбий объектларни текшириш учун инспекторлар (прократура ва ҳокоза) идиш ва омборлардаги нефть маҳсулотларини бир граммни сотмасдан, қабул қилган вақтда температура айтайлик  $38^0$  га тенг бўлган, текшириладиган кундаги температура  $30^0$  га тенг бўлсин. Нефть маҳсулотининг температурага боғлиқ равишда ҳажмини ўзгаришини билмасдан (ёки ҳисобга олмасдан) жавобгар шахсни иқтисодий жиҳатдан катта зарар етказган деб ҳисоблаши мумкин.

Собиқ иттифоқ даврида нефть маҳсулотлари Россия давлати (УФА) дан келтирилган, у ернинг об-ҳавоси бизни мамлакатимиздаги об-ҳаводан паст юрганлиги учун ёнилғилар



тўнглаган ҳолда келтирилиб, кўпирган ҳолда тақсимланган. Шу сабабдан мўл-кўлчилик бўлиб, унинг қадри бўлмаган. Масалани янада ойдинлаштириш мақсадида, нефть маҳсулотлари аввалом бор масса кўринишида сотилиши шарт, чунки масса ўзгармас. Агарда унинг иложи бўлмаса, нефть маҳсулотлари сотиладиган ва қабул қилинган вақтдаги температураларни билиш шарт! Бунинг натижасида нефть маҳсулотларини зичлиги (ареометр ёрдамида) аниқланади.

$$\rho = \frac{m}{V_0(1+\rho\Delta t)}$$

масса эса зичликка тўғри пропорционалликдан фойдаланиб топилади.

Шу сабабдан, энг биринчи об-ҳаво маълумотлари нефть базаларига, пахта заводларига етказилади. Нефть ва газ саноатидаги асосий ноҳуш воқеалар сотувчи ва истеъмолчилар орасидаги зиддиятларнинг сабаби, Ўзбекистондаги об-ҳавонинг кескин ўзгариши, бу эса нефть маҳсулотларининг ҳажмини тезлик билан ўзгаришидир. Иссиқликнинг ўзгариши ҳам дифференциал тенлама  $\frac{\partial T}{\partial t} = \frac{\partial^2 T}{\partial x^2}$  билан аниқланади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳарбий мутахассислар табиий ва аниқ фанларни шу касб эгаларидан кам бўлмаган ҳолда эгаллаб, керак бўлса улардан ҳам юқори савияга эга бўлган замон талабларига мос офицерлар бўлиб етишишлари керак. Шу сабабдан, математика, физика, кимё ва бошқа табиий фан олимпиадалари давлатимизнинг етакчи университет ва олийгоҳлари билан бир шароитда ўтказилиши, ҳарбий мутахассисларга қўйилган юқори талаб ва ишончдан иборат. Ваҳоланки, юқорида зикр этилган фанлар ҳарбий мутахассисларга ўтиладиган соатлар миқдори, фуқоралик олий таълим муассасаларига нисбатан бир неча ўн марта кам. Қурол кўтарган овчи билан ҳарбий аскарнинг фарқи катта бўлиши керак. Овчи фақат ўқни нишонга теккизишни мақсад қилган бўлса, ҳарбийлар бундан ташқари, қуролдаги (автомат ёки граната отувчи мослама) ҳар бир элементининг функциясини, масалан пружнанинг бикрлиги қандай бўлиши, вазифаси, ўқга туртки берувчи материалнинг эриш ва кенгайиш температуралари, ўқнинг энг узок масофага учуши учун горизонт билан қандай бурчак остида отилишини (зенит бурчаги) ва ернинг тортиш ва ҳавонинг қаршилиқ кучлари таъсирида унинг нишондан оғиш сабабалари ва ҳоказоларни билишлари шарт! Танк ва самалётларнинг ер билан деформациясини (ичидаги инсон шикастланмаслиги ва ўзини ўта қулай ҳис қилиши учун), яъни эластик ҳаракат қилиши учун пружиналар (амортизация сифатида) параллел уланганда бикрлик тўғридан тўғри ортади. Шунинг учун танкларда (гусиницали тракторлар, поездлар), самалёт ғилдирақларига пружиналар вертикал параллел уланади. Кетма-кет уланганда эса бикрлик камаяди. Тоғ, дарёлардан ўтишда ёки тоққа кўтарилишда ишлатиладиган трос (иплар)ни таранглигини қандай юк ва тезланишгача чидашини, унинг пастга тушишида оғирлик кучи таранглик кучидан катта бўлишини, парашют билан сакраганда юкланишнинг олдини олиш чораларини командирнинг берган маълумотлари асосида билиш билан бирга, унинг илмий томонларидан хабардор бўлиши, нима сабабдан парашютнинг шакли сектор кўринишида, унинг радиуси қандай бўлганда ерга осонлик билан шикастланмасдан тушишларини, автомат ва гранатамиётдан ўқ узиш вақтида оёқлар жуфт ҳолатда тутмаслик, ҳаракат миқдорини қонунларидан таъсир ва акс таъсир ҳодисаси, тепки зарба кучи туфайли қуроллар орқага зарба беришини назарий механика, физика фанлари математик жиҳатдан илмий-амалий равишда асослаб беради. Электротехника фанининг ҳозирги кунда аҳамияти жуда катта бўлиб, халқ хўжалигида, саноатда, машинасозлик ва транспортда, ахборот узатишда медицинада, ҳарбий соҳаларда кенг қўламда ишлатилиб, замонавий электроника, радиоэлектроника, робототехника фанларининг ривожланишидаги ўрни бекиёсдир. [1.15]

Умуман олганда “Электротехника ва электроника асослари” фани ҳарбий аҳамиятга эга бўлган объект бўлиб, мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиши, электр энергияси билан чамбарчас боғланган. Бундан ташқари қандай энергия бўлишидан қатъий назар бари бир фойдаланишда электр энергиясига айлантирилади. У қуёш энергиясими, атом энергиясими, иссиқлик ёки сувнинг потенциал энергиясими электр энергияга айлангандагина унинг ҳақиқий “баҳоси” иқтисодий жиҳатдан кўзга ташланади. Электр токини инсон кўриш, хидлаш ва ҳаракатини эшитиш қобилиятига эга эмас. “Сезги” аъзоларимизнинг бундай камчиликларини фақат математиканинг дифференциал тенгламалари орқали электр энергиясини инсонни фикрлай оладиган ёки тасаввур қила оладиган бир сўз билан айтганда идрок эта оладиган оламига олиб келинади. Оддий электр токини ҳосил қилиш механизми ҳам магнитоэлектр ҳодисасига асосланиб, дифференциал тенглама орқали ўз ечимини топган, яъни  $\varepsilon = -L \frac{di}{dt}$ .

#### Адабиёт

1. Бугров Я.С., Никольский С.М. Дифференциальные уравнения. Кратные интегралы. Ряды. ФКП.М., Наука, 1985.
2. Тихонов А.Н., Самарский А.А. Уравнения математической физики. М., Наука, 1993.
3. Цывис Н.В., Кулага В.М. Дифференциальные уравнения. Ряды. Новополюкк ПГУ 2008.

### СВОЙСТВА МНОЖЕСТВА УПРАВЛЯЕМОСТИ ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНОГО ВКЛЮЧЕНИЯ ПРИ УСЛОВИИ ПОДВИЖНОСТИ ТЕРМИНАЛЬНОГО МНОЖЕСТВА

С.Отакулов<sup>1</sup>, Б.Ш.Рахимов<sup>2</sup>, Г.Д. Собирова<sup>3</sup>

<sup>1</sup>Профессор, Джизакский политехнический институт;

<sup>2</sup>Преподаватель, Джизакский политехнический институт;

<sup>3</sup>Старший препод., Самаркандский государственный университет.

*Аннотация:* В работе рассматривается модель динамической системы управления в виде дифференциального включения. Исследовано свойство управляемости этой системы в условиях подвижности терминального множества. Для отдельного класса дифференциальных включений изучены структурные свойства множества M-управляемости.

*Ключевые слова:* дифференциальное включение, система управления, терминальное множество, управляемость, структурные свойства.

*Abstract:* In this paper we consider the model of dynamic system in the form differential inclusion. The property of controllability for this system under condition mobility of terminal set is researched. For one class differential inclusions the structural properties of M-controllability set are studied.

*Keywords:* differential inclusion, control system, terminal set, controllability, structural properties.

*Annotatsiya:* Ishda dinamik boshqaruv tizimining differentsial mansublik ko‘rinshdagi modeli qaralgan. Terminal to‘plamning qo‘zgaluvchanlik shartida shu tizimning boshqariluvchanlik xossasi tadqiq etilgan. Differentsial mansubliklar alohida brsinfiuchun M-boshqariluvchanlik to‘plami strukturaviy xossalari o‘rganilgan.

*Kalitso 'zlar: differentsialmansublik, boshqaruvtizimi, terminal to 'plam, boshqarluvchanlik, strukturaviyxossalar.*

**1. Введение.** Дифференциальные включения, т.е. соотношения вида

$$\dot{x} \in F(t, x), \left( \dot{x} = \frac{dx}{dt} \right), \quad (1)$$

где  $x = x(t)$  – искомая  $n$ -вектор функция, представляют большой интерес в качестве математической модели динамических систем. Они возникают в теории управления, в теории дифференциальных уравнений с разрывными правыми частями, в дифференциальных играх, в математической экономике и в других областях прикладной математики.

Исследования вопросов теории дифференциальных включений тесно связаны с исследованиями по теории многозначных отображений, выпуклого и негладкого анализа [1–3]. Этот современный раздел математики развивается в различных направлениях, имеют многочисленные приложения. Большим классом дифференциальных включений являются управляемые дифференциальные включения [4–6], которые представляют важный интерес в задачах управления в условиях неточности информации и неопределенности параметров различных типов.

Дифференциальные включения являются удобным и эффективным математическим аппаратом в исследованиях многих важных вопросов теории управления, такие как, структурные свойства множества достижимости его непрерывной зависимости от параметров, существование оптимального управления, необходимые и достаточные условия оптимальности [1, 7] и др.

**2. Постановка задачи.** Для систем управления отдельный интерес представляет вопрос управляемости, т.е. свойство системы, которое выражается возможностью достижения конечного состояния с помощью управляемых движений – траекториями, выходящих из множества начальных состояний. Для изучения данного вопроса можно использовать свойство управляемости дифференциальных включений [7].

**Определение 1.** Дифференциальное включение (1) назовем управляемой из начального состояния  $x_0$  в конечное состояние  $x_1$  («точечно» управляемой) если существует абсолютно непрерывная траектория  $x(t)$ , определенная на некотором отрезе  $T = [t_0, t_1]$ , такая, что  $x(t_0) = x_0, x(t_1) = x_1$ .

Множеством нуль-управляемости дифференциального включения назовем совокупность всех тех точек  $x_0 \in R^n$ , из которых достижимо начало координат ( $x_1 = 0$ ) по траекториям дифференциального включения (1).

По аналогии с понятием множества нуль-управляемости можно ввести понятие управляемости на подвижное терминальное множество, т.е. зависящего от времени  $M = M(t), t \geq t_0$ , следующим образом.

**Определение 2.** Точку  $x_0 \in R^n, x_0 \notin M(t_0)$  назовем точкой управляемости дифференциального включения (1) на подвижное терминальное множество  $M = M(t)$  (кратко, точкой  $M$  – управляемости), если существует траектория  $x(t)$ , определенная на некотором отрезе  $T = [t_0, t_1]$  такая, что  $x(t_0) = x_0, x(t_1) \in M(t_1)$ .

Обозначим через  $W(M, F)$  множество всех точек  $M$  – управляемости дифференциального включения (1).

Пусть  $X_T(t_1, x_0, F)$  – множество всевозможных точек  $x_1 \in R^n$ , которые достижимы абсолютно непрерывными траекториями дифференциального включения (1) с начальным условием  $x(t_0) = x_0$  в момент времени  $t_1 > t_0$ , т.е.  $x(t_1) = x_1$ . Из определения 2 ясно, что точка  $x_0 \in R^n$  является точкой  $M$  – управляемости дифференциального включения (1) тогда и только тогда, когда существует  $t_1 > t_0$  такой, что  $X_T(t_1, x_0, F) \cap M(t_1) \neq \emptyset$ , где  $T = [t_0, t_1]$ ,  $x_0 \notin M(t_0)$ . Итак, для изучения структуры множества  $M$  – управляемости необходимо изучить структуры множества  $K(t_1, M, F) = \{ \xi \in R^n : X_T(t_1, \xi, F) \cap M(t_1) \neq \emptyset \}$  для заданных  $M = M(t)$  и  $F = F(t, x)$ .

**3. Основные результаты.** Из определения множеств  $W(M, F)$  и  $K(t_1, M, F)$  легко вытекает справедливость следующего равенства

$$W(M, F) = \left( \bigcup_{t_1 > t_0} K(t_1, M, F) \right) \setminus M(t_0). \quad (2)$$

$$A_1 = \frac{\alpha_1^0 \frac{mI_1(mR)}{I_0(mR)} - \frac{kR}{2f_1 f_2 \mu_1 \mu_2}}{\alpha_1^0 \frac{I_1(mR)}{mI_0(mR)} + \left( \frac{kR^2}{8f_1 f_2 \mu_1 \mu_2} - \alpha_1^0 \right)}; \quad A_2 = \frac{\alpha_2^0 \frac{mI_1(mR)}{I_0(mR)} - \frac{kR}{2f_1 f_2 \mu_1 \mu_2}}{\alpha_2^0 \frac{I_1(mR)}{mI_0(mR)} + \left( \frac{kR^2}{8f_1 f_2 \mu_1 \mu_2} - \alpha_2^0 \right)};$$

$$\alpha_1^0 = \frac{1}{f_1 \mu_1 + f_2 \mu_2} - \frac{1}{\mu_1}; \quad \alpha_2^0 = \frac{1}{f_1 \mu_1 + f_2 \mu_2} - \frac{1}{\mu_2};$$

$W_1, W_2$  – birinchi va ikkinchi fazalarning o'rtacha tezligi.

Ikki fazali muhit uchun doimiylik tenglamasi quyidagi shaklga ega

$$\frac{\partial p_i}{\partial t} + \frac{\partial(\rho_i u_i)}{\partial r} + \frac{\partial(\rho_i u_i)}{\partial z} + \frac{\rho_i u_i}{r} = 0, \quad (i = 1, 2). \quad (5)$$

(5) ni  $2\pi f_i r dr$  ga ko'paytirib va 0 dan R gacha integrallab, har bir tarkibiy qism uchun alohida, quyidagilarni yozamiz

$$f_1 s \frac{\partial \rho_1}{\partial t} + \frac{\partial M_1}{\partial z} = 0. \quad (6), \quad f_2 s \frac{\partial \rho_2}{\partial t} + \frac{\partial M_2}{\partial z} = 0. \quad (7)$$

Bu yerda  $M_i = 2\pi f_i \int_0^R \rho_i u_i r dr$  – massa xarajatlari,  $s$  - truba kesimining yuzi.

Aytaylik, aralashmaning o'rtacha zichligi va trubaning maydoni uchun  $\Gamma_{\text{yk}}$  qonuni amal qiladi

$$\rho_{cm} = \rho_0 \left( 1 + \frac{p - p_0}{K_{\text{жс}}} \right), \quad s = s_0 \left( 1 + \alpha \frac{p - p_0}{E} \right),$$

Bu yerda  $\rho_0 - p_0$  bosim zichligi  $s_0 - p = p_0$  bo'lgandagi yuza.  $K_{\text{жс}}$  - suyuqlikni siqish moduli,  $E$  -

elastiklik moduli,  $\alpha$  - o'lchovsiz koeffitsient. (1) tenglamagako'ra  $\alpha \frac{(p - p_0)^2}{K_{\text{жс}} E}$ , bundan,

$$\rho_{cm} s = s_0 \rho_0 \left[ 1 + \left( \frac{1}{K_{\text{жс}}} + \frac{\alpha}{E} \right) (p - p_0) \right]. \quad (8)$$

(6) va (7) niqo'shib, (8) ni hisobga olgan holda vabaz'io'zgarishlardan keyin quyidagini yozamiz

$$-\frac{1}{c^2} \frac{\partial p}{\partial t} = \frac{\partial(\rho_1 W_1)}{\partial z} + \frac{\partial(\rho_2 W_2)}{\partial z}. \quad (9)$$

bu yerda

$$c^2 = \frac{k}{\rho_0}, \quad k = \frac{K_{\text{жс}}}{1 + \alpha \frac{K_{\text{жс}}}{E}}$$

(3), (4) va (9) tenglamalar - bu ikki fazali muhitning o'rtacha tezligi, zichligi va bosim kesishishlariga taalluqlik vazyozometrik harakat.

Olingan tenglamalar, gaz quvurining boshida va oxirida bosim yoki suyuqlik oqimining o'zgarishini o'rganish, shuningdek, ikki fazali muhit ( $k, \mu, \rho$  va boshqalar) parametrlarini aniqlash uchun teskari muammolarni yechishda qiziqish uyg'otadi.

Quvurlardagi ikki fazali muhitning beqaror harakati masalasini yechishni ko'rib chiqamiz, buning uchun (3), (4) va (9) tenglamalarni quyidagicha yozamiz:

$$-\frac{\partial p}{\partial t} = \frac{\rho_1}{f_1^2} \left( \frac{\partial W_1}{\partial t} + a_1 W_1 + b_1 W_2 \right), \quad -\frac{\partial p}{\partial t} = \frac{\rho_2}{f_2^2} \left( \frac{\partial W_2}{\partial t} + b_2 W_1 + a_2 W_2 \right), \quad (10)$$

$$-\frac{\partial p}{\partial t} = c_2 \left( \rho_1 \frac{\partial W_1}{\partial z} + \rho_2 \frac{\partial W_2}{\partial z} \right), \quad \text{где} \quad a_1 = \frac{k - f_1 \mu_1 A_1}{\rho_1}, \quad a_2 = \frac{k - f_2 \mu_2 A_2}{\rho_2},$$

$$b_1 = -\frac{k f_1}{\rho_1 (1 - f_1)}, \quad b_2 = -\frac{k f_2}{\rho_2 (1 - f_2)}.$$

Biz boshlang'ich va chegara sharoitida (10) sistema uchun yechimni qidirmoqdamiz:

$$W_1(z, 0) = W_2(z, 0) = 0, \quad p(z, 0) = 0, \quad p(0, t) = \varphi(t), \quad W_1(l, t) = f(t), \quad (11)$$

Bu yerda  $\varphi(t)$ ,  $f(t)$  - ma'lum farqlanadigan funktsiyalar Laplas transformatsiyasi hisoblanadi.

$t$ ,  $c$  o'zgaruvchilari bo'yicha Laplas qoidasini (10) tenglamaga qo'llab (II) hisobga olib, biz quyidagini yozamiz

$$\left. \begin{aligned} -\frac{\partial p}{\partial z} &= \frac{\rho_1}{f_1^2} (s + a_1) W_1(z, s) + \frac{\rho_1 b_1}{f_1^2} W_2(z, s) \\ -\frac{\partial p}{\partial z} &= \frac{\rho_2 b_2}{f_2^2} W_1(z, s) + \frac{\rho_2}{f_2^2} (s + a_2) W_2(z, s) \\ -sp &= c^2 \left( \rho_1 \frac{\partial W_1}{\partial z} + \rho_2 \frac{\partial W_2}{\partial z} \right) \end{aligned} \right\} \quad (12)$$

$$p(0, c) = \Phi(s); \quad W_1(l, s) = F(s). \quad (13)$$

(12) sistemaning birinchi ikki tenglamasidan topamiz

$$W_1 = -\frac{\partial p}{\partial z} \cdot \frac{\Delta_1}{\Delta}; \quad W_2 = -\frac{\partial p}{\partial z} \cdot \frac{\Delta_2}{\Delta}; \quad (14)$$

bu yerda

$$\Delta(s) = \alpha_1 s^2 + \alpha_2 s + \alpha_3; \quad \Delta_1(s) = \beta_1 s + \beta_2; \quad \Delta_2(s) = c_1 s + c_2,$$

$$\alpha_1 = \frac{\rho_1 \rho_2}{f_1^2 f_2^2}; \quad \alpha_2 = \alpha_1 (a_1 + a_2); \quad \alpha_3 = (a_1 a_2 - b_1 b_2), \quad \beta_1 = \frac{\rho_2}{f_2^2}; \quad \beta_2 = \frac{\rho_2 a_2}{f_2^2} - \frac{\rho_1 b_1}{f_1^2}; \quad c_1 = \frac{\rho_1}{f_1^2};$$

$$c_2 = \frac{\rho_1 a_1}{f_1^2} - \frac{\rho_2 b_2}{f_2^2}.$$

$$(14) \text{ sistemadan } W_2 = \frac{\Delta_2}{\Delta_1} W_1 = \frac{c_1 s + c_2}{\beta_1 s + \beta_2} W_1 \text{ или } W_2 = \frac{c_1}{\beta_1} W_1 + \frac{c_2 \beta_1 - c_1 \beta_2}{\beta_1^2} \cdot \frac{1}{s + \frac{\beta_2}{\beta_1}} W_1.$$

undan kelib chiqadiki,  $W_1(z, t)$  va  $W_2(z, t)$  asl nusxalar funktsional munosabatlar bilan bog'langan

$$W_2(z, t) = \frac{c_1}{\beta_1} W_1(z, t) + \frac{c_2 \beta_1 - c_1 \beta_2}{\beta_1^2} \int_0^1 e^{-\frac{\beta_2}{\beta_1}(t-\tau)} W_1(z, \tau) d\tau. \quad (15)$$

(12) sistemaning uchinchi tenglamasini (14) ga qo'yamiz  $\frac{\partial^2 p}{\partial z^2} - \lambda^2 p = 0$ . u holda

$$P(z, s) = Ae^{\lambda z} + Be^{-\lambda z}, W_1(z, s) = \frac{\lambda \Delta_1}{\Delta} (-Ae^{\lambda z} + Be^{-\lambda z})$$

Bu yerda  $\lambda(s) = \frac{1}{c} \sqrt{\frac{\alpha_1 s^3 + \alpha_2 s^2 + \alpha_3 s}{\gamma_1 s + \gamma_2}}$ , (16)

$\gamma_1 = \rho_1 \beta_1 + \rho_2 c_1$ ;  $\gamma_2 = \rho_1 \beta_2 + \rho_2 c_2$ . (13) shart bizga A va B o'zgarmlarini topishga yordam beradi:

$$A + B = \Phi(s); \frac{\lambda \Delta_1}{\Delta} (-Ae^{\lambda \ell} + Be^{-\lambda \ell}) = F(s), \quad A = \Phi(s) - \Phi(s) \frac{e^{\lambda \ell}}{2ch\lambda \ell} - \frac{\Delta}{\lambda \Delta_1} \cdot \frac{1}{2ch\lambda \ell} F(s).$$

$$B = \Phi(s) \frac{e^{\lambda \ell}}{2ch\lambda \ell} + \frac{\Delta}{\lambda \Delta_1} \cdot \frac{1}{2ch\lambda \ell} F(s).$$

Topshiriqlarning yechimi quyidagi ko'rinishga ega:

$$P(z, s) = s\Phi(s) \frac{ch\lambda(\ell - z)}{sch\lambda \ell} - sF(s) \frac{\Delta}{\lambda \Delta_1} \frac{sh\lambda z}{sch\lambda \ell},$$

$$W_1(z, s) = s\Phi(s) \frac{\lambda \Delta_1}{\Delta} \frac{sh\lambda(\ell - z)}{sch\lambda \ell} + sF(s) \frac{sh\lambda z}{sch\lambda \ell}, (17)$$

Tasvirlar uchun asl nusxalar  $S\Phi(s)$  va  $SF(s)$  vazifalari mavjud  $\varphi'(t)$  va  $f'(t)$ , va tasvirlar mahsuloti asl nusxalarning yaxlit yig'ilishiga mos keladi.

(17) da turgan  $S\Phi(s)$  va  $SF(s)$  omillarni tahlil qilish kerak.

$\frac{ch\lambda(\ell - z)}{sch\lambda \ell}$ ,  $\frac{sh\lambda z}{sch\lambda \ell}$  funksiyalar tenglamaning ildizlariga mos keladigan oddiy  $S_\eta$  qutblarga ega

$$ch[\lambda(s)\ell] = 0 (18)$$

$$S_0 = 0, \text{ qutb va funktsiyalar } \frac{\Delta}{\lambda \Delta_1} \frac{sh\lambda z}{sch\lambda \ell}, \frac{\lambda \Delta_1}{\Delta} \frac{sh\lambda(\ell - z)}{sch\lambda \ell}, (19)$$

qutblardan tashqari mos ravishda  $S = -\frac{\beta_2}{\beta_1}$  va  $S = -\frac{\gamma_2}{\gamma_1}$

Darhaqiqat,  $\frac{\lambda \Delta_1}{\Delta s} \frac{sh\lambda(\ell - z)}{ch\lambda \ell} = \frac{\lambda^2 \Delta_1}{\Delta s} \frac{sh\lambda(\ell - z)}{\lambda ch\lambda \ell} = \frac{\beta_1 s + \beta_2}{\gamma_1 s + \gamma_2} \cdot \frac{sh\lambda(\ell - z)}{\lambda ch\lambda \ell}$ .  $s \neq 0$ , qiymat buning

uchun  $\lambda(s) = 0$  funktsiyasi uchun (19) qutb emas, chunki  $\lim_{\lambda \rightarrow 0} \frac{sh\lambda z}{\lambda} = z$ . (18) dan esa  $\cos i\lambda \ell = 0$ .

bundan  $\lambda^2 + \left(\frac{\pi}{2\ell}\right)^2 (2n - 1)^2 = 0$ ;  $n=1, 2, \dots$  (20)

Qutblar  $S_\eta$  (20) tenglama yechimlari bo'lib, bunda u (16) tenglik bilan aniqlanadi.

Ushbu funktsiyalarning qoldiqlarini hisoblab, konvolyutsiya teoremasini qo'llasak, masalaning yechimini asl nusxada topamiz.

$$p(z, t) = \varphi(t) - \frac{\alpha_3 z}{\beta_2} f(t) + \frac{\Delta \left(-\frac{\beta_2}{\beta_1}\right) sh \left[ \lambda \left(-\frac{\beta_2}{\beta_1}\right) z \right]}{\beta_2 \lambda \left(-\frac{\beta_2}{\beta_1}\right) ch \left[ \lambda \left(-\frac{\beta_2}{\beta_1}\right) \ell \right]} \cdot \int_0^t f'(\tau) e^{-\frac{\beta_2}{\beta_1}(t-\tau)} d\tau +$$

$$\begin{aligned}
& + \sum_{k=1}^{\infty} \frac{(-1)^{k-1} i}{\ell \cdot S_k} \cdot \frac{\cos \left[ \frac{\pi}{2} \left( 1 - \frac{z}{\ell} \right) (2k-1) \right]}{\frac{d\lambda(-S_k)}{ds}} \cdot \int_0^t \varphi'(\tau) e^{S_k(t-\tau)} d\tau - \\
& - \frac{2}{\pi} \sum_{k=1}^{\infty} \frac{(-1)^{k-1} i}{2k-1} \cdot \frac{\Delta(S_k)}{S_k \Delta_1(S_k)} \cdot \frac{\sin \left[ \frac{\pi z}{2\ell} (2k-1) \right]}{\frac{d\lambda(S_k)}{ds}} \cdot \int_0^t f'(\tau) e^{S_k(t-\tau)} d\tau; \\
W_1(z, t) = & f(t) + \frac{(\gamma_1 \beta_2 - \gamma_2 \beta_2) \operatorname{sh} \left[ \lambda \left( -\frac{\gamma_2}{\gamma_1} \right) (\ell - z) \right]}{c^2 \gamma_1^2 \lambda \left( -\frac{\gamma_2}{\gamma_1} \right) \operatorname{ch} \left[ \lambda \left( -\frac{\gamma_2}{\gamma_1} \right) \ell \right]} \cdot \int_0^t \varphi'(\tau) e^{\frac{\gamma_2}{\gamma_1}(t-\tau)} d\tau + \\
& + \sum_{k=1}^{\infty} \frac{(-1)^{k-1} i \cos \left[ \frac{\pi z}{2\ell} (2k-1) \right]}{\ell \cdot S_k \frac{\alpha \lambda(S_k)}{ds}} \int_0^t f'(\tau) e^{S_k(t-\tau)} d\tau + \\
& + \frac{2}{\pi c^2} \sum_{k=1}^{\infty} \frac{(-1)^{k-1}}{2k-1} \cdot \frac{\beta_1 S_k + \beta_2}{\gamma_1 S_k + \gamma_2} \sin \left[ \frac{\pi}{2} \left( 1 - \frac{z}{\ell} \right) (2k-1) \right] \int_0^t \varphi'(\tau) e^{S_k(t-\tau)} d\tau;
\end{aligned}$$

Ikkinchi fazaning tezligi (15) tenglikdan aniqlanadi.

Muammoning aniq yechimidan bir qator amaliy masalalarni ko'rib chiqishda foydalanish mumkin, masalan, suv bosimi, quvurlardagi bosim o'zgarishi.

#### ADABIYOT

1. Черный И.А. Неустановившееся движение реальной жидкости в трубах. М., «Недра», 1975.
2. Файзуллаев Д.Ф. Ламинарное движение многофазных сред в трубопроводах. Ташкент, «Фан» УзССР, 1966.

### МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА НОСТАНДАРТ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР КРЕАТИВ ФИКРЛАШНИРИВОЖЛАНТИРИШ

А.А.Зафаров - катта ўқитувчи\*, З.А.Запаров – ўқитувчи\*\*, М.Эралиев- ўқитувчи\*\*\*.

\*Андижон давлат университети, \*\*Андижон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти, \*\*\*Андижон туман 18 - мактаб.

**Аннотация.** Ма'рузада математика дарсларида ностандарт масалалар ва ularni yechish orqali o'quvchilarda kreativ fikrlashni rivojlantirish masalalari ishlab chiqilgan.

**Tayanch tushunchalar:** kreativ fikrlash, ijodiy qobiliyat, nostandart, nostandart masala, algoritmik, evristik, reproduktiv yo'l.

**Аннотация.** В данном докладе излагаются взгляды о методах, применяемых в процессе решений нестандартных задач на уроках математике, в частности методы развития креативного мышления учащихся при решении нестандартных задач.

**Ключевые слова:** креативное мышление, творческая способность, нестандартный задача, алгоритмический, интуитивный, репродуктивный способ.

*Annotation.* This article outlines views on the methods used in the process of solving non-standart tasks in the lessons of mathematics, in particular methods for developing the creative ability of students in the teaching of solving non-standart tasks.

**Key words:** Creative ability, non-standart, non-standart task, algorithmic, intuitive, reproductive method.

Умумтаълим муассасаларида шйувчиларнинг фанларни ўзлаштиришларида юкори даражадаги ижобий натижалар кузатилмаяпти. Кўплаб ўқувчиларнинг таълим олишга нисбатан қизиқиши йўқолган.

Бунинг сабаби нимада? Балки дарсларнинг аввалдан ўйлаб, режалаштирилиб кўйилиши ўқувчилар учун қизиқ бўлмаётгандир, балки таълим мазмунининг муайян қолипга солинганлиги ўқувчилар учун ҳеч қандай рағбат билдирмаётгандир. Ўқув машғулотларининг аввалдан режалаштирилишидан воз кечиш, ўқувчиларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш таълим олишга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни ютуқларга эришишга рағбатлантиришда асосий омил бўлар. Ўқув машғулотларида етишмаётган омил – **креативлик**дир.

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун дастлаб “креативлик” тушунчасининг маънони тушуниб олиш талаб этилади. Кен Робинсоннинг фикрига кўра, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуи” (Аззам, 2009 й.) саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши керак”. Эмебайл (1989 й.)нинг ёндашуви нуқтаи назаридан ифодаланса, креативлик “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юкори даражада ноодатий кўникмаларга ҳам эга бўлиш” демакдир.

Кўплаб тадқиқотларда интеллект ва креативлик ўртасидаги алоқадорлик хусусида турлича қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотчилар улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эканлигини уқтирсалар, иккинчи гуруҳ вакиллари кретивлик ва интеллект даражаси бир-бирига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар (Ким, 2005 й.).

Креативликнинг ўзаро боғлиқликдаги тузилмасида мотивация, коммуникатив, интеллектуал ва экзистенциал параметрлар бирлиги кўзга ташланади.

“Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил-мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993 й.; Штернберг, 1985 й.). Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, дебтушунадилар (Хуи, Стернберг, 2002 й.; Рудович, Хуи, 1997 й.; Рудович, Йе, 2000 й.). Гарчи ғарблик ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлса-да, бироқ, ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгаликни юкори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012 й.).

Юкорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “креативлик” тушунчасини куйидагича шарҳлаш мумкин: креативлик (лот., инг. “create ” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилятидир. Шунинг учун ҳам замонавий илмий-техникавий илм ва билимга, тушунчага

эга ўқувчиларни тарбиялаш, сифатли таълимни таъминлаш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказишнинг илк сабоқларини бериш ҳамда болаларнинг дунёқарашини тўғри шакллантириш масаласи мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактаблар зиммасига юклатилган.

Кўплаб илмий изланишларда масалани, жумладан, ностандарт масалани ҳам, ечишнинг ўзига хос психологик хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Масалан, Л.Л.Гурова, З.И. Калмикова, В.А. Куртецкий, Я.А. Пономарёв в. б. изланишларида ана шундай фикрларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, тадиққотчи олима Н.А. Меньчинская изланишларида масалаларни ечишда фикрлаш жараёни фазалари, яъни даврлари, З.И. Калмикова, Ю.Н. Кулюткин, А.Ф. Эсаулов ва бошқаларнинг илмий ишларида эса ақлий фаолият пайтида қабул қилишнинг умумлашма ҳолатидаги мақбул кўринишлари алоҳида ажратиб кўрсатилган, З.И. Калмикова, В.А. Крутецкий, З.И. Соепкань каби олимларнинг тадиққотларида ўқувчиларнинг фикрлаш давридаги фаолиятини бошқариш имкониятлари масаласи атрофлича кўриб чиқилган.

Олиб борилган психологик-педагогик ва услубий изланишлар, қолаверса, ўзимиз олиб борган тадиққотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик ҳолатларда ўқувчилар ностандарт масалаларни ечиш пайтида ўзларини йўқотиб кўядилар ва уни ечишни рад этадилар, яъни истамайдилар. Чунки ўқувчилар турли масалаларни ечишнинг маълум бир тактика ва стратегияси билан етарлича таниш эмаслиги туфайли баъзи бир ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқишда, хусусан, олинган натижаларни умумлаштиришда, бошланғич ҳаракатларини баҳолаш ҳамда назорат қилишда иккиланиб қоладилар.

Ю.М. Колягин математик масалада қуйидаги таркибий қисмлар бўлишини алоҳида таъкидлайди:

- бошланғич ҳолат (масала шарт);
- якуний ҳолат (масаланинг хулосаси);
- ечим (изланаётган нарсани топиш шартини қайта тузиш);
- ечимнинг устқурмаси (назарий асосланиши).

Шу нуқтаи назарга асосланган Ю. Колягин барча бошланғич ҳолатдан, то якуний ҳолатгача, математик воситалар билан ҳал этиладиган масалаларни “математик масала”, деб тушунтиради. Муаллиф бу гуруҳдаги масалалар сирасига таркибий қисмлари математик объектлар ҳисобланадиган ҳамда математик аппаратлар ёрдамида ечиладиган амалий математикага оид барча масалаларни ҳам, соф математик масалаларни ҳам бирдек киритади

Ф.Ф. Нагибин ва Е.С. Каниннинг “Математик қутича” китобида эса қуйидаги масала турларини кўриш мумкин:

- “охиридан” ечиладиган масалалар;
- “қуйиш” асосида ечиладиган масалалар;
- фоизлар асосида ечиладиган масалалар;
- тиклаш асосида ечиладиган масалалар

Масалаларни ечишга ўргатишда ўқитувчи олдида икки хил маънога эга масала туради. Бир томондан, масала шартларида акс этган бирилмлар тизимини тиклаш ва сақлаб қолиш зарур. Иккинчи томондан эса ўқувчилар бу билимлардан воз кечишлари ва нисбатан янги тизимни “доимий равишда очила борадиган масала талаблари”га боғлиқ бўлган янги тизимни қуришларига эришиш керак. Мисол тариқасида қуйидаги масалани кўриб чиқамиз:

Масала 1. Қуйидаги тенгламалар хаамиша ҳам нотўғрими?

$$1g(a+b) = 1ga + 1gb$$

Ечим: Маълумки,  $1g(ab) = 1g(a + 1g b)$ .

Агар қандайдир  $b$  тўғри бўлса,  $1g(a + b) = 1g a + 1g b$ ,

унда  $1g(a + b) = 1g(ab)$  бўлса,

$a + b = ab$  қадардан келди?

Бинобарин  $b = a / (a - 1)$ .

Шу тариқа,  $1g(a + b) = 1g a + 1g b$  тенглик ҳар қандай ижобий аҳамиятли маъно учун тўғри, ўзаро тенглик билан боғланган  $b$  эса:  $b = a / (a - 1)$ .

Масалан: а)  $a=2$ ;  $b=2$ ;

б)  $a=3$   $b=3/2$ ,

в)  $a=1,5$ ;  $b=3$ .

Бундай жуфтлар чексиз даражада кўп, кўриб чиқиладиган тенгликда  $a$  ва  $b$  аҳамитли эканлиги боис, бу тенглик тўғри, яъни 1 дан юқори.

Таъкидлаш зарурки, “аниқ маҳсулдор фаолият ( унинг юксак даражаси – ижодийлик), атроф-муҳит воқелигини мустақил англаш – фикрлаш фаолиятининг тўқима ва сермаҳсул кўринишларининг ўзаро боғлиқлиги натижасидир” (62, с. 21). Лекин, унутмаслик керакки, айнан “маҳсулдор фикрлаш ўз маҳсулотининг юқори даражадаги янгилиги билан изоҳланади. Яъни, янги билимлар сари аниқ йўл очади (62). Н.А. Менчинскийнинг эътироф этишича, авваллари ўзларида фикрлашнинг заиф эгилувчанлигини намоён этган, ва қисман, эсида қолганлар асосида масала-муаммони маҳсулдор ёндошишнинг ўзига хосликларини намоён этган ҳолда ўзгартириб юборишга қодир бўладилар”. Бундай натижага эришиш учун ечиладиган масаладаги қийинчиликларни (муракабликларни) камайтириш ёки уларни ўйин ва амалий машғулотга айлантириш тавсия этилади.

Шуниси ҳам борки, ностандарт масалаларни ечиш ўзига хос математик фикрлашни шакллантира боради. А.Я. Хинин бундай фикрлашнинг қуйидаги ўзига хос белгиларини алоҳида ажратиб кўрсатади:

1) Мантиқий фикрлашнинг устун даражада охирига етказилиши математикага хос хусусият ҳисобланади.

2) Лўнда, яъни мақсадга элтувчи энг мақбул ва яқин мантиқий йўлни излаш, бенуқсон далил-исботлар топишга халақит берадиган ҳамма ортиқча нарсани аёвсиз олиб ташлаш.

3) Далиллар келтиришда аниқ бўлинишларни топиш.

4) Рамзларнинг пухта даражада аниқ бўлиши.

Масалани дарс пайтида бутун синф билан биргаликда ўрганиш ва ечиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ечим ғоясини жамoa бўлиб излаш ва топиш болаларда шахсий сифатнинг ташаббускорлик қобилиятини шакллантира боради.

Математик масалалар ўқувчиларга ўз ҳаракатларини назорат қилиш кўникмасини шакллантириш, ечимнинг боришини прогноз қилиш, креатив фикрлашга имкон беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахмедов М., Мирзаахмедов М. Мантиқий фикрлашга ўргатиш (4– синф “Математика” дарслиги асосида) // Бошланғич таълим. 2004. №2, 42–45 б.



2. Архангельский С.И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. \ С.И.Архангелский-М. Высшая школа.
3. Балл.Г.А. Психологическое содержание понятия «Задача»/Г.А.Балл\ Вопросы психологии- 1970.-№6.
- 4.Бартенев Ф.А. Нестандарные задачи по алгебре /Ф.А.Бартенев.-М. Просвещение.
5. Хинчин А.Я. Педогогические статьи \ А.Я.Хинчин\под ред.Б.В.Гнеденко.-М.: изд-во «Барс», 1977-392 стр.
6. Методика диагностики самооценки мотивации одобрения. Д.Марлоу и Д.Крауна // Практическая психодиагностика. Методики и тесты. Учебное пособие. / Ред. и сост. Д.Я.Райгородский. - Самара, 2001.С. 635-636.
7. Туник Е.Е. Диагностика креативности. Тест Е.Торренса. Адаптированный вариант. - СПб.: Речь, 2006. – 176с.
8. Zараров А., Тоучиев R., Khusanov U. Teaching technology in general secondary schools on the “stem” educational approach. «Экономика и социум». № 1(80) 2021, стр. 107-115.

## ТРАКТОР ТРАНСМИССИЯСИНИНГУЗАТМАЛАР ҚУТИСИ ҲАРАКАТИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ

**Д. Қ.Якубжанова- доцент, Ф. Х.Қучқоров-катта ўқитувчи,  
Ж.С.Тошбоев - магистр.**

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари  
университети Самарқанд филиали**

*Ушбу ишда трактор трансмиссиясининг узатмалар қутиси ҳаракатланишини математик модели ишлаб чиқилади.*

**Калит сўзлар:** *модель, тизим, детал, узел, трансмиссия, агрегат, узатмалар қутиси, момент.*

*В настоящей работе разработана математическая модель движения коробки передач трансмиссии трактора.*

**Ключевые слова:** *модель, система, детал, узел, трансмиссия, агрегат, коробка передач, момент.*

*In this paper, we have developed mathematical model the gearbox transmission of tractor movement.*

**Keywords:** *model, system, detail, assembly, transmission, unit, gearbox, torque.*

Мамлакатимизда илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларда, жумладан, «Бошқарув назарияси», «Математик моделлаштириш» ниўрганиш бўйича муҳим натижалар олинган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг эффектив механизмларини яратиш масалаларига оид муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, саноатнинг исталган соҳасида механизм, машина ва жиҳозларнинг сифати ва ишончлилигини ошириш ҳозирги куннинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади [1].

Маҳаллий тракторларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларининг замонавий юқори иш унумдорлигига эга техникага бўлган эҳтиёжларини қондириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасининг экспорт потенциалини кўтариш мақсадида тадқиқотлар олиб боришга катта аҳамият қаратилмоқда.

Тракторларнинг янги намуналарини ва серияли ишлаб чиқарилаётган моделларни турли модификацияларини яратиш бир неча босқичларда олиб бориладиган мураккаб жараён ҳисобланади. Детал, узел, механизм ишланмаларининг сифатли янги конструкцияларини олиш учун улар адабиётлардаги маълумотлар, аниқ назарий тасдиқлар ва мос математик моделлар асосида ўтказилиши керак бўлган ҳисоблар ва лаборатория-дала тадқиқотларининг таҳлили билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Трансмиссия тракторнинг асосий қисми ҳисобланади. Трансмиссиянинг ишлаши унинг замонавий талабларга мос келувчи оптимал ишлаш параметрларини олиш учун қатъиян математик моделлашлар ва яратилган моделлар ёрдамида олиб борилиши керак[2-5].

Трансмиссия двигателдан келаётган энергияни трактор юргизгичига, шунингдек тракторга агрегатланган қишлоқ хўжалик машиналари фаол ишчи органларига узатиш учун мўлжалланган. Трансмиссияси асосий қисмидан бири бу узатмалар қутиси (УҚ) ҳисобланади.

Узатмалар қутиси энергияни двигателдан ҳаракатлантиргичга ҳамда трактор билан агрегатланадиган қишлоқ хўжалиги машиналарининг ишчи органларига узатиш учун мўлжалланган. Двигателдан узатмалар қутисига энергияни узатиш ҳаракатлантирувчи момент ва бурчак тезланиши билан характерланади. Ички ёнув двигателларида тирсакли валнинг бурчак тезлиги жуда юқори ва уни ғилдиракларга ёки қишлоқ хўжалиги машиналари ишчи органларига узатиш трансмиссиянинг алоҳида агрегатларида (узатмалар қутисида, қувват олиш валида, редукторда бош узатма ва бошқаларда) ҳаракатлантирувчи момент ва бурчак тезлиги ўзгартирилади.

Узатмалар қутиси асосий узатма, дифференциал механизм дифференциалини блокировкалаш ва охирги узатмалар трансмиссия корпуси деб аталувчи ягона корпус ичида жойлашган. Қўшимча охирги узатмалар тракторнинг етакчи ғилдиракларнинг орасини ростлашга имкон беради.

Трансмиссиянинг узатмалар қутиси ҳаракатланиши математик моделини иккинчи тур Лагранж тенгламаси кўринишида тузиб чиқамиз [2-3].

$$\frac{d}{dt} \left( \frac{\partial T}{\partial \dot{q}_i} \right) - \frac{\partial T}{\partial q_i} + \frac{\partial \Phi}{\partial q_i} + \frac{\partial \Pi}{\partial q_i} = Q_i \quad (1)$$

бу ерда  $T$  – УҚнинг айланма ҳаракат қилувчи механизмларининг кинетик энергияси;  $\Pi$  – УҚнинг айланма ҳаракат қилувчи механизмларининг потенциал энергияси;  $\Phi$  – диссипатив функциялар Рэлея;  $q_i$  - умумлашган координаталар;  $\dot{q}_i$  - умумлашган тезликлар;  $Q_i$  – умумлашган кучлар.

Ушбу тизим учун  $q_i = \varphi_i$  деб ҳисоблаб, кинетик энергияни ёзамиз:

$$T = \frac{1}{2} \sum_{i=1}^3 j_i \dot{\varphi}_i^2$$

бу ерда –  $j_i$  – УҚнинг айланма ҳаракат қилувчи массаларнинг инерция моментлари;  $\dot{\varphi}_i$  – УҚнинг айланма ҳаракат қилувчи механизмларининг бурчак тезликлари.

Тизимнинг потенциал энергияси қуйидагича бўлади:

$$\Pi = \frac{1}{2} c_1 (\varphi_d - \varphi_n)^2$$

бу ерда  $-c_l$  – таранг муфтанинг бикрлик коэффициенти;  $\varphi_\delta, \varphi_n$  – двигател вали УҚ юритмасининг бурчакли кўчиши.

Рэленинг диссипативфункциялари:

$$\Phi = \frac{1}{2} b_l (\varphi_\delta - \varphi_n)^2$$

бу ерда  $-b_l$  – УҚ айланаётган валларини қовушқоқлик қаршилиги коэффициенти;  $\dot{\varphi}_\delta, \dot{\varphi}_n$  – двигател вали УҚ юритмасининг бурчакли кўчиши..

Лагранж тенгламаларининг ташкил этувчиларини аниқлаймиз:

а) кўчиш бўйича хусусий ҳосила -

$$\frac{\partial T}{\partial \varphi_i} = 0; \quad \frac{\partial \Pi}{\partial \varphi_1} = c_1 (\varphi_\delta - \varphi_n)$$

б) умумлашган координаталар бўйича хусусий ҳосила -

$$\frac{\partial T}{\partial \varphi_i} = j_i \dot{\varphi}_i; \quad \frac{\partial \Phi}{\partial \varphi_1} = b_l (\varphi_\delta - \varphi_n)$$

в) вақт бўйича дифференциаллаш -

$$\frac{d}{dt} \left( \frac{\partial T}{\partial \dot{\varphi}_i} \right) = j_i \ddot{\varphi}_i$$

г) умумлашган кучлар -

$$Q_1 = M_\delta; \quad Q_2 = M_p; \quad Q_3 = M_c$$

буерда  $M_\delta, M_p, M_c$  - двигателни кўзғатувчи момент, УҚдаги момент ва қаршилиқ моменти.

(1) га Лагранж тенгламаларининг аниқланган ташкил этувчиларини қўйиб, УҚ ҳаракатининг дифференциал тенгламасини қуйидаги кўринишда оламиз:

$$\left. \begin{aligned} j_1 \ddot{\varphi}_1 &= M_\delta - b_1 (\dot{\varphi}_1 - \dot{\varphi}_2) - c_1 (\varphi_1 - \varphi_2) \\ j_2 \ddot{\varphi}_2 &= b_1 (\dot{\varphi}_1 - \dot{\varphi}_2) + c_1 (\varphi_1 - \varphi_2) - j_3 \ddot{\varphi}_3 \\ j_3 \ddot{\varphi}_3 &= j_3 i_1 \ddot{\varphi}_2 - b_2 (\dot{\varphi}_3 - \dot{\varphi}_4) - c_2 (\varphi_3 - \varphi_4) \\ j_4 \ddot{\varphi}_4 &= b_2 (\varphi_3 - \varphi_4) + c_2 (\varphi_3 - \varphi_4) - j_5 \ddot{\varphi}_5 \\ j_5 \ddot{\varphi}_5 &= j_5 i_2 \ddot{\varphi}_4 - b_3 (\dot{\varphi}_5 - \dot{\varphi}_6) - c_3 (\varphi_5 - \varphi_6) \\ j_6 \ddot{\varphi}_6 &= b_3 (\dot{\varphi}_5 - \dot{\varphi}_6) + c_3 (\varphi_5 - \varphi_6) - M_c \end{aligned} \right\}, \quad (2)$$

бу ерда  $j_1, \dots, j_6$  – ТТ айланма ҳаракат қилувчи массаларининг инерция моментлари,  $H \cdot m \cdot c^2$ ;

$\ddot{\varphi}_1, \dots, \ddot{\varphi}_6$  – ТТ айланма ҳаракат қилувчи массаларининг бурчак тезланишлари,  $c^{-2}$ ;

$\dot{\varphi}_1, \dots, \dot{\varphi}_6$  – ТТ айланма ҳаракат қилувчи массаларининг бурчак тезликлари,  $c^{-1}$ ;  $\varphi_1, \dots, \varphi_6$

– ТТ айланма ҳаракат қилувчи массаларининг бурчакли кўчиши,  $rad$ ;  $b_1, b_2, b_3$ , – ТТ бирламчи, оралик ва иккиламчи валларининг қовушқоқли қаршилиги коэффициентлари,  $H \cdot m \cdot c / rad$ ;  $c_1, c_2, c_3$  – ТТ бирламчи, оралик ва иккиламчи валларининг бикрлик коэффициентлари,  $H \cdot m / rad$ ;  $i_1, i_2$  – трансмиссиянинг бирламчи ва оралик валлари орасидаги

ва оралиқ ва иккиламчи валлари орасидаги узатиш нисбати;  $M_d$ ,  $M_c$  – ТТни харакатлантирувчи момент и қаршилиқ моменти,  $H_m$ .

### Адабиёт

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида – Т: 2017 йил 7 февраль. ПФ- 4947- сонли Фармони.

2. Азимов Б.М., Рузиев Д.А., Азизов Н.Б., Игамбердиева М.Ч. Моделирование и управление процессами функционирования коробки передач колесных тракторов // Узбекский журнал «Проблемы информатики и энергетики». Ташкент, 2017. № 5. С.59-64.

3. Афанасьев В.Н., Колмановский В.Б., Носов В.Р. Математическая теория конструирования систем управления. М.: Высш.шк., 1989. С.162-163.

Гуськов В.В. и др. Тракторы: Теория. М.: Машиностроение, 1988. С.137-170.

Самородов В. Б. Результаты математического моделирования трансмиссии Fendt Vario колесных тракторов 900 серии. // Вестник Нац. техн. ун-та "ХПИ". Харьков :2011. – № 56. С. 144-156.

## НАТУРАЛ СОНЛАР ДАРАЖАЛАРИ ЙИГИНДИСИ УЧУН ФОРМУЛА

Ҳ.Р. Умаров<sup>1</sup>, А.Б. Янгибоев<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиали ўқитувчиси

<sup>2</sup>Гулистон давлат университети академик лицейи ўқитувчиси

*Ушбу иш математикани ўрганишни бовловчиларга-биринчи курс талабаларига ва ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган. Бундай ўқувчиларни натурал сонлар даражалари йигиндисини топиш масаласи қизиқтириши, табиийдир. Мақолада натурал сонлар даражалари йигиндисининг асосий формуллари турли исботлари билан келтирилган.*

**Калит сўзлар:** натурал сонлар даражалари йигиндисини, математик индукция методи, рекуррент формула, детерминант, ҳинд усули, геометрик усул, Люка, Пифагор жадаввали.

*Работа ориентирована на начинающего математика-студента первых курсов и ученика старших классов средней школы. Такой читатель естественно может заинтересоваться вопросом о суммировании степеней чисел натурального ряда, примыкающим к непосредственно излагаемому в школах материалу. В работе приводятся основные формулы для сумм степеней чисел натурального ряда с различными доказательствами.*

**Ключевые слова:** суммирование степеней натурального чисел, метод математической индукции, рекуррентная формула, детерминант, индусский способ суммирования, геометрический способ, Люка, таблица умножения Пифагора.

*The work is focused on a beginning mathematician-student of the first year and a student of the upper secondary school. Such a reader can naturally be interested in the question of summing up the degrees of the numbers of a natural number adjacent to the material directly stated in schools. The paper given the basic formulas for sums of powers of a natural numbers with various proofs.*

**Keywords:** summation of powers of natural numbers, method of mathematical induction, recurrence formula, determinant, Hindu summation method, geometric method, Lucas, multiplication table of Pythagoras.

Ушбу иш натурал сонлар даражалари йигиндисини топиш масаласига, яъни қуйидаги

$$S_k = 1^k + 2^k + 3^k + \dots + n^k, \quad k \in \mathbb{N} \quad (1)$$

кўринишдаги йиғиндиларни ҳисоблаш масаласининг баёнига бағишланади.

Амалиётда (1) кўринишдаги йиғиндилар учун тайёр формулалар мавжуд бўлиб, одатда уларнинг тўғри эканлиги (кўпинча) математик индукция усули билан исботланади [2, 9]. Қуйида биз бу каби тенгликларнинг айримларини келтириб чиқариш билан шуғулланамиз.

Дастлаб (1) йиғиндини ҳисоблашнинг рекуррент формуласи, яъни  $S_0, S_1, S_2, \dots, S_{k-1}$  қийматлар маълум бўлган ҳолда  $S_k$  ни ҳисоблаш формуласини, ва шунингдек, (1) йиғиндининг умумий детерминант орқали ифодасини келтириб чиқарамиз.

**1. Рекуррент формула.** (1) кўринишдаги йиғиндиларни ҳисоблаш учун Ньютон биноми формуласидан фойдаланамиз [5, 25]:

$$(x+1)^{k+1} = x^{k+1} + C_{k+1}^1 x^k + C_{k+1}^2 x^{k-1} + \dots + C_{k+1}^{k-1} x^2 + C_{k+1}^k x + 1. \quad (2)$$

Юқоридаги (2) ифодада  $x$  ўзгарувчига кетма-кет  $1, 2, 3, \dots, n$  қийматларни бериб, қуйидагиларга эга бўламиз:

$$2^{k+1} = 1^{k+1} + C_{k+1}^1 \cdot 1^k + C_{k+1}^2 \cdot 1^{k-1} + \dots + C_{k+1}^{k-1} \cdot 1^2 + C_{k+1}^k \cdot 1 + 1,$$

$$3^{k+1} = 2^{k+1} + C_{k+1}^1 \cdot 2^k + C_{k+1}^2 \cdot 2^{k-1} + \dots + C_{k+1}^{k-1} \cdot 2^2 + C_{k+1}^k \cdot 2 + 1,$$

.....

$$(n+1)^{k+1} = n^{k+1} + C_{k+1}^1 \cdot n^k + C_{k+1}^2 \cdot n^{k-1} + \dots + C_{k+1}^{k-1} \cdot n^2 + C_{k+1}^k \cdot n + 1.$$

Бу тенгликларни ҳадлаб қўшсак, ушбу

$$\begin{aligned} & \underline{2^{k+1} + 3^{k+1} + \dots + n^{k+1}} + (n+1)^{k+1} = \underline{1^{k+1} + 2^{k+1} + 3^{k+1} + \dots + n^{k+1}} + \\ & + C_{k+1}^1 \cdot (1^k + 2^k + \dots + n^k) + C_{k+1}^2 \cdot (1^{k-1} + 2^{k-1} + \dots + n^{k-1}) + \dots + \\ & + C_{k+1}^{k-1} \cdot (1^2 + 2^2 + \dots + n^2) + C_{k+1}^k \cdot (1 + 2 + \dots + n) + n \end{aligned}$$

тенглик ҳосил бўлади. Остига чизилган ҳадларни ихчамлаштириб ва ушбу  $S_k, S_{k-1}, S_{k-2}, \dots, S_2, S_1, S_0 = n$  белгилашлар киритсак, у ҳолда

$$(n+1)^{k+1} = 1 + C_{k+1}^1 S_k + C_{k+1}^2 S_{k-1} + \dots + C_{k+1}^{k-1} S_2 + C_{k+1}^k S_1 + S_0 \quad \text{ёки}$$

$$C_{k+1}^1 S_k + C_{k+1}^2 S_{k-1} + \dots + C_{k+1}^{k-1} S_2 + C_{k+1}^k S_1 + S_0 = (n+1)^{k+1} - 1 \quad (3)$$

рекуррент формулага эга бўламиз.

(3) формула ёрдамида биз, аввалдан  $S_0, S_1, S_2, \dots, S_{k-2}, S_{k-1}$  йиғиндиларни билган ҳолда,  $S_k$  йиғиндини ҳисоблашимиз мумкин.

**2. Дастлабки  $n$  та натурал сонлар  $k$  – даражалари йиғиндисини детерминант орқали ифодалаш.**

Юқоридаги (3) рекуррент формула бизга бевосита  $S_k$  йиғиндини детерминант орқали ифодалаш имконини беради. Бунинг учун (3) формулани  $k$  нинг  $k, k-1, k-2, k-3, \dots, 2, 1, 0$  қийматлари учун ёзамиз ва ушбу тенгламаларга эга бўламиз:

$$\left. \begin{aligned} C_{k+1}^1 S_k + C_{k+1}^2 S_{k-1} + C_{k+1}^3 S_{k-2} + \dots + C_{k+1}^k S_1 + S_0 &= (n+1)^{k+1} - 1, \\ C_k^1 S_{k-1} + C_k^2 S_{k-2} + \dots + C_k^{k-1} S_1 + S_0 &= (n+1)^k - 1, \\ C_{k-1}^1 S_{k-2} + \dots + C_{k-1}^{k-2} S_1 + S_0 &= (n+1)^{k-1} - 1, \\ &\dots \dots \dots \dots \dots \dots \dots \\ C_2^1 S_1 + S_0 &= (n+1)^2 - 1, \\ S_0 &= (n+1) - 1. \end{aligned} \right\} (4)$$

(4) система  $k+1$  та  $S_k, S_{k-1}, S_{k-2}, \dots, S_2, S_1, S_0$  номаълумли  $k+1$  та чизикли тенгламалар системасини ифодалайди. Чизикли тенгламалар системаси ечими учун Крамер коидасидан фойдаланиб, қуйидаги муносабатни ҳосил қиламиз:

$$S_k = \frac{\begin{vmatrix} (n+1)^{k+1}-1 & C_{k+1}^2 & C_{k+1}^3 & \dots & C_{k+1}^k & 1 \\ (n+1)^k-1 & C_k^1 & C_k^2 & \dots & C_k^{k-1} & 1 \\ (n+1)^{k-1}-1 & 0 & C_{k-1}^1 & \dots & C_{k-1}^{k-2} & 1 \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ (n+1)^2-1 & 0 & 0 & \dots & C_2^1 & 1 \\ (n+1)-1 & 0 & 0 & \dots & 0 & 1 \end{vmatrix}}{\begin{vmatrix} C_{k+1}^1 & C_{k+1}^2 & C_{k+1}^3 & \dots & C_{k+1}^k & 1 \\ 0 & C_k^1 & C_k^2 & \dots & C_k^{k-1} & 1 \\ 0 & 0 & C_{k-1}^1 & \dots & C_{k-1}^{k-2} & 1 \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & 0 & \dots & C_2^1 & 1 \\ 0 & 0 & 0 & \dots & 0 & 1 \end{vmatrix}} \quad (5)$$

Маълумки,

- 1) агар каср суратидаги детерминантнинг биринчи устун элементларига охирги устун элементларини қўшсак, у ҳолда детерминант ўз қийматини сақлайди;
- 2) каср махражидаги детерминантнинг бош диагоналдан бир томонда турган барча элементлари нолга тенг, унда детерминант қиймати бош диагоналда турган элементлар кўпайтмасига тенг бўлади. Бош диагоналда турган элементлар, мос равишда

$$C_{k+1}^1 = k+1, C_k^1 = k, C_{k-1}^1 = k-1, \dots, C_2^1 = 2, 1$$

га ва уларнинг кўпайтмаси эса

$$1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot \dots \cdot k \cdot (k+1) = (k+1)!$$

га тенг.

Охирги алмаштиришлардан сўнг (5) формула ушбу кўринишга келади:

$$S_k = \frac{1}{(k+1)!} \cdot \begin{vmatrix} (n+1)^{k+1} & C_{k+1}^2 & C_{k+1}^3 & \dots & C_{k+1}^k & 1 \\ (n+1)^k & C_k^1 & C_k^2 & \dots & C_k^{k-1} & 1 \\ (n+1)^{k-1} & 0 & C_{k-1}^1 & \dots & C_{k-1}^{k-2} & 1 \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ (n+1)^2 & 0 & 0 & \dots & C_2^1 & 1 \\ (n+1) & 0 & 0 & \dots & 0 & 1 \end{vmatrix}.$$

Бу эса  $S_k$  йигиндининг детерминант орқали ифодаланишидир.

**Мисол.**  $S_2$  ни ҳисоблаймиз.  $k = 2$ ;

$$S_2 = \frac{1}{3!} \cdot \begin{vmatrix} (n+1)^3 & C_3^2 & 1 \\ (n+1)^2 & C_2^1 & 1 \\ (n+1) & 0 & 1 \end{vmatrix} = \frac{n+1}{3!} \cdot \begin{vmatrix} (n+1)^2 & 3 & 1 \\ n+1 & 2 & 1 \\ 1 & 0 & 1 \end{vmatrix}.$$

Детерминантнинг биринчи сатридан иккинчи сатрини, иккинчи сатридан учунчи сатрини айирамиз:

$$\begin{aligned} S_2 &= \frac{n+1}{3!} \cdot \begin{vmatrix} n^2+n & 1 & 0 \\ n & 2 & 0 \\ 1 & 0 & 1 \end{vmatrix} = \frac{n+1}{3!} \cdot \begin{vmatrix} n(n+1) & 1 \\ n & 2 \end{vmatrix} = \frac{n(n+1)}{3!} \cdot \begin{vmatrix} n+1 & 1 \\ 1 & 2 \end{vmatrix} = \\ &= \frac{n(n+1)}{3!} \cdot (2n+2-1) = \frac{n(n+1)(2n+1)}{3!}. \end{aligned}$$

Демак,

$$S_2 = \frac{n(n+1)(2n+1)}{3!}.$$

#### Адабиёт

1. Azlarov T., Mansurov H. Matematik analiz asoslari. Toshkent, 2005. 378 б.
2. Саъдуллаев А., Мансуров Ҳ., Худойберганов Г., Ворисов А., Гуломов Р. Математик анализ курсидан мисол ва масалалар тўплами, 1том, Тошкент. 1993. 318 б.
3. Виленкин Н.Я., Виленкин А.Н., Виленкин П.А. Комбинаторика. Москва, 2006. 400 с.
4. Ягудаев Б.Я. Сонли функциялар. Тошкент, 1978. 100 б.
5. G'aymazarov G., Gaimnazarov O.G., Kombinatorika va uning tatbiqlari, Toshkent, 2014. 86 б.

### ОСУЩЕСТВОВАНИЕ РЕШЕНИЕ ЛОКАЛЬНОЙ КРАЕВОЙ ЗАДАЧИ ДЛЯ НАГРУЖЕННОГО УРАВНЕНИЯ ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО ТИПА, ВЫРОЖДАЮЩЕГОСЯ ВНУТРИ ОБЛАСТИ

**Ф.М.Жураев-** старший преподаватель БухГУ.

#### Аннотация

Бу мақолада соҳа ичида бузилишига эга бўлган, юкланган параболо-гиперболик типдаги тенглама учун локал масала ечимининг мавжудлиги исботланган.

**Калит сўзлар:** соҳа, локал, чегаравий масала, бузиладиган, юкланган, тенглама, ечимнинг мавжудлиги.

#### Аннотация

В данной статье доказана существование решение локальных краевых задач, для нагруженного уравнения параболо-гиперболического типа, вырождающегося внутри области.

**Ключевые слова:** область, локальные, краевые задачи, вырождающиеся, нагруженные, уравнения, существование решение.

#### Annotation

In his paper proves the unique existence of a local problem for loaded parabolic-hyperbolic type equation that has a degeneration with in the field.

**Key words:** field, loktal, boundary value problems, degenerate, loaded, equation, existence solution.

Краевые задачи для вырождающегося нагруженного уравнения смешанного типа второго порядка исследовались сравнительно мало. Отметим работы А.М. Нахушева [1], В.М.Казиёва [2], Б.Исломова и Ф.Джураева [3], Р.Р.Ашурова и С.З. Жамалова [4]. Это связано, прежде всего, с отсутствием представления общего решения для таких уравнений; с другой стороны, такие задачи сводятся к малоизученным интегральным уравнениям.

Рассмотрим уравнение

$$0 = \begin{cases} u_{xx} - |x|^p u_y - \rho_j u(x, 0), & (x, y) \in \Omega_j^+, \\ u_{xx} - (-y)^m u_{yy} + \mu_j u(x, 0), & (x, y) \in \Omega_j^-, \end{cases} \quad (1)$$

где  $m, p, \rho_j, \mu_j$  ( $j = 1, 2$ ) – любые действительные числа, причем

$$m < 0, p > 0, \rho_j > 0, \mu_j > 0, (j = 1, 2). \quad (2_j)$$

Пусть  $\Omega$  – конечная односвязная область в плоскости переменных  $x, y$ , ограниченная кривыми:

$$S_j : |x| = 1, 0 < y < 1, S_3 : 0 < x < 1, y = 1, S_4 : -1 < x < 0, y = 1,$$

$$\Gamma_j : |x| - \frac{2}{2-m} (-y)^{\frac{2-m}{2}} = 0, \Gamma_{j+2} : |x| + \frac{2}{2-m} (-y)^{\frac{2-m}{2}} = 1, y \leq 0,$$

здесь и далее  $x \geq 0$ , при  $j = 1$ ,  $x \leq 0$ , при  $j = 2$ , причем  $m < 0$ .

Введем обозначения

$$\Omega_1^+ = \Omega \cap \{(x, y) : x > 0, y > 0\}, \quad \Omega_2^+ = \Omega \cap \{(x, y) : x < 0, y > 0\},$$

$$\Omega_1^- = \Omega \cap \{(x, y) : x > 0, y < 0\}, \quad \Omega_2^- = \Omega \cap \{(x, y) : x < 0, y < 0\},$$

$$I_1 = \{(x, y) : 0 < x < 1, y = 0\}, I_2 = \{(x, y) : -1 < x < 0, y = 0\}, I_3 = \{(x, y) : x = 0, 0 < y < 1\},$$

$$\Omega_j = \Omega_j^+ \cup \Omega_j^- \cup J_j, \Omega_3 = \Omega_1^+ \cup \Omega_2^- \cup J_3, A_j((-1)^{j+1}, 0) = \bar{I}_j \cap \bar{S}_j,$$

$$C_j \left[ (-1)^{j+1} \frac{1}{2}; - \left( (-1)^{j+1} \frac{2-m}{4} \right)^{2/(2-m)} \right] = \bar{\Gamma}_j \cap \bar{\Gamma}_{j+2}, (j = 1, 2), O(0, 0) = \bar{I}_1 \cap \bar{I}_2,$$

$$B_1(1, 1) = \bar{S}_1 \cap \bar{S}_3, B_2(-1, 1) = \bar{S}_2 \cap \bar{S}_4, B_0(0, 1) = \bar{S}_3 \cap \bar{S}_4.$$

$$2\beta = \frac{m}{2-m}, \text{ причем } 0 < -\beta < \frac{1}{2}, \quad 0 < p - 2\beta < 1. \quad (3)$$

В области  $\Omega$  для уравнения (1) исследуются следующие задачи.

**Задача.** Найти функцию  $u(x, y)$ , обладающую следующими свойствами:

$$1) u(x, y) \in C(\bar{\Omega}) \cap C^1(\Omega) \cap C_{x,y}^{2,1}(\Omega_1^+ \cup \Omega_2^+) \cap C^2(\Omega_1^- \cup \Omega_2^-);$$

2)  $u(x, y)$  является регулярным решением уравнения (1) в областях



$\Omega_j^+$  и  $\Omega_j^-$  ( $j=1,2$ );

3)  $u(x, y)$  удовлетворяет краевым условиям

$$u|_{S_j} = \varphi_j(y), \quad 0 \leq y \leq 1, \quad (3)$$

$$u|_{\Gamma_1} = g_1(x), \quad 0 \leq x \leq \frac{1}{2}, \quad u|_{\Gamma_4} = g_2(x), \quad -1 \leq x \leq -\frac{1}{2}, \quad (4)$$

4) на линии вырождения  $J_i$  ( $i=1,3$ ) выполняется условия склеивания

$$\lim_{y \rightarrow +0} u_y(x, y) = \lim_{y \rightarrow -0} u_y(x, y), \quad (x, 0) \in I_j, \quad (5)$$

$$\lim_{x \rightarrow +0} u_x(x, y) = \lim_{x \rightarrow -0} u_x(x, y), \quad (x, 0) \in I_3; \quad (6)$$

где  $\varphi_1(y)$ ,  $\varphi_2(y)$ , где  $g_1(x)$ ,  $g_2(x)$  - заданные функции, причем  $g_1(-1) = \varphi_2(0)$

$$\varphi_j(y) \in C[0,1] \cap C^1(0,1), \quad (7)$$

$$g_1(x) \in C^1\left[0, \frac{1}{2}\right] \cap C^3\left(0, \frac{1}{2}\right), \quad g_2(x) \in C^1\left[-1, -\frac{1}{2}\right] \cap C^3\left(-1, -\frac{1}{2}\right) \quad (8)$$

**Теорема.** Если выполнены условия (2<sub>j</sub>), (3), (7<sub>j</sub>), и (8<sub>j</sub>), то в области  $\Omega$  решение задачи существует.

#### Литература

1. Нахушев А.М. О задаче Дарбу для одного вырождающегося нагруженного интегродифференциального уравнения второго порядка. // "Дифференциальные уравнения". 12(1). 1976. С. 103-108.
2. Казиев В.М. О задаче Дарбу для одного вырождающегося нагруженного интегродифференциального уравнения второго порядка. // «Дифференциальные уравнения». 14(1). 1978. С.181-184.
3. Исломов Б., Джураев Ф. Аналог задачи Трикоми для вырождающегося нагруженного уравнения параболо-гиперболического типа. // "Узбекский математический журнал". 2011. № 2. С. 75-85.
4. Dzhamalov S.Z., Ashurov R.R. On a nonlocal boundary-value problem for second kind second-order mixed type loaded equation in a rectangle // "Uzbek Mathematical Journal". 2018. №3. pp. 63-72.
5. Салахитдинов М.С. Уравнения смешанного - составного типа. Т. Фан.1974. 156 с.

#### ҲАРБИЙ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА ФИЗИКАНИ ИХТИСОСЛИК ФАНЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШ АСОСИДА ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Ш.Ч.Мисиров – профессор, М.Исраилов - доцент.  
Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари академияси

*Аннотация:* Ушбу мақолада олий ҳарбий мутахассислар тайёрлаш жараёнида физика ўқитишни касбий йўналтирилганлиги асосида амалга оширишнинг дидактик

имкониятлари ва таълим самарадорлигини таъминлашдаги ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

**Калим сўзлари:** физика ўқитиш жараёни, касбий йўналтирилган таълим, таълим мазмуни, шакл ва методлари, фанлараро боғланиш, билимларнинг узвийлиги.

**Аннотация:** В статье освещены дидактические возможности реализации обучения физике на основе профессиональной направленности при подготовке высших военных специалистов и особенности обеспечения эффективности обучения.

**Ключевые слова:** процесс обучения физике, профориентационное обучение, содержание, формы и методы обучения, междисциплинарные связи, согласованность знаний.

**Abstract:** The article highlights the didactic possibilities of realizing physics training based on a professional orientation in the training of higher military specialists and the features of ensuring the effectiveness of training.

**Key words:** the process of teaching physics, vocational training, content, forms and methods of teaching, interdisciplinary connections, consistency of knowledge.

Бугунги кунда таълим муассасаларида физика фанини ўқитиш сифатини ошириш, таълим жараёнига замонавий ўқитиш услубларини жорий қилиш, иқтидорли ўқувчиларни саралаш, меҳнат бозорига рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, илмий тадқиқот ва инновацияларни ривожлантириш ҳамда амалий натижадорликка йўналтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, соҳада ечимини топмаган қатор масалалар физика соҳасидаги таълим сифати ва илмий тадқиқот самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда. Жумладан:

- биринчидан, ёшларнинг физика фанига қизиқишларини кучайтиришга етарли эътибор берилмаяпти, таълим дастурлари ўқувчиларда мустақил, креатив фикрлашни шакллантиришга ва ривожлантиришга қаратилмаган, таълим сифатини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар замон талабларига жавоб бермайди;

иккинчидан, таълим жараёнини ташкил этишда умумий ўрта ва олий таълим дастурларининг узвийлиги таъминланмаган[1].

Барча фанларнинг ва илмий дунёқарашни шакллантириш асоси сифатида физика фанининг олий маълумотли ҳарбий мутахассисларни тайёрлашдаги аҳамияти бекиёсдир. Аммо, таълим берувчилар томонидан физик қонуниятлар, қоидалар ва ҳодисаларнинг касбий билимлар билан боғланишига етарлича эътибор қаратилмаслиги таълим самарадорлигини оширишдаги асосий муаммолардан биридир. Бу эса, олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда физика фанини ўқитишнинг мазмуни, методлари, восита ва шакллари мукаммаллаштиришга ҳамда курсантларнинг чуқур билим, амалий кўникма ва малакаларини ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Фанларни ўқитишда уларнинг ўзаро узвийлиги билим олиш самарадорлигини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, олий маълумотли ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда физика ва касбий фанларни ўқитишда уларнинг ўзаро алоқадорлигига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки олий таълимнинг асосини касбий таълим ташкил этади. Шу сабабдан мутахассисларни тайёрлашда, хусусан олий маълумотли ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда, фанлараро узвийликни таъминлаш замонавий педагогика олдида турган асосий масалалардан биридир. Мутахассисни тайёрлашга қўйиладиган малака талабларида таълимнинг мақсад ва вазифаларининг мураккаблашуви билим олувчиларнинг физика фани бўйича тайёргарлигини фанлараро боғланиш асосида амалга оширишнинг шакл ва

методларини, физика таълимининг касбий фанлар билан ўзаро боғланишини ва изчиллигини кучайтирган ҳолда мукаммаллаштириш заруриятини тақозо этади[2].

Курсантларнинг чуқур билим олишлари ва илмий дуюқарашини шакллантиришга таъсир этувчи бу жиддий омилдан фойдаланиш, таълим муассасасининг нафақат моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълимнинг ташкилий методлари ва воситаларини жалб этиш, балки етарли даражада фанлараро боғланишни ўзида акс эттирган физик адабиётларнинг етарлилиги, фан-техника тараққиёти ва тўла компьютерлаштирилган шароитларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминлайдиган физик маданият ҳамда билимни шакллантиришни таъминлайдиган профессор-ўқитувчларга ҳам боғлиқдир.

Барча соҳалардаги олий таълим муассаларида берилётган физика таълимининг асосий камчилиги физик тушунчалар, уларни баён этиш усуллари ва мазмунининг касбий билимлар билан ўзаро боғланишининг таъминланмаётганлигидир. Касбий билимлар билан ўзаро боғланмаган, физикадан олинган алоҳида билимлар курсантларнинг билимларини чуқурлаштириш, касбий кўникма ва малакаларини шакллантириш, ҳамда ривожлантиришни таъминлай олмайди[3].

Бу муаммоларни бартараф этиш учун физика фанини ўқитиш жараёнида фанлараро боғланишга қўйиладиган дидактик талаблардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда дарсларни фанлараро боғланиш асосида ўқитишга қўйиладиган дидактик талаблар қуйидагилардан иборат:

-янги мавзунини ўзлаштириш жараёнида ихтисосликка оид бўлган физик билимларни бериш;

-ўрганилаётган мавзуда касбий мазмундаги ўқув материалларини қўллаш орқали курсантларнинг билиш фаолиятлари самарадорлигини таъминлаш;

-турли ҳодисаларнинг моҳиятини, сабаб-оқибат боғланишларини тушунтиришда касбий фанлар билан боғланишдан фойдаланиш;

-барча шакллардаги дарслардан фойдаланган ҳолда фанлараро боғланиш асосида ўрганилган ўқув материаллари умумлаштирилиши лозим;

-ўқувматериаллари касбий фанлардаги билимлар билан боғланганхулосалардан ташкил топиши лозим;

Yukoqimlari  $x_t (t = 1 : \nu)$ , tushirish va o'tirish punktlari o'rtasidagi yuksiz yurish yo'llarini matritsasi  $\|c'_{ji}\|$  harakatlanuvchi sostav parkining joylashish punktlari  $D_k (k = 1 : P)$  va har bir korxonada ekspluatatsiya qilinadigan avtomobillar soni  $A_k$  (agar  $D_k$  korxonada  $R$  tipdagi harakatlanuvchi tarkib bo'lsa, ular shartli ravishda shunday  $R$  punktlarga bo'linadiki, har bir punkt da faqat yagona tip bo'ladi), har bir  $d_k$  korxonadan  $A_i$  o'tirish punktlariga chavva  $B_j$  tushirish punktlaridan korxonaga chavva matritsalarini  $\|c_{ki}\|$  va  $\|c_{jk}\|$  berilgan.

Marshrut bir-biri bilan bog'langan o'tirish – tushirish punktlariga ketma-ketligi bo'lib, buket ma-ketlik ma'lum korxonadan boshlanib shu korxonadan tugash kerak. Marshrutlashtirish masalasining matematik modeli quyidagicha ifodalanadi.

SHunday musbat  $y_s$  larni topish kerakki,

$$y_s \geq 0 \quad (S \in N) \quad (1)$$

bunda vasamaradorlik funksiyasi  $\sum_{S \in N} C_s y_s$  eng kichiginib o'lish ilozim:

$$\sum_{S \in N} C_s y_s \rightarrow \min \quad (2)$$

Va quyidagi shartlar bajarilishi kerak: Berilgan yuk oqimlari bajarilishi

$$\sum_{S \in N} \alpha_{ts} y_s = x_t; \quad (t = 1 : \nu) \quad (3)$$

Har bir  $k$  korxonadan  $S$  marshrutda ishlatiladigan avtomobillar sonlari  $(d_{ks})$  yig'indisi shu korxonadan chiqarilayotgan ekspluatatsion parkdan  $(A_k)$  katta emas, ya'ni

$$\sum_{s \in S_{ks}} d_{ks} y_s \leq A_k, \quad k = 1 : P \quad (4)$$

bu erda

$S_{dk} - D_k$  punktidan boshlanish imkon bo'lgan marshrutlar to'plami;  $d_{ks} - k$  korxonadan  $S$  marshrutdan foydalanilayotgan bitta avtomobilni ish unumdorligi koeffitsienti.

Yuqorida ko'rib chiqilgan masalalarda punktlararo yuk oqimlari berilgan deb hisoblanadi. Odatda, bu kattalikni yukoqimlarini optimallashtirish masalasini echi topiladi. Shuni ta'kidlash

lozimki, yagona bir model miqyosida echish mumkin bo'lgan masalani bir necha masalaga bo'lib echganda umumiy optimum topilganiga kafolatberibbo'lmaydi. Yukoqimlarini optimallashtirishvamarshrutlartuzishmasalalarinibirmodelko'rinishidaifodalashmumkin.

Masalani bu tarzda qo'yilishini biz kompleks marshrutlashtirish deymiz.

Kompleksmarshrutlashtirishmasalasiniko'raylik.

$I$  jo'natishva  $J$  qabulqilishpunktlarito'plamihamdayukjo'natish ( $\alpha_i$ ) vaqabulqilish ( $\beta_j$ ) hajmlariberilgan. Yuktashish  $d_k$  –manzillarda joylashgan avtotran sport korxonalaritomonidan amalga oshiriladi. Harbir  $d_k$  manzildagi korxonani harakatlanuvchi sostav soni  $A_{dk}$  berilgan.  $I$  jo'natishva  $J$  qabul qilish manzillari to'plamlarida  $I_s$  va  $J_s$  to'plamchalar, ya'ni  $S$  marshrutga kiritilgan jo'natish va qabul qilish manzillar to'plamlari ajratilgan.

Bundan tashqari engqisqamasofalarmatritsalariberilgan:

$$\|C_{ij}\| - i \text{ va } j \text{ punktlariorasidagi yukliyo'llarmatritsasi};$$

$$\|C_{ij}\| - j \text{ va } i \text{ punktlariorasidagi yuksizyo'llarmatritsasi};$$

$\|C_{ij}\| - j$  va  $d_k$  hamda  $\|C_{ij}\| - d_k$  va  $i$  punktlariorasidagi birinchi va ikkinchi ta'minlovchi yo'llar matritsalarini.

Kompleks marshrutlashtirish masalasining matematik modeli quyidagichaifodalanadi.

$S$  marshrutda ishlayotgan avtomobillar sonini shunday  $y_s$  musbat qiymatlarni topishkerakki, ya'ni

$$y_s \geq 0 \quad s \in N \quad (5)$$

Unda quyidagi shartlar bajarilsin:

$$\sum_{s \in S_{dk}} y_s \leq A_{dk}, \quad (k=1:P) \quad (6)$$

Marshrutlarda har bir  $d_k$  korxonadantegishli  $S$  marshrutda ishlatiladigan avtomobillar soni shukorxona ekspluatatsion parki ( $A_k$ ) dankattabo'lmasligilozim (buerda  $S_{dk} - d_k$  korxonaxizmatko'rsatishimumkinbo'lganmarshrutlarto'plami);

$$\sum_{s \in S} d_{is} y_s \leq \alpha_i, \quad (i=1:m) \quad (7)$$

harbir  $i$  punktdan tashiladigan yuk hajmi shu punktdan yuboriladiganyukmiqoridan kattabo'lmasligikerak (buerda  $S_i - i$  punktdano'tadiganmarshrutlarto'plami);

$$\sum_{s \in S_i} d_{js} y_s = \beta_j, \quad (j=1:n) \quad (8)$$

harbiroluvchigakeragichayukmiqdoritashilishilozim (buerda  $S_j - j$  manzildano'tadiganmarshrutlarto'plami);

$$\sum_{s \in S} \sum_{i \in I_s} \sum_{j \in J_s} I_s (C'_s + C_{jk} + C_{ki}) \rightarrow MIN \quad (9)$$

Xulosa qilibaytganda avtomobilni marshrut bo'ylab harakatlanish jarayonini real yo'lsharoiti va uning konstruktiv-texnik imkoniyatlari, haydovchiniruhiy-fiziologik qobiliyatini hisobga olgan holda modellashtirish amaliy va ilmiy-uslubiy ahamiyatga ega bo'lgan dolzarb, ammomurakkabmasaladir.

Masalaning murakkabligi shundaki, harakatlanishjarayoninirealvaqt vafazodashakllanishi turli-tuman yo'nalishdagi ko'plab faktorlarga bog'liq bo'lib, ularning barchasini birgalikdagi

ta'siri ostida harakat ko'rsatkichlarini to'laqonliva detallashtirilganholda modellashtirishni hozirgacha imkonibo'lmayapti. Shu tufayli hambu sohadagiolimlarningilmiytadqiqotishlari mazkur masala echimini jarayonni ayrim xususiy hollariuchun vako'plab boshqa ta'sir etuvchi faktorlarni hisobga olmagan holda asoslashga bag'ishlangandir. Bu yo'nalishdagi tadqiqotlar eksperiment tarzida o'tkazilgan tajribalar yoki turli sharoitlarda kechayotgan real harakatlanish jarayonlari va parametrlarini xronometraj va statistikuzatishlar ko'rinishidagi tahlillarga asoslanmoqda.

Xulosa qilib aytganda bitta jo'natuvchi yoki qabul qiluvchi yoki jo'natuvchi va qabul qiluvchi tashish manzillariga turli transport vositalarini qisman, ya'ni ma'lum guruhlar ichida o'zaro almashtirish sharoitida tashish xizmati ko'rsatiladi.

#### **Adabiyot**

1. Butaev SH.A., Madaminov Yu.I. Sovershenstvovanie metodov upravleniya protsessami avtomobilnykh perevozok грузов. Toshkent:Fan, 1988.-150 s.
2. Modeli i metody teorii logistiki: Uchebnoe posobie. 2-e izd./Podred. Lukinskogo V.S. SPb: Piter. 2007. -448 s.
3. Raxmatullaev M. Qosimov S.X. Yuk oqimini logistik kuzatuv va komplekslarini mahalliyashtirish omillari. Ilmiy-tex. jur. 23 (8) 52.
4. Raxmatullaev M. Qosimov S.X.Современные инновации и технологии организации перевозки. Ilmiy – teknikjurnal 23 (9) 167.

### **ТРАНСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШДА ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИК ОҚИМЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**

**З.С. Ахмедов - ассистент, Р.У. Элмуродов - магистрант.  
Жиззах политехника институти**

***Аннотация.**Маърузада республикамизда автотранспорт хизматларини ривожлантириши ва такмоллаштиришининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Транспорт-логистик оқимларнинг ўзаро боғлиқлигини белгиланйдиган моддий оқимлар ва захиралар айланмаси ёритиб берилган.*

***Калим сўзлар:**автотранспорт хизматлари, автомобиль саноати, логистика тизими, моддий оқимлар, омборлар, хомашё, ярим тайёр ва тайёр махсулотлар, захиралар.*

***Аннотация.**В докладе изучены особенности развития и совершенствования автотранспортного обслуживания в нашей республике. Выделены материальные потоки и оборачиваемость запасов, определяющие взаимосвязь транспортно-логистических потоков.*

***Ключевые слова:** автотранспортное обслуживание, автомобильная промышленность, логистическая система, материальные потоки, склады, сырье, полуфабрикаты и готовые изделия, запасы.*

***Abstract.** The article gives information about the features of the development and increasing of the road transport services in the country. The turnover of material flows and reserves, which determines the interdependence of transport and logistics flows, is highlighted.*

***Keywords:** autotransport services, automobile industry, logistics system, material flows, warehouses, raw materials, semi-finished products and finished products, reserves.*

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишида, рақобатдош махсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва

экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш транспорт логистикаси, логистика марказлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек “Бу йил экспортёрларга кафиллик берадиган ва харажатларнинг бир қисмини қоплайдиган – Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш учун – Экспорт-кредит агентлиги ташкил этилади. Шунингдек, экспорт қилишда замонавий суғурта хизматлари йўлга қўйилади, автомобиль ва ҳаво транспорти харажатларини қисман давлат томонидан қоплаб бериш механизми жорий қилинади.[1,2020 йил. Lex.uz.]

Шу ўринда транспорт логистикасини ташкил қилинишига эътибор қаратиш лозим, бу бошқариш ва уни тадқиқ қилишнинг объекти моддий, ахборот, молиявий ва хизмат кўрсатиш ва бошқа оқимлар ҳисобланади. Оқим ўзида вақт бирлиги ичида ва аниқ давр учун абсолют бирлик бўлиб ўлчанувчи жараён сифатида бир бутун деб қабул қилинувчи объектлар ҳисобланади ва унинг даражаси қуйидагича фарқланади (1-расм).

Одатда оқимларнинг турлинишини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар қуйидагилар ҳисобланади: бошланғич ва охириги пункт, ҳаракат траекторичси, йўл узунлиги, ҳаракат вақти, тезлик, оралиқ пунктлар, жадаллик, интерваллар ва бошқалар.



туғилмоқда. Натижада ҳозирги вақтда логистика корхоналар чегарасидан ташқарига чиқиб, бир бутун яхлит тизим сифатида интеграциялашган логистикани вужудга келтирди.

Л.Б.Миротин ва А.Н.Родниковларнинг фикрича “Замонавий транспорт - логистик хизматлар инфратузилма билан боғлиқ бўлиб, моддий ва ахборот оқимларини биринчи манбадан якуний истеъмолчигача масофа ва вақтдаги ҳаракатини режалаштириш, замонавий транспорт таркибини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш ва тартибга солишдир”. [2,55-56 с..]

Мазкур фикрни давом эттирган Р.Г.Саматов таъкидлашича “Логистика – тизимдаги моддий ва улар билан боғлиқ бўлган ахборот, молиявий ва сервис оқимларини, уларнинг шаклланиш жойидан тасарруф қилинадиган жойигача бўлган ҳаракатини, тизим мақсадларига эришиш ва ресурсларни оптималлаштириш тўғрисидаги илм-фан соҳаси бўлиб, логистикани қўллаш:

- захиралар даражасини 30-50 фоизга камайтириш;
- маҳсулотларнинг ҳаракатланиш вақтини 25-45 фоизга қисқартириш;
- автомобилларда юкларни ташиш харажатларини 20 фоизгача қисқартириш имконини беради”. [3,12 б.]

Шу ўринда моддий оқимларга эътибор қаратсак, бу оқимлар транспортировкалаш, омборлаштириш, хомашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар билан ишлаб чиқарувчидан то истеъмолчиларгача бўлган операциялар орқали юзага келади. Моддий оқимлар турлича бўлиб, улар корхонинг ичидан ёки корхоналар орасидан ўтиши мумкин.

Моддий оқим (material flow) - юк, детал, товар - моддий бойликлар ва ҳоказо, уларга илова қилиш жараёнида кўриб чиқиладиган ҳар хил логистик операциялар (ташиш, омборга жойлаштириш ва бошқалар) ёки вақтинча ораликка ( $f_n$ ,  $f_{n+1}$ ) киритилганлар. Моддий оқим «ҳажми (миқдор, масса) ва вақт» ўлчамларига эга. Унинг мавжуд бўлиш шакли транспортда ташилган юклар ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Транспорт логистикасида моддий оқимни бошқариш тизими остида барқарор алоқа мослашувининг қуйидаги йўналишларини фарқлаш мумкин:

- биринчиси - турли хил иқтисодий механизмлар ривожланиши ҳисобига турли функционал бўлимлар ўртасида ўзаро таъсирни тезлаштириш;
- иккинчиси - корпорациялар таркибида ташкилий ўзгаришлар орқали коорпорация зарурий даражасининг ривожланиши.

Бизнинг фикримизча, транспорт логистика хизматларининг ўзига хос экспорт-импорт юкларини ташувчи транспорт мажмуалар, омборлар, ва озиқ-овқат маҳсулотларини совуткичларда сақловчи терминаллар ишлашини технологик жиҳатдан такомиллаштириш, мазкур соҳага хизмат кўрсатувчи кичик бизнес субъектлари сонини кўпайтириш тармоқнинг жадал ривожланишига хизмат қилади.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил. Lex.uz.
2. Уваров А. Логистика. – СПб.: Пенза, 2010. 55-56 с..
3. Саматов Р.Г. Логистик тамойиллар асосида автомобиль транспорти хизматлари сифатини баҳолаш услуги. Т.ф.н.илмий даражасини олиш учун дисертация автореферати. Т.-2019 й., - 12 б.
4. Қосимов, С. (2021). Таълим соҳасида электрон таълим тренажёрларидан фойдаланиш муаммолари ва сабаблари. academic research in educational sciences, 2(2).

### **СЕЯЛКА ПУШТАОЛГИЧИ ТЕКИСЛАГИЧИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ**

**А. Тўхтақўзиев\*, А.А.Ибрагимов\*\*, Н.М. Хамидов\*\*\***

**\*Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти  
Лаборатория раҳбари, техника фанлари доктори, профессор,**

**\*\*Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти**  
**Илмий котиби, техника фанлари доктори катта илмий ходим,**  
**\*\*\*Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалитаянч докторанти.**

*Аннотация: Ушбу мақолада бир йўла пушта олиб, майда уруғли сабзавот экинлари уруғларини экадиган сеялка пуштаолгичи текислагичининг параметрларини асослаш бўйича ўтказилган назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.*

Таянч сўзлар: пушта, сабзавот, сеялка, пуштаолгичи текислагичи, параметрлари, назарий тадқиқот, ўрнатилиш бурчаги, қамраш кенглиги, ўрнатилиш баландлиги.

Аннотация: В данной статье приведены сеялки для сева мелкосеменных овощных культур с одновременной нарезкой поливных борозд, а также результаты теоретических исследований по обоснованию параметров выравнителя ее гребнеделателя.

*Ключевые слова: гребня, овощ, сеялка, выравнителя ее гребнеделателя, параметров, теоретических исследований, угол установки, ширина захвата, высота установки.*


Annotation: This article describes the seeder for sowing small-seeded vegetable crops with simultaneous cutting of irrigation furrows, as well as the results of theoretical studies to substantiate the parameters of the leveler of its ridge shaper.

Key words: crest, vegetable, seeder, the leveler of its ridge shaper, parameters, theoretical studies, angle of its installation, working width, installation height.

1-расмда пуштаолгич ва унга ўрнатилган текислагичларнинг олдидан ва тепасидан кўринишлари ҳамда асосий параметрлари келтирилган.

Текислагичлар пуштаолгичнинг қанотларига маҳкамланган ва уларнинг ҳолати тик йўналишда поғонасиз ўзгартириш имкониятига эга. Қуйидагилар текислагичларнинг сифат ва энергетик кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ҳисобланади:

- текислагич ишчи сиртининг шакли;
- текислагичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $\beta$ ;
- текислагичнинг ўрнатилиш баландлиги  $h_y$ .
- текислагичнинг баландлиги  $h_T$ ;
- текислагичнинг қамраш кенглиги  $b_T$ ;



1-пуштаолгич; 2-текислагич


а) олдидан кўриниши; б) юқоридан кўриниши

1-расм. Пуштаолгичте текислагичнинг асосий параметрлари

**Текислагич ишчи сиртининг шаклини** у билан тупроқ бўлақларининг ўзаро таъсирлашиш вақти минимал бўлишлиги шартидан келиб чиқиб асослаймиз. Чунки бунда, биринчидан, тупроқни унинг ишчи сиртига ёпишиши ва олдида уюлиб қолишининг олди олинади, иккинчидан эса технологик жараён минимал энергия сарфланган ҳолда бажарилади.

Кўйилган масалани ечиш учун ишчи сирти ихтиёрий эгри чизик кўринишида бўлган (2-расм) текислагич таъсири остида тупроқ бўлақларининг  $XOY$  координата системасида (бунда  $OX$  ўқи агрегат ҳаракат йўналиши бўйлаб,  $OY$  ўқи эса унга перпендикуляр йўналган) жойлашган горизонтал текисликдаги ҳаракатини кўриб чиқамиз.

Бу текисликда тупроқ бўлақлари уларга таъсир этувчи нормал  $N$  ва ишқаланиш  $F$  кучларининг таъсири остида ҳаракат йўналиши бўйлаб  $V$  (бунда  $V$  – пуштаолгичнинг илгарилама ҳаракатдаги тезлиги) тезлик билан илгарланма (кўчирма) ва текислагичнинг ишчи сирти бўйлаб  $V_n$  тезлик билан нисбий сирпанма ҳаракатда бўлади. Бунда тупроқ бўлақларининг абсолют тезлиги  $V_a$  кўчирма ва нисбий тезликларнинг геометрик йиғиндисига тенг ҳамда  $N$  ва  $F$  кучларнинг тенг таъсир этувчиси бўлган  $R_n$  кучи бўйлаб йўналган бўлади



2-расм. Текислагич ишчи сирти шаклини асослашга доир схема

2-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб, нисбий тезлик  $V_n$  ни  $V$  тезлик орқали ифодалаймиз ҳамда тупроқ  $M$  бўлагининг текислагич ишчи сирти бўйлаб  $A(X_1, Y_1)$  нуқтадан  $B(X_2, Y_2)$  нуқтагача сирпаниш вақти  $t$  ни аниқлаймиз [1]

$$V_n = V \frac{\cos(\eta + \varphi_1)}{\cos \varphi_1} = V(\cos \eta - \sin \eta \operatorname{tg} \varphi_1); \quad (1)$$

$$t = \int_{X_1}^0 \frac{\sqrt{dx^2 + dy^2}}{V_n} = \int_{X_1}^0 \frac{\sqrt{1 + (y')^2}}{V(\cos \eta - \sin \eta \operatorname{tg} \varphi_1)} dx, \quad (2)$$

бунда  $\eta$  – текислагич ишчи сиртининг тупроқ билан учрашиб турган  $M$  нуқтасига ўтказилган уринма ва  $OX$  координата ўқи орасидаги бурчак, градус;

$\varphi_1$  – тупроқнинг ташқи (текислагич ишчи сиртига) ишқаланиш бурчаги, градус.

Олий математика курсидан маълумки [2]

$$\sin \eta = \frac{dy}{\sqrt{dx^2 + dy^2}} = \frac{y'}{\sqrt{1+(y')^2}}; \quad (3)$$

ва

$$\cos \eta = \frac{dx}{\sqrt{dx^2 + dy^2}} = \frac{1}{\sqrt{1+(y')^2}}. \quad (4)$$

Бу ифодаларни ҳисобга олиб (2) ифодани қуйидаги кўринишга келтирамиз

$$t = \frac{1}{V} \int_{x_1}^0 \frac{1+(y')^2}{1-y'tg\varphi_1} dx. \quad (5)$$

Бу ифодани экстремумга тадқиқ этиб [3].  $t$  минимал қийматга эга бўлиши учун пуштаолгичнинг текислагичи ясси ишчи сиртга эга бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Демак, пуштаолгичнинг текислагичи билан тупроқ бўлақларининг ўзаро таъсирлашиш вақти минимал бўлиши ва технологик жараёни минимал энергия сарфлаган ҳолда бажарилиши учун пуштаолгич текислагичининг ишчи сирти ясси юза кўринишида бўлиши лозим.

**Текислагичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини аниқлаш.** Иш жараёнида ясси ишчи сиртли текислагич I ҳолатдан II ҳолатга кўчган ва унинг  $A$  нуқтаси билан учрашган тупроқ бўлаги  $V_a$  тезлик билан ҳаракатланиб,  $B_1$  нуқтада ундан тушган бўлсин (3-расм). Бунда тупроқ бўлагини текислагич ишчи сирти бўйлаб сирпаниш вақти қуйидагига тенг бўлади

$$t = \frac{l_T}{V_H}, \quad (6)$$


бунда  $l_T$  – текислагичнинг узунлиги, м.

(1) ифодага мувофиқ ясси сиртли текислагич учун

$$V_H = V \frac{\cos(\beta + \varphi_1)}{\cos \varphi_1} \quad (7)$$

ва

$$l_T = \frac{b_T}{\sin \beta}. \quad (8)$$





3-расм. Тупроқ бўлагини ясси сиртли текислагич бўйлаб сирпаниш вақтини аниқлашга доир схема

(7) ва (8) ифодаларни ҳисобга олган ҳолда (6) ифода куйидаги кўринишга эга бўлади

$$t = \frac{b_T \cos \varphi_1}{V \cos (\beta + \varphi_1) \sin \beta}. \quad (9)$$

Текислагичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагининг  $t$  минимал бўлишини таъминловчи қийматини аниқлаш учун (9) ифодани  $\beta$  бўйича экстремумга тадқиқ этамиз. Бунинг учун (9) ифодадан  $\beta$  бўйича биринчи даражали ҳосила олиб, уни нолга тенглаймиз

$$\frac{dt}{d\beta} = - \frac{b_T V \cos \varphi_1 [\cos (\beta + \varphi_1) \cos \beta - \sin (\beta + \varphi_1) \sin \beta]}{[V \cos (\beta + \varphi_1) \sin \beta]^2} = 0. \quad (10)$$

бундан

$$\cos (2\beta + \varphi_1) = 0. \quad (11)$$

эканлиги келиб чиқади.

(11) ифодани  $\beta$  га нисбатан ечиб, куйидагига эга бўламиз

$$\beta = \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_1}{2}. \quad (12)$$

Бу ифодага  $\varphi_1$  ни адабиётлардан [4] маълум бўлган қийматларини (30-34°) қўйиб, текислагич ҳаракат йўналишига нисбатан 28-30° бурчак остида ўрнатилиши лозим эканлигини аниқлаймиз.

**Текислагичнинг ўрнатилиш баландлиги ( $h_y$ ) ни куйидаги шартдан аниқлаймиз**

$$h_y = h_{yp}, \quad (13)$$

бунда  $h_{yp}$  - пуштанинг ўртача баландлиги, м.

Агротехник талаб бўйича пуштанинг баландлиги 10-15 см оралиғида бўлиши лозим. Демак, текислагичлар пуштаолгичнинг тумшуғига нисбатан 10-15 см баландликда ростланадиган этиб ўрнатилиши лозим.

**Пуштаолгич текислагичнинг қамраш кенглигини куйидаги шартдан келиб чиқиб аниқлаймиз**

$$b_T = 0,5b - h_{yp} \operatorname{tg} \delta, \quad (14)$$

бунда  $\delta$  – бўйлама-тик текисликда пуштаолгич қанотлари очилиш бурчагининг ярми, градус;

$b$  – пушта эгатлари орасидаги масофа, м.

$b = 70$  см,  $h_{yp} = 10-15$  см ва  $\delta = 50^\circ$  қабул қилиниб, (14) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар пуштаолгич текислагичининг қамров кенглиги  $b_b = 17,12-23,08$  см оралиғида бўлиши лозимлигини кўрсатди.

**Текислагичнинг баландлиги**  $h_T$  иш жараёнида унинг олдида уюладиган тупроқ унинг тепа қиррасидан ошиб кетмаслиги шартидан аниқланди. Бунинг учун қуйидаги шарт бажарилиши керак

$$W \leq W_{uu}, \quad (15)$$

$W$  – текислагич олдида уюладиган тупроқ ҳажми,  $m^3$ ;


$W_{uu}$  – текислагични олдида жойлаштириш мумкин бўлган тупроқ ҳажми,  $m^3$ .

3 ва 4-расмларда келтирилган схемаларга асосан

$$W = \frac{b_T^2}{2} [ctg \beta + tg (\beta + \varphi_1)] (H_n - h_c), \quad (16)$$

ва

$$W_{uu} = \frac{b_T h_T^2}{2 \sin \beta} ctg \mu, \quad (17)$$



4-расм. Текислагич баландлигини аниқлашга доир схема

бунда  $H_n$  – пуштаолгич олдида уюладиган тупроқнинг баландлиги, м.

$\mu$  – текислагичларнинг олдида уюлган тупроқнинг горизонтга қиялик бурчаги, градус.

(15) ифодада  $W$  ва  $W_{uu}$  нинг (16) ва (17) бўйича қийматларини қўйиш орқали қуйидагига эга бўламиз

$$h_T \geq \sqrt{b_T [ctg \beta + tg (\beta + \varphi_1)] (H_n - h_c) \sin \beta tg \mu}. \quad (18)$$

$b_T = 20$  см,  $\beta = 30^\circ$ ,  $\varphi_1 = 30-34^\circ$ ,  $H_n = 18,5$  см,  $h_c = 15$  см ва  $\mu = 30^\circ$  қабул қилиб, (18)

ифода бўйича  $h_T = 8,7$  см бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Демак, пуштаннинг тепа қисмини кам энергия сарфлаган ҳолда сифатли текислаш учун пуштаолгич текислагичининг ишчи сирти ясси кўринишга эга бўлиши, ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $28-30^\circ$  оралиғида, ўрнатилиш баландлиги  $10-15$  см оралиғида ростланадиган, қамраш кенглиги  $17,1-23,1$  см оралиғида, баландлиги камида  $8,7$  см бўлиши лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Рашидов Т.Р., Шозиётов Ш., Мўминов Қ.Б. Назарий механика асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 584 б.

2. Бронштейн И.Н., Семендяев К.А. Справочник по высшей математике. – Москва: Наука, 1981. – 720 с.

3. Корн Г., Корн Т. Справочник по математике. – Москва: Наука, 1973. – 832 с.

4. Сергиенко В.А. Технологические основы механизации обработки почвы в междурядьях хлопчатника. –Ташкент: Фан, 1978. – 112 б.

5. Тўхтақўзиев А. Ибрагимов А. Комбинациялашган агрегат бир томонлама пичоғининг тупроқ сурувчи пластинаси параметрларини назарий асослаш // Фарғона политехника институтининг илмий-техника журнали. – Фарғона, 2017. – №3. – Б.40-44.

## ЭКИШГА ТАЙЁРЛАНГАН ДАЛА ТУПРОҒИНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

**А.Э.Эшдавлатов - Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти таянч докторант,**

**Н.М.Хамидов - Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали таянч докторант.**

***Аннотация:** Ушбу мақолада Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигида сабзавот экинлари уруғларини экишга тайёрланган дала тупроғининг физик-механик хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.*

Таянч сўзлар: тупроқнинг физик-механик хоссалари, тупроқнинг табиий қиялик бурчаги, ишчи орган, конструкция, омиллар, сабзавот, уруғ экиш, тупроқ қатламлари, агротехник талаблар.

Аннотация: В данной статье приведены результаты исследования, физико-механические свойства почвы для посева семян овощных культур, в подготовленном экспериментальном поле научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства.

Ключевые слова: физико-механические свойства почвы, угол естественного откоса почвы, рабочий орган, конструкция, факторы, овощ, посев семян, слой почвы, агротехнические требования.

Annotation: This article presents the results of research on the study of physical and mechanical properties of field soil prepared for sowing seeds of vegetable crops in the experimental farm of the Research Institute of Agricultural Mechanization.

Key words: physical and mechanical properties of soil, angle of repose, working body, design, factors, vegetable, sowing seeds, soil layer, agrotechnical requirements.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда ва бунда янги ва интенсив технологияларни жорий этишни таъминлайдиган техника воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ушбу масалалар бўйича тадқиқотлар олиб боришда ва ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилиб келинаётган мавжуд техника воситаларини такомиллаштириш учун ишлов бериладиган дала тупроғининг физик-механик хоссаларини ўрганиш ҳамда мавжуд асбоб-ускуналар ёрдамида тўғри ва сифатли тадқиқотлар олиб бориш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тупроқнинг физик-механик хоссалари (намлиги, қаттиқлиги ва зичлиги) қишлоқ хўжалиги машиналарининг ишчи органлари конструкциясини ишлаб чиқишда, уларнинг тури ва параметрларини асослашда белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади [1,2].

Бу кўрсаткичларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ҚХМИТИ тажриба хўжалигининг бўз тупроқли майдонларида эрта баҳорда сабзавот уруғини экиш даврида ГОСТ 20915-2011 асосида ўтказилди [3].

Тупроқнинг намлигини аниқлашда, 0-5, 5-10, 10-15 ва 15-20 см қатламдан бур ёрдамида намуналар олинди. Олинган намуналар яхшилаб аралаштирилиб, улардан 30-40 г тупроқ махсус алюминий стакан(бюкс)ларга солинди ва қопқоқ билан маҳкамлаб ёпилди. Тупроқ билан тўлдирилган бюкслар массаси  $\pm 0,01$ гр аниқликда ўлчайдиган МН-390 русумли электрон тарозида ўлчанди ҳамда рақамланган бюксларнинг массалари дала дафтарига ёзилди. Массаси ўлчанган бюксларнинг қопқоғи очиқ ҳолда,  $105^{\circ}\text{C}$  иссиқликни таъминлайдиган термостатли махсус печкада 8 соат қуритилди. Қуритилган тупроқ намуналари солинган бюкслар совитилди ёпиқ ҳолда ва яна тарозида ўлчанди. Олинган натижалар асосида қуйидаги формулада тупроқ намлиги ( $W_a$ ) фоизда аниқланади [2]

$$W_a = \frac{100(m_1 - m_2)}{m_2}, \% \quad (1)$$

бунда  $m_1, m_2$  – мос равишда нам ва қуруқ тупроқ массалари.

Тупроқнинг зичлигини аниқлашда ҳам  $601,4 \text{ см}^3$  га тенг бўлган кесувчи цилиндр ёрдамида 0-5, 5-10, 10-15 ва 15-20 см тупроқ қатламларидан намуналар олинди ва цилиндрдаги қуруқ тупроқ массасини унинг ҳажмига нисбати бўйича тупроқ зичлиги аниқланди

$$\rho = \frac{b}{V}, \quad (2)$$

бунда  $b$  – қуруқ тупроқнинг абсолют массаси, г;

$V$  – намуна олинган цилиндр ҳажми,  $\text{см}^3$ .

Тупроқнинг қаттиқлигини аниқлашда ВИСХОМда ишлаб чиқарилган қаттиқлик ўлчагичда тупроқнинг 0-5, 5-10, 10-15 ва 15-20 см қатламларидаги қаттиқликлари аниқланди.

Тажрибадан олдин қаттиқлик ўлчагич тарировка қилинди ва тарировка лаш коэффициентлари аниқланди.

Тупроққа қаттиқлигини ўлчаши асосининг диаметри 11,3 мм ва ўткирланиш бурчаги  $22^{\circ}30'$ , бўлган конуссимон учликдан фойдаланилади.

Тупроқ қаттиқлиги ( $P$ ) қуйидаги формула бўйича аниқланди

$$P = \frac{H_{cp} q}{S}, \quad (3)$$

бунда  $H_{cp}$  – қаттиқлик диаграмма ординатасининг ўртача қиймати, см;

$q$  – пружина бикрлиги, Н/см;

$S$  – учлик юзасининг майдони,  $\text{см}^2$ .

Ўртача ордината диаграммаси планиметр билан ҳисоблаш қуйидаги формулада аниқланди

$$H_{cp} = \frac{F}{L}, \quad (4)$$

бунда  $F$  – диаграмма майдони,  $\text{см}^2$  (планиметр ёрдамида аниқланди);

$L$  – диаграмма узунлиги, см.

Тажрибалардан олинган натижалар бўйича тупроқнинг намлиги, қаттиқлиги ва зичлиги қийматлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тупроқ намлиги, зичлиги ва қаттиқлиги

Тупроқ қатлами, см	Намлиги, %	Зичлиги, г/см <sup>3</sup>	Қаттиқлиги, МПа
0-5	10,4	1,10	0,50
5-10	14,1	1,14	0,64
10-15	17,4	1,22	0,76

15-20	18,6	1,25	1,04
-------	------	------	------

1-жадвалдаги маълумотларидан кўриниб турибди чуқурлик ошиши билан намлик, зичлик ва қаттиқлик ортиб борган.


Экишга тайёрланган дала тупроғининг табиий қиялик бурчагини аниқлаш учун воронка, тутқич, устун ва таянч тахтадан иборат сибдан фойдаландик (расм). Воронка орқали тўкиладиган тупроқ диаметри 20 мм бўлган тешикдан ўтиб, конус шаклидаги уюм ҳосил қилади, бу уюмнинг асосининг диаметри бааландиги ўлчанади.

Тупроқнинг табиий қиялик бурчаги унинг намлигига боғлиқ ва шу туфайли унинг қиймати ҳар хил 5,0 дан 18,9% гача намликка эга бўлган тупроқлар учун аниқланади. Бунда намуналар 0-10 см тупроқ қатламидан олинди. Тажрибалар 15 марта такрорликда олиб борилди, уларнинг натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тупроқнинг турли намликдаги табиий қиялик бурчаги

Тупроқ намлиги, %	5,0	6,9	7,8	10,4	13,6	17,0	18,9
Табиий қиялик бурчаги, градус	33	30	31	33	38	39	41



1-воронка; 2-тутқич; 3-устун; 4-таянч тахта

1-расм. Тупроқнинг табиий қиялик бурчагини аниқлаш қурилмаси

2-жадвалдаги маълумотларидан кўриниб турибди тупроқнинг турли намликдаги табиий қиялик бурчагининг минимал қиймати 7-8% атрофидаги тупроқ намлигида кузатилади. Тупроқ намлигининг ушбу қийматдан ортиши ёки камайиши билан табиий қиялик бурчаги катталашди. Бу 7-8% намликда тупроқ зарраларининг ўзаро ишқаланиш бурчаги минимал даражада бўлиши билан боғлиқ. Тупроқ намлигининг камайиши билан кесак мустақамлиги ошишини тажриба билан тупроқ зарраларининг ишқаланиш бурчаги ортиб боради.

Сабзаёт экинлари уруғларини экиш учун тайёрланган тупроқ намлиги, зичлиги, қаттиқлиги ва табиий қиялик бурчаги ўтказилган қатламларда мос равишда 10,4-18,3 фоизни, 1,10-1,25 г/см<sup>3</sup> ва 0,50-1,04 МПа ва 38-41°ни ташкил этди. Сабзаёт экинлари уруғларини экишга тайёрланган дала тупроғининг физик-механик хоссалари бўйича

олинган маълумотлар сабзавот экинлари уруғларини экиш учун қўйилган агротехник талабларга жавоб беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Маматов Ф.М. Qishloq xo'jaligi mashinalari. Дарслик. – Тошкент: “Фориснашриёт”, 2014. – 390 с.
2. <http://vniioh.ru/opredelenie-vlazhnosti-pochvy-termostatno-vesovoj-metod/>
3. ГОСТ 20915-2011 “Испытания сельскохозяйственной техники. Методы определения условий испытаний” – Москва, 2013. – 28 с.
4. Медведев В.В. Твердость почвы. – Харьков. Изд. КГ1. «Городская типография», 2009, 152 с.

### ПАХТАНИ ҚУРИТИШ БАРАБАНИНИНГ ЛОЙИХАЛАШНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ

А.Парпиев т.ф.д., проф., И.Қ.Собиров т.ф.д., Г.Юлдошева-кат.ўқ.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

*Аннотация. Мақолада пахтани қуритиш барабанини лойиҳалашнинг мавжуд методикаси берилган бўлиб, ундаги камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Барабандаги иссиқлик алмашуви коэффициентларини аниқлашдаги ноаниқликлар таҳлил қилинган.*

*Калит сўзлар: қуритиш барабани, иссиқлик ўтказиш коэффициенти, иссиқлик ҳисоби, ҳажмий иссиқлик узатиш коэффициенти, барабан кураги, конвектив ва кондуктив иссиқлик алмашуви.*

*В статье дано действующая методика проектирование сушильного барабана для хлопка-сырца, показана их недостатки. Анализированы неточности при определении теплообменных коэффициентов в барабане.*

*Ключевые слова: сушильный барабан, коэффициент теплопередачи, тепловой расчёт, объёмный коэффициент теплообмена, барабанные лопасти, конвективный и кондуктивный теплообмен.*

*Annotation. The article provides a specific methodology for designing a cotton drying drum and points out its shortcomings. Uncertainties in determining the heat transfer coefficients in the drum were analyzed. The article gives the current methodology for designing a drying drum for raw cotton shows their disadvantages. Inaccuracies in determining the heat exchange coefficients in the drum are analyzed.*

*Key words: drying drum, heat transfer coefficient, heat calculation, volumetric heat transfer coefficient, drum blades, convective and conductive heat transfer.*

Пахтани дастлабки ишлашда қуритиш жараёнининг энг асосий вазифаси пахтадаги технологик меъёрдан (8% дан) юқори бўлган намликни олишдан иборатдир.

Ҳозирда республиканинг барча пахта тозалаш корхоналарида 2СБ-10 ва СБО русумли барабанли қуриткичлар ишлатилмоқда [1.20-22]. Уларнинг ишлаш тажрибаси пахтани барабанда яхши титилмаган ҳолда қуритилиши натижасида пахта билан иссиқ ҳаво ўртасидаги иссиқлик-намлик алмашув жараёнларини тезлиги паст бўлиб, намлик бўйича

иш унумдорлиги етарли эмаслигини кўрсатди[2.74-78,3.92-93].Пахтани қуритиш жараёнини тезлатиш юқори қуритиш температурасини ишлатиш( $250^{\circ}$ - $280^{\circ}$ С гача) ҳисобига амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида тола сифати бузилиши, ёнғин чиқиш ҳолатларини кўпайтирди.


Қуритиш барабанларини такомиллаштириш бўйича бир қатор тадқиқотлар[4.72-74, 5.82-89, 6.71-75] ўтказилган бўлиб, тегишли тавсиялар берилган бўлса-да, ҳозирда уларнинг самарадорлиги талаб даражасида эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири, барабанда пахта ва иссиқ ҳаво ўртасида иссиқлик-намлик алмашув жараёнлари учун оптимал шароит яратилмаганлиги ҳисобланади.

Ҳозирда пастроқ ( $100^{\circ}$ - $180^{\circ}$ С) ҳароратда ишлайдиган, қуритиш таннархи паст бўлган қуритиш барабанларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш долзарб муаммо бўлиб турибди.Қуритиш барабанларини лойиҳалаш учун барабаннинг пахта ва намлик бўйича талаб этилган иш унумдорлигини таъминловчи, пахтага берилган иссиқлик миқдорини ҳисоблаш, ҳамда шу асосида қуритиш барабаннинг асосий параметрларини аниқлаш талаб этилади.

Барабаннинг асосий параметрлари унинг диаметри, узунлиги ва ички мосламалари конструкцияси ҳисобланади. Барабан диаметри пахта бўйича иш унумдорлигини, узунлиги эса барабанга берилган иссиқ ҳаводан фойдаланиш даражасини, ички мосламалари эса пахтани барабан ичида титилганлик даражаси ва тақсимланиш ҳолатини характерлайди.

Барабаннинг асосий параметрлари "Ўзпахтасаноат илм" АЖ ҳамда Г.И.Мирошниченко[7.71-90] томонидан ишлаб чиқилган ҳисоблаш методикаси асосида аниқланади ва лойиҳаланади.Мазкур қуритиш барабанларининг ҳисоблаш методикаси бир қатор камчиликларга эга бўлиб, уни пахтани қуритиш барабанлари учун ишлатилиши аҳамиятли даражада хатоликларга олиб келади. Бу ерда энг асосий хатолик Н.М.Михайлов томонидан ишлаб чиқилган сочилувчан дисперс материаллар учун ишлаб чиқилган қуритиш барабанларини иссиқлик ҳисоби методикасини пахта учун тўғридан тўғри тадбиқ этилиши ҳисобланади.

Н.М.Михайлов методикаси қуритиш барабанларининг ички мосламалари ва иссиқлик алмашув коэффициентларини аниқлашда сочилувчан материалларнинг муҳим хоссаси, яъни барабан куракчаларидан сочилиб тушиш юзаси учбурчак шаклида бўлиши ва учбурчакнинг курак учидаги бурчаги материалнинг табиий оғиш бурчагига тенг эканлигига асосланган(1-шакл). Бу ерда  $\gamma$ -материални табиий оғиш бурчаги,  $\Sigma_{\delta\delta}$ -куракларда ётган пахтани иссиқ ҳаво билан контактда бўладиган юзаси периметри кесимларининг йиғиндиси;  $\Sigma_{\delta c}$  ва  $\Sigma_{a\delta}$  мос равишда пахтадан холи бўлган барабан юзаси ва ички мосламалари юзасини характерловчи кесмалар йиғиндиси.



1-шакл. Сочилувчан материални барабан 2-шакл. 2СБ-10 қуритиш барабанида кўндаланг кесими юзасида тақсимланиш пахтани тақсимланиши. схемаси.

2-шаклдан кўриниб турибдики, пахта ёмон сочилувчан материал бўлганлиги сабабли 1-шаклдаги ҳолатга ўхшамайди. Пахта бўлақларини бир-бирига илашиш кучи мавжуд бўлганлиги сабабли барабан куракларидан табиий оғиш бурчаги бўйича тушмайди. Натижада уни иссиқлик алмашув юзасини табиий оғиш бурчаги асосида ҳосил бўладиган учбурчак юзаси бўйича ҳисоблаш катта хатоликка олиб келади.

#### Адабиётлар:

1. Пахтани дастлабки ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси (ПДИ70-2017) "Узпахтасаноатилм" АЖ Тошкент-2017 20-22б.
2. А.К. Челмонкулов. Повышение эффективности процесса сушки хлопка-сырца в барабанной сушилке. Дисс. канд. тех. наук. Тошкент-2002 с 74-78.
3. Усмонкулов А., Парпиев А., Бегалиев А. Определение объемного коэффициента теплопередачи в сушильном барабане // Тошкент ТИТЛП.- Тўқимачилик муаммолари № 2. 2006, 92-93б.
4. Усмонкулов А., Ахмедов М. Улучшение эффективности оборудования для процесса сушки хлопка-сырца // Международная конференция. Корейский политехнический университет текстиля и моды, Корея 02.2009. с72-74.
5. А. Parpiev, А. Х. Qayumov, Н. Pardayev. Effect of temperature of steady heating components of cotton-seed at drying process. European science review-Vienna. №7-8., 2016. P.205-207.
6. А. Усмонкулов., А. Парпиев. Уточнение методики определения коэффициента теплопередачи и оптимизации внутренних устройств сушильного барабана // Тошкент. ТТЕСИ., Тўқимачилик муаммолари. № 2. 2003. 44-48б.
7. Г.И. Мирошниченко. Основы проектирования машин первичной обработки хлопка. Москва. Машиностроение. 1972. с71-90.

### СОПОЛИМЕРЛАР ВА ПОЛИМЕРЛАРНИНГ ОЛОВБАРДОШЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ.

**Х.А. Махаммаджанов- Андижон машинасозлик институти таянч докторанти.**



Аннотация. Ушбу мақоладасополимерларнинг турлари, хосса ва хусусиятлари ҳамда турли хилдаги полимер материалларнинг оловбардошлик кўрсаткичлари (эриш ва қайнаш эгри чизиклар диаграмма орқали) тадқиқ қилинган.

**Аннотация.** В данной статье исследуются типы, свойства и свойства сополимеров, а также характеристики воспламеняемости различных полимерных материалов (кривые плавления и кипения с использованием диаграммы).

**Abstract.** This article examines the types, properties and properties of copolymers, as well as the flammability characteristics of various polymeric materials (melting and boiling curves using a diagram).

**Калитсўзлар:** Сополимер, полистирен, оловбардошлилик, харорат, реакция, жараён, компонент, резина.


**Ключевые слова:** Сополимер, полистирол, горючесть, температура, реакция, процесс, компонент, резина.

**Keywords:** Copolymer, polystyrene, flammability, temperature, reaction, process, component, rubber.



## Кириш

Сополимерлар деб полимерлар таркибида икки ёки ундан ортиқ мономерлар мавжуд бўлса айтилади. Агар сополимер таркибида мономер иккита бўлса *биполимер*, агар учта бўлса *терполимер* деб аталади. Фенолформалдегидполимеризацияланишжараёнининграмзийкўринишиономерлар жойлашувига кўра сополимерлар тарқоқ, пайванд, мақбул ва блок тузилишга эга бўлади. 1-расмда бу тўрт турга мисол келтирилган. Сополимерларнинг энг кўп тарқалган тури этилен-пропилендир. Гарчи мономер ва кўп кристалликлар алоҳида қайнаш температурасига эга бўлсада, 35/65 ва 65/35 нисбатда тарқоқ бўлади, 2-расмда баён этилган. 3-расмда эса этилен пропиленнинг барча турига тааллуқли қайнаш харорати келтирилган [1].

Полистирен ва полибутадиенни бириктирилган холда кенг қўлланилади. Яна стирен ва бутадиен, натижада стирен бутадиен резина олинади (SBR). Терполимерга мисол акронитрил-бутадиен-стирен (ABS).



**Расм1.** Турли сополимерлар схемаси



**асм 2.**Сополимерларнинг қайнаш ва шишаланиш харорати

Органик материаллар оловбардош бўлади. Оловга бардошлилик полимерларнинг энг катта муаммоси ҳисобланади. Буни бартараф этиш мақсадида кислород қўшилади. Азот ва кислород қўшилиб полимер оловбардошлиги оширилади бу ASTM D2863 орқали ифодаланади. 21% ҳаво кислород билан полимерлар LOI 0.21 қийматли ўчириш воситаси орқали булар амалга оширилади ва оловбардошлилик коэффициенти аниқланади. "Кислородиндекси" (ОИ) ёки "Критик кислород индекси" (Limiting Oxygen Index) деб аталадиган "Лимит кислород индекси" синонимининг мақсади – пластмасса ва композитсияларнинг нисбий ёнувчанлигини уларни аралашмасидани бошқариладиган атмосферада ёқиш орқали ўлчаш. кислород ва азот. 1- жадвалда турли полимерларнинг LOI коэффициенти тасвирланган [2].

**Жадвал 1.** Турли полимерларнинг LOI коэффициенти

Полимер	LOI
Полиформалдегид	0.15
Полиэтилен оксид	0.15
Полиметил метакрит	0.17
Поликарбонат	0.18
Полиэтилен	0.18
Полипропилен	0.18
Полиизопрен	0.185
Полибутадиен	0.185
Полистирен	0.185
Целлюлоза	0.19
Полиэтилен тетрафлат	0.21
Поливинил алкогид	0.22
Полиамид 66	0.23
Эпоксид	0.23
Поликарбонат	0.27
Арамид тодалар	0.285
Полифенил оксид	0.29
Полисульфон	0.30
Фенолик	0.35
Полихлоропен	0.40
Поливинил хлорид	0.42
Поливинил фторид	0.44
Поливинил хлорид	0.60
Углерод	0.60
Политетрафлюретан	0.95

Бу моддалар полимерни оловбардошлигини таъминлайди. Бироқ галоганлар, фосфор, бромин ва хлорин полимер структурасини яхшилаиди аммо, оловбардошлигини таъминламайди. 2-жадвалда умумий полимерлар учун оловбардошлик рўйхати келтирилган.

Полимер	Оловбардошлар
Акронитрил бутадиен стирен	Октябримидефенил оксид
Юқори қаршилик полистирен	Декабримидефенил оксид
Полиамид	Дехлоран плюс
Поликарбонат	Тетрамобисфенол карбонат
Полиэтилен	Хлоринат парафин
Полипропилен	Дехлоран плюс
Полистирен	Пентабромциклодедант
Поливинил хлорид	Фосфат эстер

Жадвал2. Умумий полимерлар учун оловбардошлик рўйхати

Радикал йўналиш назариясига кўра фосфор билан боғлиқ бир қанча реакциялар мавжуд. Шулардан бири куйида келтирилган:



Бу ерда OH ва H актив занжир боғлари. Реакция куйида давом этади



Бромнинг жойлашишига кўра реакция тенгласи пропорционалланади [3].



### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Tim A. Osswald and Georg Menges "Material Science of Polymers for Engineers" 3<sup>rd</sup> Edition. Carl Hanser Verlag, Munich 2012.  
Alan. M. Russel, Kook Loong Lee "Structure – property relations in nonferrous metals" – John Wiley & Sons, Inc. 2005.

## СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ТРАНСПОРТНОМУ ПЛАНИРОВАНИЮ И ОРГАНИЗАЦИИ ДВИЖЕНИЯ В ГОРОДАХ

**Б.Ф.Мустафоев, М.М.Рахматуллаев**  
Джизакский политехнический институт.

***Аннотация.** В данной статье рассмотрены вопросы современного подхода к транспортному планированию и организации дорожного движения в городах. Отмечается что, отсутствие в настоящее время таких программ и планов перекладывает задачи планирования развития улично-дорожной сети в плоскость оперативного управления процессом принятия решений.*

***Abstract.** This article discusses the issues of modern approach to transport planning and organization of road traffic in cities. It is noted that the current lack of such programs and plans shifts the tasks of planning the development of the road network to the plane of operational management of the decision-making process.*

В Республике Узбекистан заканчивается процесс подготовки документов территориального планирования. На этой основе предусмотрено на всей территории страны подготовка документов территориального планирования: у многих областей и отдельных городах образований - схемы территориального планирования, а в туманах - генеральные планы. Основа разработки транспортных стратегий городов - это положения, записанные в Градостроительном и Земельном кодексах Республики Узбекистан.

Сложившийся в постсоветское время подход к разработке важнейших документов, регламентирующих общие принципы и направления развития города, не предполагает определения механизмов их реализации и контроля за исполнением. Этот аспект может быть отнесен к наследованию традиций плановой экономики, не рассматривавшей вопросы экономики хозяйствующих субъектов и даже национальной экономики, вовлеченной в генеральные планы развития города.

Не имея среднесрочных программ развития, в отсутствие системы мониторинга и контроля исполнения положений генерального плана, органов власти города ежедневно сталкиваются с серьезными трудностями в попытках принятия таких управленческих решений, которые, с одной стороны, решали бы ряд первостепенных задач, а с другой - не противоречили общей линии генерального плана города.

Все это вместе с нерешенностью вопросов разграничения полномочий внутри администраций городов в области управления развитием дорожно-транспортного комплекса приводит к тому, что изменяется само отношение специалистов на местах в городской администрации к генеральному плану как к руководящему документу. Все чаще ставятся под сомнение основные его положения, принимаются тактические решения, идущие вразрез, а порой и прямо противоречащие его положениям. В результате генеральный план города превращается из руководящего документа в документ, который, по мнению многих специалистов городской администрации, даже мешает им в повседневной работе [4].

Наряду с изложенными выше субъективными причинами, мешающими процессу нормального функционирования процесса планирования и развития города, следует указать

на ряд объективных моментов, которые также вносят свой негативный вклад в процесс реализации положений генерального плана:

- существующие темпы автомобилизации превышают прогнозные, принятые в обоснование генеральных планов многих российских городов;

- существующие темпы реализации положений генеральных планов в части развития улично-дорожной сети существенно отстали от заложенных в них параметров.

С учетом того, что существующие генеральные планы не предусматривают альтернативы в части развития улично-дорожной сети, кроме выполнения программ их реализации, уже сейчас требуются разработка и принятие среднесрочных программ по развитию улично-дорожной сети. Разработка таких программ, особенно имеющих объективно вынужденные расхождения с положениями действующих генеральных планов, требует основательного пересмотра сложившейся системы транспортного планирования, серьезных финансовых затрат и времени. Подобные трудности вызваны в первую очередь тем, что технологии, временные рамки и расчетные показатели программ развития будут существенно отличаться от тех, что заложены в генеральных планах.

Отсутствие в настоящее время таких программ и планов перекладывает задачи среднесрочного планирования развития улично-дорожной сети в плоскость оперативного управления процессом принятия решений, основанного либо на коллегиальном принципе, либо на принципе единоначалия. Оба эти принципа формирования транспортной политики размывают ответственность за конечный результат или имеют большую вероятность принятия ошибочных решений, в перспективе еще больше усугубляющих положение в дорожно-транспортном комплексе города.

В итоге складывается ситуация, когда, имея в распоряжении полный набор разработанных документов территориального планирования регионального и местного уровня в области развития дорожно-транспортного комплекса, муниципалитеты крупных городов оказываются не в состоянии системно осуществлять процесс транспортного планирования и развития своих транспортных систем [4].

Повсеместно наблюдаются расхождения реальной ситуации развития городов с теми планами и программами, которые составлялись на основе разработанных ранее генеральных планов [5]. Особенно заметно это стало с развитием дорожно-транспортного комплекса города. Традиционное объяснение этому в обществе находилось в плоскости управления городским хозяйством, проще говоря, чиновникам администраций городов ставилась в вину неспособность придерживаться положений генерального плана.

Однако причины этого следует искать, в первую очередь, именно в самих генеральных планах городов. А мерой оценки их качества пореализации. Хороший генеральный план реализуется естественным образом. Он должен повторять не только архитектурные традиции города, его историческое предназначение, но и следовать объективно наблюдаемым тенденциям в жизни и укладе современного города, его территории, населении, изменяющейся структуре экономики.

Вместо этого, за немногим исключением, в практике генерального планирования основным вектором является развитие городской территории за счет освоения новых территорий, а иногда и расширения границ городов. Эта идеология экстенсивного развития становится базовым противоречием процессов планирования и практической реализации положений генерального плана в крупных современных российских городах.

Причина возникновения подобных противоречий - прежде всего отсутствие на сегодняшний день четкого понимания необходимости и достаточности функционирования

транспортных систем городов, а также связи этого функционирования с конечными показателями качества жизни в крупных городах.

Нетрудно заметить, что за последние десять лет образовалась стойкая тенденция - затраты бюджета растут, а численность населения падает. Это показывает самый первый и поверхностный анализ структуры трат бюджета муниципального образования и потенциала его формирования. При более детальном изучении с применением большего объема статистической информации картина окажется еще более противоречивой (с учетом, например, анализа баланса трудоспособного населения и общей численности населения города или анализа процентного распределения бюджета города на инвестиции в капитальное строительство и содержание). Очевидно, что наблюдаемая тенденция не может сохраняться долго. Нужно либо добиваться прироста населения в городе, либо сокращать бюджетные траты на содержание городской инфраструктуры [6, 7].

Разгрузка образцов грунта, как правило, происходит перед повторными нагружениями образцов. Известно, что разгрузку грунта следует учитывать, если глубина котлована под строительство сооружения более 5 м. Как видно из рис.1, кривые для всех образцов изменяются по похожим траекториям, с незначительными отклонениями. Необходимо отметить небольшое влияние временных эффектов на деформацию суглинка. Это влияние незначительно, оно отсутствует при влажности 14 % – 16 %, но при влажности 20 % наблюдается в диапазоне давлений  $\rho \leq 7$  кГ/см<sup>2</sup>. Влияние временных эффектов проявляется в том, что при фиксированном давлении граница раздела жидкостей в трубке в течении некоторого времени медленно смещается на небольшую величину (порядка 2 мм) и затем ее положение стабилизируется [1, 180].




Рис. 1. Сводный график всех разгрузок для всех образцов

Модуль деформации может для одного и того же грунта иметь разные значения в зависимости от степени действующего напряжения или деформации, а также влажности. Модули деформации допускается определять, используя различные методы лабораторных и полевых испытаний грунтов. Но экономически более эффективно

продолжить развитие теории нелинейного деформирования грунтов и с помощью разработанных законов деформирования проводить анализ изменения модулей деформации. Главной задачей при проектировании фундаментов является прогнозирование и расчет осадок фундамента, а для этого необходимо знать модуль деформации грунта.

#### Список использованной литературы

1. Григорян С.С. Исследования по механике грунтов. Диссертация на соискания ученой степени доктора физ.-мат. наук. / Москва, МГУ им. М.В. Ломоносова, 1965. – 620 с.
2. Sultanov, K.S., Loginov, P.V., Ismoilova, S.I., Salikhova, Z.R. Variable moduli of soil strain. E3S Web of Conferences. 2019. 97. – Pp. 04013.
3. Samorodov, A.V., Sedin, V.L., Krotov, O.V., Tabachnikov, S.V. Procedure for Assigning a Soil Deformation Modulus of Large-Sized Slab and Slab-Pile Foundations Bases. SoilMechanicsandFoundation Engineering. 2019. 56(5). – Pp. 340–345.
4. Логинов П.В. Усредненное значение модулей деформации суглинка при нагружении // Международная конференция «Наука и инновации», Сборник научных трудов 2-часть, 26 ноября 2020 г., г. Ташкент. – С 343-346.

### РАСЧЕТНОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ КРИТИЧЕСКОЙ СКОРОСТИ ВЕРЕТЕН С НАСАДКАМИ

Б.Мўминов -магистрант,

С.Х.Бабаджанов -преподаватель.

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

*Maqolada urchiqning kritik tezligi taxlil qilingan. Maqola zamonaviy halqa yigiruv mashinasining shpindellar bo'iycha ma'lumotlar yoritilgan. Silindrsimon shaklga ega bo'lgan shpindelning, bir uchida mahkamlangan boshqa uchi bo'sh bo'lgan holdagi tebranishlari hisoblangan.*

**Kalit so'zlar:** shpindelning tebranishlari, kritik tezlik, elastik modul, o'rta diametr.

*В статье рассматривается критическая скорость шпинделя. В статье освещается современные шпиндели кольцепрядильных веретен. Рассмотрены колебания шпинделя, имеющего цилиндрическую форму, заземленного в одном конце, если другой конец свободен.*

**Ключевые слова:** колебания шпинделя, критическая скорость, модуль упругости, средний диаметр.

*The article discusses the critical speed of the spindle. The article highlights modern ring spinning spindles. Oscillations of a spindle having a cylindrical shape, clamped at one end, if the end is free, are considered.*

**Key words:** spindle vibrations, critical speed, elastic modulus, average diameter

Как отмечалось, [1] что современные шпиндели кольцепрядильных и кольцевых крутильных веретен имеют сложную форму, состоящую из ряда усеченных конусов и цилиндров.




Рис.1. Коническая форма поперечного сечения веретен.

Точное определение критических скоростей таких шпинделей затруднено, так как площади поперечных сечений  $P$ , а, следовательно, и их экваториальные моменты переменны как показано на рис.1. (применение краевых интегральных уравнений) дают более точные значения первой и второй критических скоростей.

Однако эти методы очень сложны, а поэтому в конструкторской практике мало применяются.

Если шпиндель вращается в длинном подшипнике, то его можно считать зажатым по большому основанию. В этом случае для определения первой критической скорости можно применить формулу Мононоба[2] для схем, показанных на (рис. 1.):

$$\omega_{\text{крит}} = \sqrt{\frac{3 \cdot E \cdot J}{m_{\text{пр}} \cdot l \cdot b^2}} \quad (1)$$

где  $l$  — высота усеченного конуса;

$J$  — экваториальный момент инерции поперечного сечения наибольшего основания конуса;

$E$  — модуль упругости;

$b$  — расстояние консольной части шпинделя.

$m_{\text{пр}}$  — приведенная масса к концу веретен.

Рассмотрим предложенный нами приближенный метод определения первой критической скорости шпинделей кольцепрядильных веретен (рис.2).

Шпиндель состоит из пред пяточного конуса  $AD$ , конуса хвоста  $DE$ , цилиндрической части  $EF$ , переходного конуса  $FF'$ , большого конуса  $F'H$  и малого посадочного конуса  $HC$ . Принимаем, что верхняя опора располагается посередине роликов, длина которых делается около 5—7 мм. Этот метод заключается в том, что действительный шпиндель условно заменяется фиктивным невесомым шпинделем постоянного сечения с сосредоточенной массой на свободном конце, имеющем такую же критическую скорость, как и действительный шпиндель. Диаметр фиктивного шпинделя равен диаметру

шпинделя на его свободном конце. Критическая скорость такого шпинделя легко определяется по формуле. Основная задача заключается в правильном определении приведенной массы.

Расчётная схема шпинделя веретена несколько упрощается. Вместо действительного шпинделя (см. рис.2.) рассматриваем упрощенный шпиндель, в котором два усеченных

конуса объединены в один усеченный конус (диаметры в сечениях *A* и *E* сохраняются). Ликвидируется переходный конус между цилиндрической частью и консольным конусом. Такие изменения мало отразятся на результатах, но сильно упростят расчет.

Отношение расстояния, *a* между опорами *AB* ко всей длине *l* шпинделя обычно бывает в пределах 1/2,5—1/3 и меньше. Расчеты и опыты показывают, что при таком отношении влияние масс хвоста и цилиндрического консольного участка на критическую скорость незначительно и им можно пренебречь. Поэтому для определения приведенной массы будем учитывать только массы консольных конусов *FH* и *HC*. Для этого сначала разделим конус *FH* на три равные части, а посадочный конус *HC*, имеющий малую высоту, примем за самостоятельный участок.




Рис. 2. Расчетная схема шпинделя веретен. ВНТ-30;

Заменим распределенные массы каждого участка сосредоточенными, расположенными в середине участков. В дальнейшем мы рассматриваем цилиндрический шпиндель с диаметром  $d_1$  (рис.2.), поэтому каждую сосредоточенную массу участков мы

умножаем на отношение  $\frac{d_1^4}{d_x^4}$

где  $d_x$  — средний диаметр рассматриваемого участка. Используя метод Дункерля или Рейлея, можем определить приведенную массу на свободном конце шпинделя.

Для определения приведенной массы используется (2) уравнение упругой линии фиктивного невесомого консольного цилиндрического шпинделя на двух опорах со сосредоточенной силой на свободном конце, поэтому для учета влияния конусности каждая

составляющая приведение ной массы умножается на отношение  $\frac{d_1^2}{d_i^2}$  (для участка *AH*

величина  $d_i$  — диаметр большого основания конуса; для участка *HC* величина  $d_i$  — диаметр шпинделя в сечении *H*).

По методу равенства критических скоростей, приведенная масса

$$m_{np} = \frac{\pi \cdot d_1^6 \cdot \rho}{l \cdot b^2} \left[ \frac{l_0(l - 0.5 \cdot l_0)(b - 0.5 \cdot l_0)^2}{d_2^2(d_1 + d_2)^2} + \frac{3 \cdot l_1(l - l_0 - \frac{1}{6} \cdot l_1)(l_2 + \frac{5}{6} \cdot l_1)^2}{d_3^2(5 \cdot d_2 + d_3)^2} + \frac{l_1(l - l_0 - 0.5 \cdot l_1)(l_2 + 0.5 \cdot l_1)^2}{3 \cdot d_3^2(d_2 + d_3)^2} + \frac{3 \cdot l_1(l - l_0 - \frac{5}{6} \cdot l_1)(l_2 + \frac{1}{6} \cdot l_1)^2}{d_3^2(d_2 + 5 \cdot d_3)^2} \right] \quad (2.16)$$

Значения величин, входящих в формулу, ясны из рис.2.3. При методе Рейлея формула для определения  $m_{np}$  получилась бы несколько иной. Критическую скорость шпинделя веретена можно определить по формуле

Для определения критическую скорость шпинделя веретена показанной на рис. 2., измеряем размеры шпинделя, а плотности и модуль упругости материала  $\rho = 2800 \text{ кг/м}^3$ ,  $E = 0,7 \cdot 10^{11} \text{ Н/м}^2$ .

По формуле определяем приведенную массу

$$m_{np1} = 24 \cdot 10^{-3} \text{ кг}; m_{np2} = 31 \cdot 10^{-3} \text{ кг}; m_{np3} = 6,6 \cdot 10^{-3} \text{ кг};$$

Определяем критическую скорость шпинделя веретена по формуле:

$$\omega_{1кр} = 550,8 \text{ рад/сек}; \omega_{2кр} = 640,6 \text{ рад/сек}; \omega_{3кр} = 591,6 \text{ рад/сек};$$

По расчетам первая критическая скорость данного веретена около  $610 \text{ рад/сек}$ ; согласно опытным данным первая критическая скорость этих веретен находится в пределах  $575—622 \text{ рад/сек}$ . Рабочая же скорость этих веретен  $1000—1200 \text{ рад/сек}$ .

Выводы.

1. Предложена методика расчета критических скоростей веретен прядильных машин.
2. Разработана методика измерения высших частот критических скоростей и колебания шпинделя.

#### Литература

1. Коритынский Я.И. Динамика упругих систем текстильных машин. Москва. 1982г.
2. Исхакова Ф.Ф., Бобожонов С.Х., Дустмуродов Г.Э. «Расчетно-экспериментальное определение критической скорости веретен кольцепрядильных машин» Universum: технические науки: электрон. Научные журнал. 2020. № 2 (71). (31.03.2021).

## FUNKSIONAL KERAMIKA SINTEZI VA UNING ASOSLARI BO'YICHA RIVOJLANISH BOSQICHLARI

R.X. Raximov<sup>1</sup>, D.N. Muxtorov<sup>2</sup>

<sup>1</sup>U'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fizika - Quyosh" ilmiy - ishlab chiqarish birlashmasi Materialshunoslik instituti, texnika fanlar doktori, professor.<sup>2</sup>Farg'ona politexnika instituti tayanch doktoranti.

*Annotatsiya: Ushbu ishning maqsadi keramika materiallari sintezini va ular asosida sanoat va xalq xo'jaligi uchun maqsadli keramik materiallar, shuningdek keramika materiallari asosida impuls tizimlarini ishlab chiqish va ulardan samarali foydalanish.*

*Kalit so'zlar: Keramika materiallari, infraqizil konvertorlar, texnologik jarayon, impuls tizimlari, maxsulotlarni quritish.*

*Аннотация: Целью данной работы является синтез керамических материалов, разработка и эффективное использование импульсных систем на основе керамических материалов, а также керамических материалов промышленного и национального назначения.*

*Ключевые слова: керамические материалы, инфракрасные преобразователи, технологический процесс, импульсные системы, сушка изделий.*

*Abstract: The aim of this work is the synthesis of ceramic materials, the development and effective use of pulse systems based on ceramic materials, as well as ceramic materials for industrial and national purposes.*

*Key words: ceramic materials, infrared converters, technological process, pulse systems, drying of products.*

So'nggi yillarda eng muhim muammolardan biri bu moddiy-texnika va yoqilg'i-energetika resurslaridan tejamkorlik bilan foydalanish muammosi hisoblanib, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini sifatli saqlash va qayta ishlash ham bugungi kunning dolzarb muammosidir, chunki yaxshi ovqatlanish sog'lom turmush tarzining ajralmas qismidir. Shu munosabat bilan muqobil, ya'ni qayta tiklanadigan energiya turlaridan foydalanish bo'yicha tadqiqotlar va ishlanmalar soni sezilarli darajada ortib bormoqda. Biroq, faqatgina bir tomonlama yondashuv bilan muammoni global miqyosda hal qilish qiyin. Bir vaqtning o'zida qaysi turdagi energiya ishlatilishidan qat'i nazar, energiyadan foydalanish samaradorligining yetarli emasligi bilan bog'liq muammolarni hal qilish kerak.

Sanoat, qishloq xo'jaligi, va boshqa sohalarda energiyadan samarali foydalanish bo'yicha yangi zamonaviy texnologiyalar jadal rivojlanib yangi muqobil usullar yaratilmoqda. [1,2,3]

Bu sohalardan biri sanoat va qishloq xo'jaligida foydalanish uchun turli xil keramika materiallarini ishlab chiqish va qo'llashdir. Biroq, ushbu xususiyatlarning to'plamini rejalashtirish, sintez qilish va qayta ishlash uchun mavjud bo'lgan usullarning imkoniyatlari juda cheklangan. chunki ular asosan qattiq fazali usul orqali olinishi bilan bog'liq. Ushbu usul muhim cheklovlar va kamchiliklarga ega bo'lib, ularni samarali yo'l bilan bartaraf etish imkoniyati mavjud emas yoki resurslarni haddan tashqari ko'p sarf qilish bilan bartaraf etish mumkin. Bundan tashqari, maqsadli materiallarning ba'zi bir muhim xususiyatlari va bu xususiyatlarini ushbu usullar bilan olish imkonsizdir.

Eritmadan olingan materiallarni sintezi ancha yaxshi natijalar beradi, chunki u suyuq fazada sodir bo'ladi va jarayon yuzlab va minglab marta tezlashadi. Bundan tashqari, ko'plab murakkab kompozitsiyalarni boshqa yo'l bilan olish mumkin emas. Yana bir muammo - maqsadli mahsulotning ifloslanishi yoki stexiometriyasining buzilishi, bu funktsional keramika uchun asos bo'lgan belgilangan xususiyatlar to'plamiga ega materiallarni olishga imkon bermaydi.

Parkentda quvvati 1 MVt bo'lgan katta quyosh pechining qurilishi va foydalanishga topshirilishi belgilangan xususiyatlarga ega bo'lgan keramika materiallarini sintez qilishda texnologik imkoniyatlarni amalga oshirishga imkon berdi. Quyosh energiyasidan foydalangan holda ushbu usulning afzalliklarini quyida keltirib o'tamiz. [4]:

- maqsadli materiallarning ifloslanishi ko'zatilmaydi;
- sintez paytida bir vaqtning o'zida tozalash imkoniyati mavjud;
- isitish tezligini keng diapazonda o'zgartirish mumkin;
- sovitish tezligini boshqarish qobiliyati;
- murakkab kompozitsiyalar olish imkoniyati;
- materiallar odatdagi usullar bilan olinmaydigan tuzilishga ega bo'lib, bu o'ta qiyin ish sharoitida ishlash imkon beradi;
- maqsadli materiallarni sintez qilishning texnologik zanjiridagi har qanday boshqa usul bilan birikish imkoniyati;
- sintez suyuq fazada sodir bo'ladi, bu sintezning to'liqligi va maqsadli materialning stexiometriyasini aniqlaydi;
- dastlabki tarkibiy qismlarni isitish deyarli inersiyasiz amalga oshiriladi;

- moddaga juda keng energiyali fotonlarning kuchli oqimi ta'sir qiladi, buning natijasi ma'lum bir modda yoki birikma uchun barcha mumkin bo'lgan holatlarning hosil bo'lishidir. Bu kristall panjaraning buzilishiga olib keladi. Natijada, maqsadli materialning issiqlikka chidamliligi va mustahkamligi keskin ortadi, chunki kritik kattalikdan yuqori darajadagi ikkinchi darajali qayta kristallanish va yoriqlar o'sishi bo'lmaydi;

- sintez jarayonida ushbu energiya diapazonida mumkin bo'lgan har xil fotokimyoviy reaksiyalar sodir bo'ladi.

Harorat bilan boshqariladigan pechlarda sintez energiyani, asosan, o'tkazuvchan yoki konvektiv vositalar orqali o'tkazish orqali amalga oshiriladi. Bu holda energiyaning asosiy tashuvchilari fononlar hisoblanadi.

Ayrim muammolarni hal qilishning murakkabligi quyidagi amaliy qadamlarni qo'yishga imkon berdi:

- Ko'p qatlamli keramika materiallarini ishlab chiqarishning yuqori samarali texnologiyasi ishlab chiqilgan.

- ishlab chiqilgan printsiplar va yondashuvlarni, shuningdek ko'p qatlamli materiallar qo'llash yuqori ishlash parametrlariga ega yuqori haroratli keramik isitgichlarni yaratishga imkon beradi.

- Katta miqdordagi materiallarni quritadigan qurilmalarda funktsional keramikalardan foydalanish sizga hosildorlikni 3 baravar oshirish, energiya sarfini 3 baravar kamaytirishga imkonini beradi.

- Turli xil buyumlarni quritish uchun funktsional keramikalardan foydalanish energiya sarfi va quritish vaqtining sezilarli pasayishiga olib keladi. Eski texnologiyalar uchun zarur bo'lgan ko'p energiya va mehnat talab qiladigan operatsiyalar keraksiz bo'lib qoladi. Plastmassalarni quritishda funktsional keramikalardan foydalanish nafaqat energiyani tejash va ishlov berish vaqtini qisqartirish, balki quritish moslamalari hajmini sezilarli darajada qisqartirish va mahsulotning sifatini yaxshilash imkonini beradi, chunki poliamid oksidlanmaydi va uning rangi o'zgarmaydi [1,5].

- Funktsional keramika asosidagi quritish usuli oqsillar, lipidlar, biologik faol va ekstraktiv moddalar hamda vitaminlar, fermentlarning to'liq saqlanishini ta'minlaydi; tayyor mahsulotning to'liq sterilligini ta'minlaydi.

Quritishdan o'tgan mahsulotlar, quritgandan keyin tiklangan mahsulotdagi ta'm, xushbo'ylik, mustahkamlik kabi ko'rsatkichlar yangi tayyorlangan ko'rsatkich bilan bir xil ekanligidan dalolat beradi. Energiya sarfi va quritish vaqti sezilarli darajada qisqaradi [1,5].

- Sterilizatsiya tizimlarida funktsional keramikalardan foydalanish ularning ishonchligi va samaradorligini sezilarli darajada oshirishi, asbobga zarar etkazmasligi, shuningdek sterilizatsiya harorati, energiya sarfini pasaytirishi va sterilizatsiya vaqtini sezilarli darajada qisqartirishi mumkin. Bundan tashqari, bunday sterilizatorlarning ishlash qulayligi ta'minlangan [5].

Funktsional keramika yordamida turli xil mahsulotga ta'sir o'tkazish jarayonining o'ziga xos xususiyatlari quyidagilar: [5]:

1. An'anaviy ta'sir qilish usullarining past samaradorligini belgilaydigan energiyaning muhim qismini olib ketadigan issiqlik agenti (issiqlik havo, bug va boshqalar) mavjud emas.

2. Funktsional keramika asosidagi materiallar ma'lum miqdordagi keng energiya manbasini nisbatan tor manbaga aylantirishga imkon beradi.

3. Muayyan vazifa uchun optimal to'lqin uzunligi tanlanishi mumkin. Masalan, o'simliklarni quritish uchun erituvchi bu energiyani maqsadli moddadan sezilarli darajada yuqori



darajada yutadigan darajada to'lqin uzunligi tanlanadi. Bu turli xil narsalarni yumshoq va samarali quritishga imkon beradi.

*Xulosa* qilib aytganda maqsadli keramik materiallarni hosil qilish va funksional keramika yordamida turli xil maxsulotga ta'sir o'tkazish jarayonining o'ziga xos xususiyatlari va ularning afzalliklari keltirib o'tildi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Рахимов Р.Х., Ермаков В.П., Рахимов М.Р., Латипов Р.Н. Способ сушки хлопка-сырца IAP 04881/. Решение о выдаче патента №3263, от 28.03.2014
2. Рахимов Р.Х., Ермаков В.П., Рахимов М.Р. Пленочно-керамический композит для гелиосушилок IAP 2011 0375 (22) 24.08.2011.
3. Рахимов Р.Х., Ермаков В.П. Основы проектирования сушильных установок с использованием функциональной керамики. Часть I. О критериях выбора функциональной керамики для процессов сушки. // Гелиотехника. -2010. -№4. -С.70-77
4. Рахимов Р.Х. Принципы разработки материалов с комплексом заданных свойств при синтезе на БСП. Материалы конференции посвященные 90 летию С.А.Азимова. Ташкент, 2004, С. 176-178
5. Рахимов Р.Х., Ермаков В.П. Монография «Функциональная керамика», «Фаргона», 2007, 328 с.

### **ANALYSIS OF REACTIVE POWER OF ASYMMETRICAL ELECTRICAL CONSUMERS**

**Z.U.Boikhanov- PhD student of Andijan machine-building institute**

***Annotation:** This thesis presents the analysis of reactive power consumption in the symmetrical mode of an induction motor also in which the scattering of magnetic work in the sator cross-sections was illuminated.*

***Key words:** Induction motor, the type of converter, magnetic flux, asymmetrical machines, power converter, rotor circuit.*

Asymmetrical machines as well as faults inside the machine are however not very common. On the contrary, the induction machine by itself is a very robust and reliable machine. As reported in [1] industrial users consider the induction machine to be one of the most reliable components of a complete drive system. The supply of the machine on the other hand is much less reliable. For example, faults can occur in the utility grid, resulting in unbalanced voltages at the input of the power converter or the machine. Serious faults at the grid side of a converter can have a considerable effect on the behavior of the machine, as shown for example in [2]. The effect will of course depend on the fault, the type of converter, and last but not least the inverter machine control system [1].

If a device current is zero due to a fault, increasing this current is no option. Instead, correction should target compensation of the loss using the other devices, maintaining the asymmetry. The model parameters can then be obtained from relatively simple measurements or calculations based on the machine-design parameters. Due to these simplifications, differences between the real machine and the simulations will exist. A clear overview of all assumptions used to derive the model will help to understand the differences between simulated and experimental results. A list of assumptions is given below [2]:

- This thesis will consider only three-phase induction (asynchronous) machines. These machines have three windings on the stator. The rotor can either also have three windings or have a squirrel cage. The rotor circuit is always short-circuited. Wherever the choice of rotor type makes a difference, this will be indicated.
- The three stator windings are identical and positioned symmetrically along the stator bore. In case of a wound rotor, the same is mutatis mutandis true for the rotor windings.
- The air-gap width is very small compared to the length and the diameter of the stator bore. Therefore, only the radial component of the air-gap induction will be considered, which will be approximated by a constant function of the radial position.

Figure 1 shows the magnetic flux density (the magnetic induction) in the air gap of a two-pole machine in the ideal case. Under most operating conditions the induction will vary sinusoidally as a function of both the angular position  $\theta^s$  and the time  $t$ , resulting in a traveling induction wave. Equation 1 describes the radial component of the induction in the ideal case, where  $\omega$  is an angular frequency and  $b$  notes maximum induction.

$$b_1 = b * \cos(\theta^s - \omega t)$$




Figure 1. The magnetic induction in the air gap in the ideal case.

To obtain  $b_1$  for a given winding configuration, it will first be calculated for the case where a current  $i_{sa}$  is flowing in one coil having  $n_{sal}$  turns, at a position  $\xi_{sal}^s$  in the stator, as shown in figure 1.2. For simplicity, the slots have been drawn as if they were completely closed [3-4].




Figure 1.2. Calculation of the magnetic induction in case a single diameter coil is placed in the stator.

In general, each of the three stator windings a, b and c consists of several groups. Each group consists of a number of coils connected in series. To simplify the analysis, only the case where all groups in one winding are connected in series is considered. This means that each coil in stator winding  $q$  will carry the same current  $i_{sq}$ . Under the assumption that no saturation occurs, the magnetic induction in the air gap can be calculated as a summation over the contributions from the  $k_{sq}$  coils of each of the windings. This is described by equation 2.4, where  $b_{1qk}(\theta^s)$  is the induction caused by a current  $i_{iq}$  flowing in coil  $k$  of stator phase  $q$  [5].

$$b_1(\theta^s) = \sum_{q=a,b,c}^0 * \sum_{q=a,b,c}^{k_{kq}} b_{1qk}(\theta^s)$$

In the air gap, a linear relation exists between  $b_1(\theta^s)$  and  $h_1(\theta^s)$ , namely

$$b_1(\theta^s) = \mu_0 * h_1(\theta^s)$$

The resulting  $b_1(\theta^s)$  is shown in figure 1.3.




Figure 1.3. The air-gap induction for the case where a current flows in a single diameter coil.

### References

[1]. Allaev K. R., The Siddiqui I. H., Holidayno I. H., Abdumannonov A. A., Hasanov, M. Y. the Algorithm of calculation of excessive technological power consumption // State patent office Of the Republic of Uzbekistan. Certificate no. 20140089, 17.12.2014

[2]. Borodenko V. A. resource Saving as the main principle of creating automation devices of power systems // Vestnik NIA RK, Moscow, 2006, no. 2.12 p.

[3]. PatentRUz. №04185. Three-phase current-to-voltage unbalance Converter/Amirov S. F., Azimov R. K., Siddikov I. Kh., Khakimov M. H., Hushbokov B. H., Sattarov Kh. a. Rasmiyakhborotnoma. -2010. №6.

, Greece), TashGTU (Tashkent, Uzbekistan), 1997-2001. – 234 p.

[4]. Siddikov I. Kh., Boikhonov Z. U., Karimjonov D. D. Elements And Devices For Monitoring And Control of Energy Efficiency. The American Journal of Engineering and Technology (ISSN – 2689-0984) Published: September 29, 2020 | Pages: 136-148.

[5]. Siddikov I. Kh., Boikhonov Z. U., Makhsudov M. T., Uzaqov. R. Features productions reactive power on systems electrical supply with renewable sources energies. Academia: an international multidisciplinary research journal vol. 10, issue 6, June 2020 Pages: 292-296

## QURILISHDA ISHLATILADIGAN G'ISHTLARNING TURLARINING TAXLILI

**X.A.Asqarov -Farg'ona politexnika inistituti,  
M.B.Asqarova- Andijon Iqtisodiyot va Qurilish Instituti,**

**Annotasiya:** “Nikolay” g'ishtlariga taxliliga ko'ra “Lego” g'ishtlatining arzon va sifatli g'ishtlar ekanligi, bino fasad qismi pardoqlash ishlarini talab etmaydi.

**Kalt so'zlar:** Qurilish, devor.g'isht, suv, o'cham.


**Annotation:** According to “Nikolai” bricks, “Lego” is cheap and high-quality inventions, does not require decoration work.

**Keywords:** Construction, wall. bricks, water, diet.

Bugungi kunda O'zbekistonda uy-joyga bo'lgan talab juda yuqoribo'li, namunaliy uy-joylarni orzon narxlarda qurib bitkazib axolining uy-joyga b'lgan ehtiyojini qondirish esa davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Buni isboti tariqasida Respublikamiz va qurilish vazirligining 2017-2021 yillarga rejalashtirilgan namunaviy uy-joylarni qurish to'g'risidagi qaror va farmonlar shu jumladan. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2017-2021 yillarda qishloq joylarda yangi namunaviy loyihalar bo'yicha arzon uy-joylar qurish dasturi to'g'risida" 2016 yil 21 oktyabrdagi 2639-son qaroriga asosan qurub bitkazish ko'zda tutilgan.

Respublikamizda 2017 yilda 14 587 ta, 2018 yilda 21 550 ta, 2019 yilda 355 ta ko'p qavatli, 15 ming 10 ta arzon uylar, 2020 yil 13 ming 750 ta kvartirali turar joylar qurilishini amalga oshiradi. Bundan ko'rinib turibdiki sifatli g'ishtga bo'lgan talab juda yuqori shu bois gishlarni sifat darajasini taxlil qilinishi slozim.

G'ishtlar tabiiy va sun'iy (mineral) materiallardan tayyorlanadi. Xom va pishiq turlarga bo'linadi. Xom g'isht tabiiy sharoitda quritiladi. Pishiq g'ishtni tayyorlashning "ho'l" va "yarim quruq" usullari bor. Oddiy pishiq g'ishtni "ho'l" usulda tayyorlash uchun sog'tuproqdan loy tayyorlanadi, yaxshilab pishiriladi, qoliplanadi, quritiladi va xumdonida pishiriladi. "Yarim quruq" usulga ko'ra, 8-10% namliqdagi tuproq massasi 120-150 kg/sm<sup>2</sup> bosim ostida po'lat qoliplarda maxsus presslarda presslanadi, keyin 1000° ga yaqin temperaturada aylanma yoki tunnel xumdonlarda pishiriladi. Bu usul g'ishtning o'lchamlari aniq va shakli to'g'ri bo'lishini ta'minlaydi. Siqilishga mustahkamlik chegarasi bo'yicha g'ishtlar 5 markaga bo'linadi: 150; 125; 100; 75; 50. "Ho'l" usul bo'yicha tayyorlangan g'ishtlarning hajmiy og'irligi o'rtacha 1700 kg/m<sup>3</sup> "yarim quruq" usulda tayyorlangan g'ishtniki esa 1900 kg/m<sup>3</sup>ni tashkil etadi. Hajmiy og'irligi 1400 kg/m<sup>3</sup> dan kam bo'lgan yengil g'ishtlar ham binokorlikda keng ishlatiladi. Siqilishga mustahkamlik chegarasi 50-100 kg/sm<sup>2</sup> va hajmiy og'irligi 1000- 1400 kg/m<sup>3</sup> bo'lgan g'ishtlar imoratlarning yuk ko'taruvchi devorlarini tiklashda qo'llanadi. Siqilishga mustahkamlik chegarasi 35-50 kg/sm<sup>2</sup> va hajmiy og'irligi 700-1000 kg/m<sup>3</sup> bo'lgan yengil g'ishtlar oddiy devorlarda, issiq-sovuqni o'tkazmaydigan (izolyatsion) material sifatida hamda sinchli binolarda sinchlar orasini to'ldirishda ishlatiladi. Hajmiy og'irligi 500-700 kg/m<sup>3</sup> va mustahkamlik chegarasi past (6-15 kg/sm<sup>2</sup>) bo'lgan g'ishtlar qozon, quvur va pechlarga qoplash uchun qo'llanadi.




1-rasm "Nikolay" g'ishtlari.

G'ishtlarning g'ovakli, ko'p teshikli, kislotaga, o'tga chidamli maxsus xillari mavjud. Silikat g'ishtlar ham ishlab chiqariladi. Silikat g'ishtlartayyorlash uchun kvars qumi (92-95%), ohak (5-8%) va suv aralashmasidan iborat massa yuqori bosim va temperatura ostida avtoklavlarda qotiriladi. Silikat g'isht sarg'ish kulrang ko'rinishda bo'ladi. Uning hajmiy og'irligi 1700– 1900 kg/m<sup>3</sup>. Bunday g'ishtlar fuqaro va sanoat binolarining yuk ko'taruvchi devorlari va ustunlarini tiklashda ishlatiladi. Silikat g'ishtlar namga, yuqori temperatura (500° dan ortiq) ga uncha chidamli bo'lmagani uchun pech va mo'rilarda, poydevor va sokollarda ishlatilmaydi.

O'zbek milliy me'morligida kvadrat shaklidagi (24x24x5 sm) "mu-sulmon" g'ishtlar keng qo'llanilgan. O'zbekistonda 19-asr 2-yarmidan to'rtburchak shaklli (28x13x7 sm va 37x23x9 sm o'lchamli) "nikolay" g'ishtlari ishlatilgan 1-rasm. Hozir asosan 25x12x6,5 sm o'lchamli va bir yarimtali (25x12x8,8 sm) pishiq g'isht ishlatiladi. Bugungi kunda qurilish materiallari qatoriga "Lego" g'ishlari qo'shildi. "Lego" g'ishlarini afzalliklari va xususiyatlari ularni tez va osonroq joylashtirish uchun oluklar mavjudligi tufayli. Mavjud teshiklarni kabel, sim, beton qarishmasi orqali ulash uchun

foydalanish mumkin. Lego-g'ishtning og'irligi boshqa turlarga qaraganda kamroq. "Lego" g'ishti binoning esa narxni sezilarli darajada pasaytiradi. Qattiq kuchishlatadigan kuchli bosimdan foydalanishni ito'xtatish o'rniga, kuch beradi. Turli xil ranglar va ranglarning soyalari, balki turli xil to'qimalar ham mavjud.

Bu g'ishtni turli sun'iy toshlarga bog'lash mumkin. Binoni qurish uchun ishlatilishi mumkin. Yuqori kuch poydevorlarga nafaqat bo'laklarni, yuk ko'taruvchi devorlarni ham joylashtirish imkonini beradi. "Lego" g'ishti uchun xom ashyo sifatida, ohaktosh jinslar, vulkan kukunlari yoki qumlarni maydalashdan chiqadigan chiqindilardan xam tayyorlanadi. 2-rasm "Lego" g'isht.



2-rasm "Lego" g'isht.

#### Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi *Qurilish vazirligi* <https://mc.uz/>
2. "Lego" g'isht. <https://www.google.com/url?sa=i&url=https%3A%2F%2Fbiopult.ru%2Fuz%2Fleg-o-kirpich-syre-dlya-proizvodstva-opisanie-rabochego-processa-chem-yavlyaetsya%2F&psig=AOvVaw2idlWqLSrDNauMZ2QjE5y9&ust=161733222550000&source=images&cd=vfe&ved=0CAMQjB1qFwoTCliPqvKg3O8CFQAAAAAdAAAAABAD>.
3. Qurilishshyolaridantajribaishlari. E.U. Qosimov, N.A. Samig'ov. Toshkent 2013 yil.
4. Qurilishmateriallarivabuyumlari. N.A. Samig'ov Toshkent 2013 yil .
5. ANALYSIS OF REGIFICATION COLUMN PLATES IN "FERGANAAZOT" JSC АХАбдуқахорович, Modern scientific challenges and trends Polnad Ukraina. 2020 yil.

### ODDIY XOM G'ISHT QORISHMASINING TAYYORLASH TEXNOLOGIYASINI ADABIYOTLAR TAHLILI.

**M.B.Asqarova. Andijon Iqtisodiyot va Qurilish Instituti,  
X.A.Asqarov. Farg'ona politexnika instituti.**

*Annotasiya: Maqolada qurilish sanoatida bino inshootlari qurishda oddiy xom g'isht materiallari asosiy materiallari xaqida davlat standarti bo'yicha o'lcham normativlaridan kelib chiqqan xolda kuchlar xisoblab keltirilgan.*

**Kalt so'zlar:** Qurilish, Devor, G'isht, Suv, O'cham, Press, Shinek.

**Abstract:** The article calculates the forces in the construction industry in the construction of buildings based on the measurement standards of the state standard for the basic materials of ordinary raw bricks.

**Keywords:** Construction, Wall, Brick, Water, Ocham, Press, Shinek.

Qurilishsanoatida bino inshootlaridagi qurilishda oddiy xom g'isht materiallari asosiy material xisoblanadi. Xozirgi kunda O'rta Osiyo xalqlari mintaqasida qishloq hududlarida xom g'ishtga bo'lgan talab juda yuqori. Shunda yekan, sifatli xom g'ishtga bo'lgan ehtiyoj o'sib boraveradi. Bu xom g'ishtga bo'lgan ehtiyojni ta'minlash ustuvor vazifa xisoblanadi.

Oddiy loy g'isht o'lchamlari 250x120x65 yoki 250x120x80 mm bo'ladi. G'ishtning markasi uning mustahkamligi, asosan, qorishmaning mustahkamligiga emas, balki g'ishtning markasiga bog'liq enkanligi aniqlandi.

G'ishtning markasi 5 ta g'ishtni siqilishga va egilishga sinab (o'rtachako'rsatgich. МПа) topiladi. Davlat standartlariga muvofiq oddiy g'isht quyidagi markalarga bo'linadi; 30; 25; 20; 15; 12.5; 10 va 7.5.

Devor qurayotganda g'ishtlararo choko'lchami 12 mm dan oshmasligi lozim. Zavodlarning ishunumirejalashtirilgandagi ish hajmidan kelib chiqqan holda xisoblanadi, hajmi 1 m<sup>2</sup> ga teng devor qurish uchun 400 ta g'isht ishlatiladi. Bir g'ishtning og'irligi 4 kg dan oshmasligi lozim.

Oddiy g'ishtning xossalari quyidagicha; o'rta chazichligi 1600-1800 kg/m<sup>3</sup> ; suvshimuvchanligi, kamida 6 % ; issiqlik o'tkazuvchanlik koeffisienti 0,7-0,85 Вт ( м-<sup>0</sup>С) ; siqilishga mustahkamligi 7,5-30 МПа; egilishga esa 1,8-4,5 МПа ; ayrim hollarda mustahkamligi 20-50 % gacha kichik bo'ladi. Siqilishdagi mustahkamligiga qarab, 7 ta markada g'ishtlar ishlab chiqariladi; 75, 100, 125, 150, 200, 250 va 300. Bu g'ishtlar ishlab chiqarishda shinekli press qurilmasida ishlab chiqariladi. Biz agar bu qurilmani o'rniga Press SM 301A qurilmasidan foydalan sakzichlash evazigashineknizichlashidan 4 barobar yuqori yuqorida ko'rsatilgan ko'rsatkichlar xam 4 % oshishiga erishiladi.

#### **Adabiyot**

1. Qurilish ashyolaridan tajriba ishlari. E.U. Qosimov, N.A. Samig'ov. Toshkent 2013 yil 83-84 betlar.
2. Qurilish materiallari va buyumlari. N.A. Samig'ov Toshkent 2013 yil .

### **ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚУРИТИШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАХЛИЛИ**

**Х.А.Собиров т.ф.н., доцент, Б.Р.Бекқулов т.ф.ф.д., катта ўқитувчи,  
М.М.Хақимов - Ікурс таянч докторант.  
Андижон машинасозлик институти**

**Аннотация:** Марказий Осиё давлатларида куз мавсумининг асосий қисми деярли ёмғирли кунларга тўғри келади. Бу мавсумда йиғиб олинadиган дон маҳсулотлари (шоли, маккажўхори, кунгабоқар) юқори намликда бўлади. Бу эса дон маҳсулотларининг

қуритилишини талаб қилади. Мақолада дон маҳсулотларини қуритиш технологияларининг, радиацион, кондуктив (контактли), конвектив ва сублимацион усуллари тахлил қилинган.

**Калит сўзлар:** қуритиш технологияси, намлик, дон маҳсулотлари, радиацион усул, кондуктив усул, конвектив усул, сублимацион усул.

**Аннотация:** В странах Центральной Азии основная часть осеннего сезона - это практически дождливые дни. Зерновые культуры, собранные в этом сезоне (рис, кукуруза, подсолнечник), отличаются повышенной влажностью. Для этого требуется сушка зерновых продуктов. В статье проанализированы технологии сушки зерновых продуктов, радиационный, кондуктивный (контактный), конвективный и сублимационный методы.

**Ключевые слова:** технология сушки, влажность, зерновые продукты, радиационный метод, кондуктивный метод, конвективный метод, метод сублимации.

**Annotation:** In the countries of Central Asia, the main part of the autumn season is almost rainy days. Cereals harvested this season (rice, corn, sunflower) are characterized by high humidity. This requires drying cereal products. The article analyzes the technologies of drying grain products, radiation, conductive (contact), convective and sublimation methods.

**Key words:** drying technology, moisture, grain products, radiation method, conductive method, convective method, sublimation method.

Дон маҳсулотлари қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатнинг озиқ овқат хавфсизлиги кўп жihatдан дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш базасининг ҳолатига боғлиқ бўлади. Сўнги йилларда Республикамизда дон маҳсулотларидан хусусан шоли етиштириш, сақлаш, қайта ишлашнинг узлуксиз ва самарали тизимини такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини гуруч маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган чора тадбирлари ишлаб чиқилди. Бунга кўра Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йил ҳосили учун шоли етиштириш прогноз кўрсаткичлари бўйича жами 129357 гектар майдон ажратилиб, 611130 тонна ялпи ҳосил олиш кўзда тутилган [1].

Шу муносабат билан дон маҳсулотларихосилини йиғиб олиш куз мавсумининг октябрь ва ноябрь ойларига тўғри келишини инобатга олсак, қисқа вақт ичида йиғиш ва қайта ишлашни амалга ошириш керак бўлади. Йиғиб олинган дон маҳсулотларининг катта қисми юқори намликка эга бўлади. Донни юқори намликда сақлаш дон массасининг ўз-ўзидан қизиши, дон захиралари зарарқурандаларини ривожланиши ва шу кабилар туфайли дон сифати ва миқдорий йўқотилишига олиб келади. Мисол учун, дон маҳсулотларидан маккажўхорини узоқ муддат сақлаш учун намлиги 13 - 14 % миқдорда, шоли учун намлик 12.5 - 13.5 % миқдорида, кунгабоқар учун эса 13.5 -14.5 % бўлиш талаб қилинади [2].

Дон маҳсулотларини хавфсизлиги унинг сифатли қуритилишига боғлиқ, шу мақсадда улар қуритилади. Қуритиш дон маҳсулотларини сақлаш учун барқарор ҳолатга келтиришнинг асосий технологик жараёни ҳисобланади. Одатда бу жараён ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг амалга оширилиши керак. Қуритиш жараёни маълум тартибда ўзаро боғланган, бир неча босқичдан иборат бўлган иссиқлик жараёнларини ўз ичига олади. Қуритиш жараёнининг биринчи босқичида қуритиш агенти бўлган иссиқ хавони дон юзасига етказиб бериш орқали намликни буғлантириб чиқаришдан иборатдир. Қуритиш жараёнининг охириги босқичида қуритиш агенти ёрдамида намлик йўқотилади ва буғлантирилган намлик атмосферага чиқарилади [3].



Донни қуритиш икки хил (табiiй ва сунъий) йўл билан олиб борилади. Дон маҳсулотларини очик ҳавода сувсизлантириш жараёни табiiй қуритиш, махсус қуриткичлар ёрдамида қуритиш жараёни эса сунъий қуритиш дейилади. Қуритилиши лозим бўлган моддаларни уч турга бўлиш мумкин:

1. Қаттиқ (донли, бўлакли, заррачали);
2. Пастасимон;
3. Суюқ (турли эритмалар) [4].

Дон маҳсулотлари асосан иссиқлик ёрдамида қуритилади. Бунда дондаги сувни буғлатиш учун маълум миқдорда иссиқлик сарф қилинади. Бу ташқи томондан бериладиган иссиқлик ёрдамида намликни йўқотишни назарда тутати. Ҳозирги кунда дон маҳсулотларини қуритишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, ҳар бир усул ўз технологиясига эга ва дон массасига иссиқликни беришга қараб бир-биридан фарқланади [5].

Иссиқлик ташувчи агентнинг қуритилаётган модда билан ўзаро таъсирлашув жараёнига қараб қуритиш қуйдаги усулларга бўлинади:

1. Конвектив қуритиш усули;
2. Контактли қуритиш усули;
3. Радиацион қуритиш усули;
4. Диэлектрик қуритиш усули;
5. Сублимацион қуритиш усули.

**Конвектив қуритиш усули.** Бу усулда қуритиш жараёни қуритиш агенти (ҳаво ёки ёнилғи гази билан аралашмаси) ни дон қатламлари орасидан ўтказиб, намликни буғлантириш ва буғланган намликни ҳаво оқими орқали қуритиш камерасидан чиқариш йўли билан амалга оширилади. Бу усулда турли конструкциядаги қуритиш қурилмалари қўлланилади. Лекин, қуритиш учун сарфланадиган энергия харажатлари кўп бўлсада, қолган усулларга нисбатан самарадорликка эга усул ҳисобланади.

**Контактли қуритиш усули.** Бу усулда иссиқлик дон маҳсулотларига қизиган юзадан кондукция (иссиқлик ўтказувчанлик) орқали юборилади. Қиздирилган юза сифатида буғ, иссиқ сув ёки газ билан иситилган қувурлар ишлатилади. Контактли қуритиш усули кондуктив қуритиш усули ҳам деб юритилади. Бу усулда қуритиш тезлиги қизиган юза ҳарорати ва дон қавати қалинлигига боғлиқ бўлади. Конвектив усулга нисбатан ёқилғи сарфи юқори, дон маҳсулотлари хажм бўйича бир текис қуритилмайди. Бу эса дон маҳсулотлари сифатига таъсир кўрсатади [6]. Шунинг учун бу усул амалда камроқ қўлланилади.

**Радиацион қуритиш усули.** Бу усул кўёш ёрдамида қуритишдир. Бу жараён асосан қуруқ ва очик ҳавода махсус ёғоч, ғишт, асфальт ва лойбитонлардан ясалган катта майдонларда амалга оширилади. Дон маҳсулотлари намлик миқдорига боғлиқ ҳолда 100...150 мм қалинликда қават ёзилади. Қуритиш жараёни бир тонна дон учун тахминан 15 м<sup>2</sup> майдонни эгаллайди. Бир кун мобайнида яхши об-ҳаво шароитида доннинг намлиги 3...4% га камади [7]. Бу усулнинг афзаллиги қуритиш учун қимматбаҳо ёнилғи талаб этилмайди ва қуриш жараёнида дон стрелизация қилинади. Камчилик сифатида катта майдонларни талаб қилишини кўрсатиш мумкин (1-расм).



1-расм. Шолини радиацион усулда қуритиш жараёни

**Диэлектрик қуритиш усули.** Бу усул юқори частотали электр майдонида донни қуритишга асосланган. Бунда донни юқори частотада қиздирилган пайтда дондаги молекулаларни қутбланишига олиб келади. Қутбланган молекулалар ўз ўқлари билан электр майдон бўйлаб жойлашишига ҳаракат қилади. Молекулаларнинг тебраниши уларнинг қисмларини бир бирига тегиб ишқаланишига мажбурлайди ва иссиқлик ажралиб чиқишига сабаб бўлади. Натижада қуритиш жараёни амалга оширилади. Бу усулнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, дон массаси қизиқ ҳаракат градиенти марказга йўналган бўлади. Ушбу усулнинг ягона камчилиги – электр энергиясининг ЎЮЧ электромагнит майдон энергиясига айланишидаги Ф.И.К.нинг пастлигидир.

**Сублимацион қуритиш усули.** Бу янги музлатилган маҳсулотдан вакуум ёрдамида намликни чиқаришдир. Бу усул ўтган асрнинг бошларида кашф қилинган бўлиб, армия ва космонавтика эҳтиёжлари учун ишлатилиб келинган. Ҳозирги даврда бу усул такомиллашган ва қимматбаҳо ҳисобланади. Сублимацион қуритиш сувнинг фақат иккита, яъни қаттиқ ва газсимон агрегат ҳолатда бўла олишига асосланган. Шунинг учун жараён иккита босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқич – маҳсулотни қотиш температурасидан пастда музлатиш ҳисобланади. Иккинчи босқич – сублимация бўлиб, муз кристалларини йўқотишдир.

**Хулоса.** Қуритиш усулларининг таҳлилига асосан республикамиз шароитидан келиб чиқиб дон маҳсулотларини қуритиш конвектив усулида олиб борилса қолган усулларга нисбатан қисман самаралироқ экани тасдиқланмоқда. Буғланган намлик ютилиши ва қуритиш агенти билан биргаликда атмосферага чиқарилиши камроқ энергия талаб қилар экан. Бунинг натижасида энергия тежалаяди ва мазкур усулни қўллаш атроф муҳит учун зарарсиздир.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Мирзиёев Ш.М. “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ – 4973 – сонли Қарори, Тошкент ш., 2021 йил 2 февраль.
2. Хужакулов А.П., Султанова Ш.А., Сафаров Ж.Э. Способ сушки семян риса // Universum: технические науки : электрон. научн. журн. 2020. № 8(77).
3. Беккулов Б.Р., Ибрагимжанов Б.С. Дон маҳсулотларини қуритишнинг замонавий усуллари // Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлашнинг тежамкор технологиялари ва уларнинг инновацион ечимлари. Республика илмий ва илмий-техник анжумани материаллари. – Фарғона: ФарПИ, 2017. – Б. 125 – 127.
4. Манасян С.К., Принципы конвективной сушки зерна. – Краснодар: Вести. Крас ГАУ, 2009. – №6. – С.145 – 150.
5. Хайтов Р.А., Зупаров Р.И., Раджабова В.Э., Шукуров З.З. Дон ва дон маҳсулотларининг сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш, Т. Университет, 2000 й.

6. Беккулов Б.Р. “Шоли куритиш қурилмасининг конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослаш”, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати., Наманган., 2020 й.
7. Хаитов Р.А.,Раджабова В.Э., “Дон ва дон махсулотларини сақлаш технологияси” курсидан тажриба ишларини бажариш учун услубий қўлланма. Бухоро, Муаллиф,2001.(32-44 бетлар).

## **СИФАТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Б.Ж.Хурсанов - катта ўқитувчи, Х.Одилов - талаба, Н.Қ.Абдуллаев - талаба.  
Фарғона политехника институти (ЎЗР)**

***Аннотация:** мақолада таълим ва тарбияда ўқитувчининг дарс ўтиши маҳорати, инновацион педагогик технологиялардан моҳирлик фойдаланиши усуллари тавсия этилган.*

***Калим сўзлар:** таълим, тарбия,интерфаол таълим,интерфаол метод,педагог ва талаба,фаол ҳамкорлик,изланиш ва ижод қилиш.*

***Annotation:** In the article professional skills of the teacher in education andteaching process and the methods of skilful application of innovative pedagogical technologies are recommended.*

***Keywords:**education and training,interactive education,interactivemethod, teacher and student,active cooperation,research and creativity.*

Президентимизнинг олий таълимни янада ривожлантириш тўғрисидаги маърузаларида талабаларни билим олиш даражаси ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифат кўрсаткичи республикамизнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишида асосий устивор йўналиши эканлиги айtilган.

Инновацион педагогик технология,интерфаол таълим,интерфаол методлар мунтазам мулоқотга асосланган услублар бўлиб,талабаларнинг ҳамкорликдаги ва фаол иштирокидаги таълим ва услублар тизими ҳисобланади.Бу услубларнинг ўзига хослиги шундан иборатки,улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб,уларга:  
-талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка,мустақил фикрлаш,ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши;  
-талабаларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларини доимийлигини таъминланиши;  
- талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши;  
- педагог ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этилишлари киради.

Таълим соҳасидаги сифат кўрсаткичи бугунги талабани юксак билимли, замонавий кадр бўлиб иқтисодиётимизни ривожлантиришда жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган бўлиб етишишидир.

Таълим сифат кўрсаткичи аввало нималарга боғлиқ деганда, мен биринчидан ўқитувчининг дарс ўтиш маҳоратига,интерфаол методларни қўллай олишига,яъни таълим олувчи билан ўзаро мулоқотда-харакатда бўлишига,талабаларни бир-бирларидан ўрганишларига, санъатига ва сифатига боғлиқ деган бўлардим. Қанчалик инновацион педагогик технологияларга асосланган кўرғазмали техника воситаларини ишлатманг,

маъруза ўқийтган ўқитувчи уларни бошқара олмаса, зарурий адабиётлар бўлмаса, илғор педагогик методлардан беҳабар бўлса ёки ўқитувчи маъруза ўқишдан олдин, аввало руҳий томондан ўзини тетик ва юқори кайфиятда, ҳамда ўқийтган маърузаси сермазмун ва қизиқарли бўлмаса ўзи сезмаган ҳолда талабалар диққатини торта олмайди, ўзлаштириш паст бўлаверади. Шунингдек ўқитувчи чет эл ва республикамиздаги кундалик ахборот ва воқеалардан хабардор бўлмоғи, маънавий сиёсий, иқтисодий йўналишларда бўлаётган ўзгаришларни, халқимизнинг турмуш шароитини яхшилланишига қаратилган давлат сиёсатини мукаммал билмоғи керак. Чунки, сизга термулиб ўтирган ҳар бир талабадан бундай саволларни бўлиши табиий. Шуни билингики, талаба сизни на фақат маъруза ўқиш маҳоратингизга қолаверса, сиздаги барча билимлардан қай даражада хабардор эканлигингизга қараб сизга нисбатан баҳо беради. Шунга қараб, уни эътибори ошади, маъруза мавзусини қизиқиб тинглайди ва ўзлаштириши юқори бўлади.

